

Рўзиева Д.И, Юлдашева С.Н.

«ИҚТИСОД ва ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ»

Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма

Мундарижа:

КИРИШ	5
I БОБ. “ИҚТИСОД ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ “	
ФАНИНИНГ МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.	7
1.1. “ИҚТИСОД ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ “ ФАНИНИНГ	
ПРЕДМЕТИ ВА МАЗМУНИ.	7
1.2. ИҚТИСОД ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ФАНИНИНГ	
ВАЗИФАЛАРИ.	8
II БОБ. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИДА КОРХОНАЛАР.	10
2.1 БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ	
АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.	10
2.2. КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТУЗИЛМАСИ	
.....	12
III БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ	
ШАКЛЛАРИ.	17
3.1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИ КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШ.	17
3.2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ ВА	
КООПЕРАЦИЯСИ.	19
3.3. САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ КОМБИНАЦИЯЛАШТИРИШНИНГ	
ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ.	21
IV БОБ. ИЛМИЙ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА.	23
4.1. ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ МАЗМУНИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА УНИНГ АҲАМИЯТИ.	23
4.2. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ	
АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОРХОНАДАГИ	
ХУСУСИЯТЛАРИ.	28
4.3. ИЛМИЙ- ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ БОШҚАРИШ.	29
V БОБ. КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА	
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ УРНИ.	34
5.1. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИНГ МОХИЯТИ,	
ТАРКИБИ ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ.	34
5.2. КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАШ УСУЛЛАРИ.	36
5.3. КАПИТАЛ КУРИЛИШНИ ЛОЙИҲАЛАШ.	42
VI БОБ. КОРХОНАЛАРДА НАРХНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ УРНИ.	46
6.1. БАҲО БЕЛГИЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА МАРКЕТИНГ	46
ТИЗИМИДА НАРХЛАШТИРИШ.	46
6.3. БОЗОР ИҚТИСОДИДА НАРХ-НАВОНИ БОШҚАРИШ.	54
VII БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	
КУВВАТЛАРИ.	58

7.1. АСОСИЙ ФОНДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОХИЯТИ ВА УЛАР ТАРКИБИ.	58
7.2. АСОСИЙ ФОНДЛАРНИ БАХОЛАШ ВА УЛАР АМОРТИЗАЦИЯСИ.	60
7.3. АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФОНДЛАРИДАН	66
ФОЙДАЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ.	66
7.4. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУВВАТИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ	
КЎРСАТКИЧЛАРИ.	67
VII БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ АЙЛАНМА ФОНДЛАРИ ВА МАБЛАҒЛАРИ.	72
8.1. АЙЛАНМА ФОНДЛАРНИНГ МОХИЯТИ ВА ТАРКИБИ.	72
8.2. АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ МАНБАЛАРИ.	74
8.3. АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ	
ФОЙДАЛАНИШ.	78
IX БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.	82
9.1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ТУШУНЧАСИ.	82
9.2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ РАЦИОНАЛ ТАШКИЛ ҚИЛИШ	
ПРИНЦИПЛАРИ.	83
9.3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАВРИ, УНИНГ ДАВОМИЙЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ ВА	
ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.	84
X БОБ. АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.	87
10.1. АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВАЗИФАЛАРИ ВА	
УСЛУБЛАРИ.	87
10.3. ПОТОК ЧИЗИҚЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ.	89
10.4. ПОТОКНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ҲИСОБЛАШ.	89
10.5. ПОТОК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ.	90
XI БОБ. ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЁКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА	
ХИЗМАТ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.	94
11.1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНЛАШНИ ВА	
ЭНЕРГЕТИКА ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.	94
11.2. РЕМОНТ ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.	97
РЕМОНТ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИФАЛАРИ, СТРУКТУРАСИ ВА УНИ	
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.	97
11.3. ТРАНСПОРТ ВА ОМБОР ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.	101
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ. ТРАНСПОРТ	
ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ	
ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.	101
XII БОБ. КОРХОНАДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ	106
12.1. КОРХОНА ХОДИМЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАРКИБИ ВА ИШЧИ	
КУЧИ ҲАРАКАТИ	106
12.2 МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА УНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ.	111
12.3. КОРХОНАДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ.	114

13.1. КОРХОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ.....	129
13.2. МАҲСУЛОТ ТАНАРХИ ВА УНИНГ ТАРКИБИ.....	130
13.3.ФОЙДА ВА РЕНТАБЕЛЛИК - КОРХОНА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛОИГИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	134
13.4.КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ МОЛИЯВИЙ.....	141
КОЭФФИЦИЕНТЛАР.	141
А Д А Б И Ё Т Л А Р.....	144

КИРИШ

Мамлакатимиз бозор муносабатларига ўтиши билан жамиятда бозор иқтисодиётининг амал қилиш механизми, турли мулкчиликка асосланган корхоналарнинг хўжалик юритиш фаолияти, уларнинг бозор шароитидаги ҳаракати, мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона тежамкорона фойдаланиш йўллари ва уларнинг самарали фаолият юритишни ўргатувчи билимларга эга бўлишни талаб қилинмоқда.

Ҳозирги кунда ҳар бир жамият аъзосининг олдида бозор иқтисодиёти қонуниятларини чуқур ўрганиш ва уларни Ўзбекистон Республикасида қандай амалга ошираётганлиги, бу қонуниятларни қай йўсинда ишлаб чиқаришга тадбиқ этилаётганлиги, пировард натижасида замон талаби даражасида хизмат кўрсатиш ва товар ишлаб чиқаришни билиб олиш каби бир қатор вазифалар қўйилмоқда.

Жамиятнинг равнақи кўп жиҳатдан етук кадрларга боғлиқ. Ҳозирги кунда мамлакатимиз бир иқтисодий тизимдан иккинчи бир иқтисодий тизимга ўтаётган вақтида ёш тарбияланувчи кадрлардан пухта билимга эга бўлиш, бозор қонуниятларини чуқур таҳлил қилиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали замон талаби даражасида сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариб, уни истеъмолчиларга етказиш ва истеъмолчи эҳтиёжини замон талаби даражасида қондиришни талаб қилмоқда. Бундан ташқари корхоналарнинг самарали фаолият турини белгиловчи замонавий савдо-сотиқ усули-маркетинг тизими, бошқаришнинг янги усули-менежмент, рақобатбоп товарларни ишлаб чиқариш ва фан техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш орқали жаҳон бозорига мос товар ишлаб чиқариш масалаларига чуқур ёндашилаётган бир вақтда ёш кадрлар чуқур иқтисодий билимларга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биз ушбу қўлланмада ҳозирги кундаги турли мулкчилик шаклларига асосланган корхоналар фаолиятини реал ишлаб чиқариш жараёнини, янги хўжалик механизмини ҳозирги кундаги замон талаби даражасидаги иқтисодий қонунлари ва иқтисодий ислохотларни жойлардаги амалий аҳамиятини ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Мазкур қўлланмада иқтисодий ислохотлар даврида корхоналар, уларнинг ташкилий ва ишлаб чиқариш тузилмаси, ташкил қилиш шакллари, илмий техника тараққиёти, корхонага инвестицияларни жалб қилиш йўллари, нархни шакллантириш, корхона фондларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, меҳнатни ташкил қилиш, корхона харажатлари ва унинг фойдаси тўғрисида кенг фикрлар мушоҳада қилинган.

Мамлакатимиз бир иқтисодий тизимдан иккинчи бир иқтисодий тизимга ўтиши муносабати билан илм-фан соҳасида ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлмоқда. Бир қатор янги фанлар пайдо бўла бошлади. “Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш” фани ҳам шундай фанлар жумласидандир. Бир қараганда бу фанни илгари ҳам биз ўрганар эдик деб талкин қилиш мумкин, аммо бу фаннинг таркибий тузилишига эътиборни қаратсак, бу янги мулкчилик шаклига асосланган жамиятда унинг иқтисодий

қонуниятлари ҳам олдинги иқтисодий қонуниятлардан тубдан фарқ қилади. Айниқса маҳсулотни етиштиришда ва истеъмолчига етказишда дилерлар, маклерлар, брокерлар, даллоллар ва шунга ўхшаш бир қатор қиёфаларни кўриш мумкин. Мамлакат иқтисодиётидаги бундай қонун-қоидаларни ўрганиш ва ҳаётимизга тадбиқ этиш орқали турмуш фаровонлигига эришиш, натижада жамият рабнақига эришиш мумкин. Бунда эса “Иқтисод ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш” фанининг аҳамияти каттадир.

I БОБ. “ИҚТИСОД ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ” ФАНИНИНГ МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

1.1. “Иқтисод ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” фанининг предмети ва мазмуни.

“Иқтисод ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш” фанининг объекти бу ҳозирги замон саноати бўлиб, моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоқларидандир.

Ҳозирги замон саноати бир нечта тармоқларнинг мажмуасидан иборат. Ҳар бир тармоқ эса ишлаб чиқариш корхоналар, бирлашмалари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва турли мулкчилик шаклига эга бўлган корхоналар ва уларнинг шубҳаларини ўз ичига олади.

Ҳозирги замон саноати ишлаб чиқаришнинг алоҳида тармоғи бўлиб вужудга келиши ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий меҳнат тақсимотини ривож билан азалий боғлиқдир.

Ҳозирги замон саноати барча объектив иқтисодий қонунлар асосида ривожланиб, ўзи ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари учун моддий-техника воситаларини узлуксиз тайёрлаб беради.

Шу сабабли, саноатнинг тараққиёти даражаси ва унинг самарадорлик даражаси қанча юқори бўлса, жамият тараққиёти шунча кучли ва ҳалқнинг турмуш тарзи чиройли юқори даражада бўлади. Бизга маълумки, барча тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроли билан таъминоти бу саноат тараққиётининг даражасига боғлиқ.

Саноат тараққиётининг муҳим қонуниятларидан бири ходимларнинг маданий-илмий–техникавий даражасини ўсиши, ишлаб чиқариш малакасини оширишда тинмай иш олиб боришидир.

Жамият ривожланиб борган сари кўпгина янгифанлар пайдо бўла бошлади. Бир қараганда «Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш» фани бизга танишдек, аммо бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир жамиятнинг ўз ривожланиш қонуниятлари амал қилади. Шундан хулоса қилиш керакки бу фан ҳам бозор иқтисодиётининг объектив қонунлари мажмуасини таҳлил қилиш орқали уни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг замонавий йўл-йўриқларини ўрганади. Бозор иқтисодиётининг объектив қонунларини яъни талаб-таклиф, қиймат қонуни, пул муомаласига оид қонунларни таҳлил қилиш орқали ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ва натижада ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга боғлиқ бўлган қонун қоидаларнинг мажмуасини ҳам ўрганиди.

Бозор иқтисодиётининг объектив қонунлари яъни талаб-таклиф, қиймат қонуни, пул муомаласига оид қонунларни таҳлил қилиб, уни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ва натижада ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга боғлиқ бўлган қонун қоидаларнинг мажмуасини ҳам ўрганади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликни оқилона юритиш учун, мавжуд ички ва ташқи имкониятлардан оқилона, самарали фойдаланиб, бозор талаби даражасидаги, сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бозор қонуниятларини чуқур билиш ва ҳаётга тадбиқ қила олиш, ишлаб чиқаришни бозор қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш жараёнида замонавий услублардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий янги техника технологияларни жорий қилиш, чет эл инвестицияларда оқилона фойдаланиш йўллари излаш ва мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарур. Бунинг учун эса мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни мунтазам равишда чуқур ўрганиб, иқтисодий ислохотларни амалдаги тадбирини таҳлил қила билиш зарур.

Мамлакатимиз иқтисодидаги чуқур ўзгаришларни ишлаб чиқаришга жалб қилишдан кўзланган мақсад халқнинг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

Иқтисод ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш фанининг предмети-бозор иқтисодиётининг объектив қонунларини ишлаб чиқаришда намоён бўлиш шакллари, турли мулкчилик шаклига асосланган ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилиш йўллари, ишлаб чиқариш жараёнида бозор, унинг тузилиши ва ўрнини ўрганади.

Иқтисод ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш фани турли иқтисодий фанлар билан боғлиқ. Буларга «Тармоқ иқтисоди», «Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш», «Соҳа иқтисоди», «Микроиқтисод», «Макроиқтисод», «Хўжалик фаолияти таҳлили» каби бир қатор фанлар киради.

Бундан ташқари “Иқтисод ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” фани бир қатор ижтимоий гуманитар фанлар, табиий ва аниқ фанлар билан алоқада бўлади. Бу фанлар билан алоқада бўлмай туриб, ҳар қандай корхона ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириб бўлмайди.

1.2. Иқтисод ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш фанининг вазифалари.

Жамият тараққиётида инсон эҳтиёжларини қондиришнинг асосий негизи ишлаб чиқариш эканлигини бугунги кунда ҳамма билади. Иқтисод ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш фани бозор қонуниятлари асосида хўжалик фаолиятини чуқур ўрганиб, бозор иқтисодиётининг асосий йуналишларини белгилайди.

Иқтисод ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш фанининг асосий вазифалари қуйидагилар:

- иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ва мақсадини тушунган ҳолда ишлаб чиқариш тармоқларига уларнинг амалий аҳамиятини тадбиқ қилиш йўл-йўриқларини англаш;
- ишлаб чиқариш корхоналарнинг бозор шароитига мослашганлик ҳолатини ва ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилиш, унинг самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш;

- ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг шакллари бўлган йириклаштириш, ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинациялаштириш даражаларини англатувчи кўрсаткичларини тузиш, корхоналарни мақсадга мувофиқ жойлаштиришни билдирувчи умумий тамойил ва усулларини ўрганиш;
- корхонанинг капитал қўйилмалари таркибини такомиллаштиришнинг асосий йўлларини аниқлаш;
- шу фанни ўрганувчиларни иқтисодий билимлар билан қуроллантириш;
- корхонада меҳнат унумдорлигини узлуксиз оширилишини такомиллаштириш;
- маҳсулот сифатига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва маҳсулот сифатини бошқариш хусусиятлари ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш усулларини ўрганиш;
- маҳсулот таннархини камайтириш имкониятларини, корхонада нархларнинг шаклланишини, корхонада иқтисодий ва маънавий рағбатлантириш усулларини такомиллаштириш, камроқ ижтимоий меҳнат сарфлаган ҳолда юқори иқтисодий натижаларга эришишни ўрганишдир.

Таянч иборалар

Фаннинг предмети, фаннинг объекти, фаннинг вазифалари, иқтисодий ислохотларни моҳияти, инсон эҳтиёжлари, капитал қўйилмалар, ишлаб чиқариш корхоналари.

Назорат саволлари

1. “Иқтисод ва ишлаб чиқариш”фани нимани ўргатади?
2. Фаннинг предмети нима?
3. “Иқтисод ва ишлаб чиқариш”фани қандай вазифаларни бажаради?
4. “Иқтисод ва ишлаб чиқариш”фани қандай иқтисодий фанлар билан боғлиқ?

II БОБ. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИДА КОРХОНАЛАР.

2.1 Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар ва уларнинг асосий хусусиятлари.

Ҳар бир мамлакат иқтисодининг юраги бу корхоналардир.

Ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ, ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект **корхона** ҳисобланади («Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1991-йил 15-феврал. II бўлим, 1-модда).

корхона фаолиятининг мақсади:

- ўз маҳсулоти, ишлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларни қаноатлантириш;
- меҳнат жамоаси абзорларининг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;
- мулкка нисбатан тўғри муносабатда бўлиш. Корхоналар қуйидаги турларга бўлинади:
- жисмоний шахсларнинг хусусий мулкига асосланган корхоналар;
- жамоа (ширкат) мулкига асосланган жамоа, оила, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатларга қарашли корхоналар, диний ташкилотларнинг корхоналари ва жамоа мулкчилигининг бошқа шаклларига асосланган корхоналар;
- давлат мулкига асосланган давлат корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат корхонаси вилоятлараро, вилоят, туманлараро, туман, шаҳар давлат корхонаси ва корхоналарнинг бошқа турлари;
- мулкчиликнинг аралаш шаклига асосланган давлатлараро, қўшма ва турли мулк шакллариининг тўлиқ ёки улуши иштирок этишига асосланган бошқа корхоналар (Ўзбекистон Республикасининг 1993-йил 7-майдаги Қонуни таҳриридан).

Мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар ишловчилар сонига қараб кичик, ўрта ва йирик корхоналар жумласига киритилиши мумкин. Бундай корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, мақоми, рўйхатга олиш шартлари, шунингдек, корхоналарни бу турга киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тартибга солинади.

Корхоналарни ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш корхона ҳақидаги қонуннинг «Ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби» қоидаларига асосан амалга оширилади. («Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. II бўлим, 5-модда).

Корхоналарни амалдаги қонун талаблари асосида мулк эгалари, мулк эгалигига ваколатли шахслар, корхона, ташкилот ва меҳнат жамоалари ташкил этиши мумкин.

Бундан ташқари, корхонани олдиндан ҳаракат қилган корхоналар таркибидан ажралиб чиқиши орқали ҳам ташкил этиш мумкин. Бунда меҳнат жамоаси ташаббуси, фикри ва мулк эгаси ва унга ваколатли органлар розилиги зарур бўлади.

Корхона давлат рўйхатидан ўтиб, юридик шахс мақомига эга бўлгандан сўнг ташкил этилган ҳисобланади.

Корхоналар фаолият соҳаси ва ихтисослашувига қараб саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, кишлок хужалиги, савдо-тижорат, маиший-хизмат, маданий хизмат, даволаш, ўқитиш ва бошқа корхоналарга бўлинади. Бундан ташқари корхоналарни ўрта гуруҳга бўлиш мумкин:

- Бюджет корхоналари.
- Давлат корхоналари.
- Аралаш компаниялар.

Бюджет корхоналари - бу гуруҳга ва ҳукукий, на хўжалик мустақиллигига эга бўлмаган корхоналар киради. Ўзларининг ҳолати бўйича улар давлатнинг маъмурий бошқариш системасига киради ва бинобарин вазирлик, маҳкама ёки маҳаллий бошқариш органлари бўйсунди. Барча даромад ва харажатлар давлат бюджети томонидан олиб борилади. Корхона раҳбари тегишли давлат хизматчиси ҳисобланади. Бундай корхоналарга – ўқув муассасалари, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот ва бошқа шу каби корхоналар мисол бўла олади.

Давлат корхоналари - мулк давлатники бўлган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлари қатъий давлат белгиланган баҳоларда сотадиган, давлат томонидан пул билан таъминлаб туриладиган корхоналар киради.


Аралаш компаниялар- улар акционерлик жамиятлари ва мажбуриятлари чекланган ширкатлар шаклида ташкил қилиниб, акциялари давлатга ва хусусий омонатчиларга таалукли бўлади. Аралаш компаниялар тегишли қонунлар ва ўз уставлари доирасида фаолият кўрсатадилар. Аралаш компанияларнинг хўжалик фаолияти соҳибкорлик ва тижорат асосида амалга оширилади. Аралаш компанияларнинг давлат корхоналаридан устунлиги шундаки, улар кўпроқ хўжалик мустақиллигига эга.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар хўжалик бошқаришда мамлакат иқтисодида асосий рол ўйнайди. Корхоналар қуйидаги макроиқтисодий кўринишлар учун асос ҳисобланади.


- ялпи миллий маҳсулот, ички миллий маҳсулот ва миллий даромадни ошириш;
- мамлакат иқтисодида мулкчилик шаклининг қандай бўлишидан қатъий назар давлатни ролини ошириб, унинг ўз функцияларини бажаришга шароит яратиш. Бу давлат бюджетининг асосий қисми корхоналардан солиқлар ва тўловлар асосида шаклланишига ёрдам беради.
- оддий ва кенгайтирилган қайта ишлаш корхоналари билан таъминлаш;
- корхоналарни давлат орқали ҳимоя қилиш;
- ИТТ ни тезлатиш ва миллий илмни ривожлаништириш;

- фан, маданият ва медицинани ривожлантириш;
- иш билан бандлик муаммосини ечиш;
- бир қатор ижтимоий муаммолар ечимини топиш;

Юқоридаги бажариш учун корхоналар фақат самарали фаолият олиб борса, амалга ошириш мумкин. Юқоридаги муаммоларни ривожланган бозорда ҳал қилиш мумкин. Чунки ривожланган бозор мулкчиликнинг турли хил шаклларида фаолият олиб борадиган корхоналарга, соғлом рақобатга, эркин нархлаштиришга, ривожланган бозор инфраструктурасига бой. Режали иқтисодда корхоналарнинг асосий мақсади йиллик режада кўрсатиш ассортимент ва номенклатурада маҳсулот ишлаб чиқариш яъни



схемаси асосида иш юритар эди. Бу схеманинг асоси ресурслар бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг чегарада эканлигини, яъни корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг давлат томонидан корхоналарга ресурслар билан таъминланиш даражасига қараб белгилангалигидан далолат беради. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан мамлакатимизда корхоналар



схемаси асосида иш бошлади. Яъни юқоридан қуйига қараб эмас, балки қуйидан юқорига қараб истеъмолчиларнинг талаб, тақлиф, эҳтиёжидан келиб чикиб, бозордаги ички ва ташқи имкониятларни таҳлил қилиб, бозор ҳолатини чуқур ўрганиб, рақобатбардош ва кам харажат маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтди.

2.2. Корхоналарнинг ташкилий ва ишлаб чиқариш тузилмаси.

Ишлаб чиқариш — бу жамият тараққиёти ва мавжудлиги учун зарур бўлган моддий бойликлар яратиш жараёни. Ишлаб чиқаришнинг мазмуни меҳнат фаолияти билан аниқланади ва уч ҳолатда кўринади.

- ишнинг мақсадлилиги;
- меҳнат предмети — инсон фаолиятлини мақсадга қаратилиши;
- меҳнат воситаси (машина ва қурилмалар, асбоб ва ускуналар)нинг мавжудлигидир.

Илмий техника тараққиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг бош мазмуни унинг автоматлашуви ҳисобланади.

Ҳар қандай корхона ишлаб чиқариш участкалари ва бўғинлардан ташкил топади. Яъни, цех, участка, хизмат қилувчи бўлим, бошқарув органи ходимлари ҳамда улар оиласи эҳтиёжларини таъминловчи ташкилотлар ва ҳоказо.

Ишлаб чиқариш бўлимлари мажмуи, корхонани бошқаришни ташкил этилиши ва ходимларга хизмат қилиш, улар сони, боғлиқлик даражаси ҳамда улар орасидаги

муносабатлар миқдори, ходимлар сони ва маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати барчаси корхонанинг умумий тузилишини лашкил этади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими — цех, участка, ишлаб чиқаришга тўғри ва ёндошма хизмат кўрсатувчи бўлим ҳамда хизматлар мажмуи бўлиғича ишлаб чиқариш тузилишини ташкил этади. Бу меҳнат унумдорлиги даражаси, ишлаб чиқариш харажатлари, техника, табиий бойликлардан фойдаланиш самарасини аниқлайди.

Ишлаб чиқаришнинг оқилона тузилиши қуйидаги тартибда аниқланади:

- корхонада цехлар таркиби ўрнатилади, уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳажми аниқланади;
- ҳар бир цех ва омбор майдони ҳисобланади. Корхона ичида барча транспорт алоқалари режалаштирилади;
- ишлаб чиқариш жараёни давомида меҳнат предметлари цехлар орасидаги ҳаракатининг қисқа маршрутлари ҳисобланади;
- ишлаб чиқариш бўлимларига цехлар, участка, лаборатория ва бошқа хизмат кўрсатувчи бўлимлар киради;
- ходимларга хизмат қилувчи бўлимларга уй-жой, маиший хўжалик бўлими, ошхона буфети, болалар боғчаси, дам олиш уйлари, тиббий бўлим, спорт иншоотлари ва бошқа корхона қошидаги ўқув муассасалари киради.

Цех—асосий ишлаб чиқариш бўғини бўлиб, ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби тамойили асосида ташкил этади. Бу жараёни қуйидаги 1-схема орқали яққол кўриш мумкин.

Машинасозлик корхоналарида цехлар тўрт гуруҳга бўлинади: асосий, қўшимча, оралик ва ёрдамчи цехлар.


Асосий цехлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш операцияларини бажаради.

Асосий цехлар ўз навбатида тайёрлов, қайта ишлов ва йиғув цехларига бўлинади.

Қўшимча цехларга инструментал, таъмирлаш, энергетика, транспорт каби цехлар киради.

Оралик цехларга кенг истеъмол товарлари чиқарувчи цехлар, чиқиндиларни қайта ишловчи цехлар киради.

Ёрдамчи цех — идишлар тайёрловчи, юклаш, тушириш ишларини бажарувчи цех ҳисобланади.



1 – схема. Корхонадаги цех турлари.

Ишлаб чиқариш тузилишида конструкторлик бюроси, лабораториялар ва илмий текшириш институтлари асосий ўринни эгаллайди.

Цехлар таркибига асосий ва қўшимча ишлаб чиқариш участкалари киради. Ишлаб чиқариш участкалари технологик ва маҳсулот тамойили асосида ташкил этилади. Технологик тамойили дейилганда, участка маълум бир технологик жараёни бажариши тушунилади.

Маҳсулот тамойилида маълум бир жараён бажарилмай, балки участкада тайёр маҳсулот ҳосил бўлади.

Қўшимча цехларга бош механик, бош энергетик участка-лари олиниши мумкин. Улар ҳам юқорида таъкидлаб ўтилган тамойиллар асосида ташкил этилади (предмет ва технологик).

Корхоналарда ишлаб чиқариш тузилишини уч кўриниши мавжуд: предмет, технологик ва аралаш.

Предмет шаклида бирон бир маҳсулот ёки унинг деталлари тайёрланади.

Технологик тизим аниқ бир технологик операцияга асосланган бўлади.

Аралаш тизимида маълум бир технологик операцияларга асосланган ҳолда маълум бир турдаги тайёр маҳсулотлар ва уларнинг деталлари ишлаб чиқилади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- якка тартибда;
- сериялаб;
- ялпи.

Якка тартибда ишлаб чиқаришда маҳсулотларни доналаб ишлаб чиқарилиши амалга оширилади. Бу турнинг афзаллик томонлари қуйидагилар:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг қўп номенклатурага эга эканлиги;
- иш жойининг технологик ихтисослашув асосида ташкил этилиши;
- универсал қурилмалардан фойдаланиш;
- қўл меҳнатидан фойдаланишнинг юқорилиги;
- ишлаб чиқариш жараёни давомининг узунлиги;
- назоратни автоматлаштиришни мақсадга мувофиқ эмаслиги;
- сифатни назорат қилишда статистик усуллардан фойдаланиш имконияти йўқлиги;
- жонли меҳнат сарфи юқорилиги ва бошқалардан иборат.

Сериялаб ишлаб чиқаришда бир турдаги маҳсулотлар катта (йирик) партияларда ишлаб чиқарилади.

Ялпи ишлаб чиқариш ўзининг узлуксизлиги ва чекланган маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг давомийлиги билан ҳарактерланади.

Ишлаб чиқариш тузилишига бир қатор омиллар таъсир этади:

- тармоқ омили;
- конструкциянинг соддалиги;
- сифатга қўйилган талаблар;
- ишлаб чиқариш тури, ихтисослашуви даражаси;
- қурилмалар таркиби;
- ишлаб чиқариш жараёнининг характери;
- хизмат кўрсатишни ташкил этилиши ва ҳоказо.

Ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг тузилиши доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришнинг тузилишининг такомиллаштириш йўналишлари қуйидагилар:

- корхонада воқеаларни йириклашуви;
- цехлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкил этишни илғор тамойилни қидириб топиш;
- асосий ва қўшимча цехлар орасидаги оптимал муносабатни сақлаш;
- ишлаб чиқаришни комбинациялашувини ривожлантириш;
- корхоналарда цехсиз бошқарув тузилишини ташкил этиш ва бошқалар.

Корхона бош режаси - саноат корхоналарини лойиҳалаштиришнинг асосий қисмларидан бири ҳисобланиб, корхона ҳудудини ободонлашуви, режалаштирилиши, бинолар, иморат ва иншоотлар жойлашуви, транспорт коммуникацияси, хўжалик ва маиший хизмат тизимини ташкил этилиши каби оммавий тадбирларни ўз ичига олади.

Таянч иборалар

Корхона, мулк шакллари, бюджет корхоналари, давлат корхоналари, аралаш компаниялар, ялпи миллий маҳсулот, ички миллий маҳсулот, миллий даромадни ошириш,

бу давлат бюджетининг асосий қисми корхоналардан солиқлар ва тўловлар асосида шаклланишига ёрдам беради, иш билан бандлик муаммосини ечиш, рақобат, эркин нарх, ишлаб чиқариш бўлими, асосий цех, ёрдамчи цех, ишлаб чиқаришни тузилишлари.

Назорат саволлари

1. Корхоналар тўғрисида тушунча?
2. Корхоналарни қандай гуруҳлари мавжуд?
3. Режали иқтисодиёт давридаги корхоналардан бозор иқтисодиёти корхоналари қандай фарқланади?
4. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш турлари?
5. Ишлаб чиқариш тушунчасини қандай тушунасиш?
6. Ишлаб чиқариш тузилиш тушунчасини ифодаланг?
7. Цех ва цехларни турларинишига фарқ беринг?

III БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ КИЛИШ ШАКЛЛАРИ.

3.1. Ишлаб чиқариш корхоналарини концентрациялаш.

Корхоналарни йириклашуви - йирик корхоналарда ишлаб чиқаришни жамланиши ҳисобланиб, у меҳнат қуроллари илмий техник тараққиёти ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўсиши орқали аниқланади.

Ишлаб чиқаришнинг ўта йириклашуви ҳам ўз вақтида кутилган натижани бермаслиги мумкин. Шунинг учун саноатнинг ҳар бир тармоғидаги корхоналар ишлаб чиқариш ҳажми, хомашёни йетказиб келиш ва тайёр маҳсулотни ташиш бўйича оптимал миқдори белгилаб олади.

Ишлаб чиқаришнинг оптимал миқдори деганда, белгиланган муддатда кам харажат қилган ҳолда юқори самарага эришиб шартнома шартларини бажарилиши тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта корхоналар нисбатан юқори суръатлар билан ривожланади. Йириклари эса асосан табақалашади. Кичик ва ўрта корхоналар ишлаб чиқаришни янги маҳсулотлар бўйича қайта кўришга, қўшимча иш ўринлари очишга ҳамда бандлик масаласини ҳал этишга яхши мослашган бўлади.

Корхоналарни йириклаштиришни қуйидаги ҳар хил шакллар орқали ривожлантириш мумкин:

- бир хил типдаги маҳсулотларни (ихтисослашган корхоналар шаклида) ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали;
- ҳар хил типдаги маҳсулотларни (ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар шаклида) ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали;
- корхоналарни комбинациялаш асосида кенгайтиришни ривожлантириш орқали (корхона-комбинатлар шаклида);
- ишлаб чиқаришни диверсификациялаш асосида кенгайтиришни ривожлантириш.
- Бу ишлаб чиқаришнинг қийин шакли бўлиб, бунча корхонанинг энг йириклашган шакли орқали эришиш мумкин.
- Ишлаб чиқариш корхоналарини йириклашга қуйидаги йўллар орқали эришиш мумкин:
- олдиндан мавжуд бўлган машина, технология, техник линияларни кўпайтириш орқали;
- катта қувватга эга бўлган машина ва ускуналарни қўллаш орқали;
- ишлаб чиқариш корхоналарни янги замонавий услубдаги машина, ускуналар билан қуроллантириш орқали;
- ўзаро боғлиқ корхоналарини комбинациялаш орқали;

Иқтисодий нуқтаи назардан ишлаб чиқаришни йириклаштиришнинг энг мақсадли йўли бу корхонага катта қувватдаги янги машина ва ускуналарни жалб қилишдир.

Корпорация даражасини таҳлил қилганда абсалют ва нисбий кўрсаткичлар таҳлил қилинади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг кенгайтиришнинг алоҳида ўлчами билан ҳарактерланади, унинг даражаси эса қуйидаги кўрсаткичлар орқали аниқланади: маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, ўртача йиллик асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишловчиларнинг ўртача йиллик сони. Бўлардан энг фаоли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидир.

Нисбий кенгайтириш ҳар хил ўлчамдаги корхоналар ўртасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг тақсимооти билан ҳарактерланади. Шунинг учун нисбий кенгайтириш даражаси эса шу йилдаги кўрсаткичлар орқали аниқланади. Бутун бир корхонада қандайдир маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида корхонанинг миқдори, бозорда маҳсулотларни сотилишидан корхонанинг ҳақи ва ҳоказолар.

Корхоналарни йириклашувини ҳарактерловчи кўрсаткичлар:

- Йирик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;
- Ходимларнинг ўртача йиллик сони;
- Асосий фондларни ўртача йиллик қиймати;
- Йиллик фойдаланилган электр энергия миқдори;
- Йирик корхоналарнинг умумий маҳсулотдаги улуши; %
- Тармоқдаги корхоналарнинг ўртача миқдори.

3.2. Ишлаб чиқариш корхоналарининг ихтисослашуви ва кооперацияси.

Корхоналарни ихтисослашуви деб, бир турдаги ишлаб чиқаришни ўзида мужассамлаштирган корхоналар йиғиндисига айтилади. Корхона ихтисослашувининг уч шакли мавжуд: предмет, детал ва технологик.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ижтимоий меҳнатнинг шакли бу ишлаб чиқариш корхонасининг ихтисослашувидир.

Саноатда ихтисослашувнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

Буюмлар бўйича ихтисослаш. Бунинг моҳияти шундаки ишлаб чиқариш корхонаси тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашади яъни айрим корхоналарни технологик жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлган ва чекланган миқдордаги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга мослаштиришдир;

Қисмлар (агрегатлар) бўйича ихтисослашиш-корхоналарни технологик жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлган чекланган миқдорда қисмларни ишлаб чиқаришдир;

Технологик ихтисослашиш-корхонанинг айрим технологик жараёнларни бажаришдир. Айрим ҳолларда улар алоҳида корхоналар миқёсида уйғунлаштирилади. Корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларининг кенгайиши ихтисослашишнинг доимо ривожланиши ва мукаммаллашувининг зарурлигини ифодалайди. Масалан, машинасозликда буюмлар бўйича ихтисослашиш – маълум ишлаб чиқариш тармоқлари ёки иш турлари (пахта териш, йул қурилиши) учун машиналар ишлаб чиқаришни мужассамлашуви йуналишида ривожланмоқда. Бундай ихтисослашиш конструкторларга айрим тармоқларда машиналарнинг ишлаш шароитларини чуқурроқ ўрганиш ҳамда мукаммалроқ техника яратиш имконини кенгайтиради. Бир корхона миқёсида тугалланган ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этилиши унга доимо хизмат қилиб, зарур қисмларни етказиб берувчи ихтисослашган корхоналарни ташкил этилишини тақозо этади. Чунки барча хил маҳсулот ишлаб чиқаришни бир корхонага тўплаш мумкин эмас. Шу туфайли қисмлар ёки маҳсулотнинг бўлакларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналар ташкил этилган. Корхоналарнинг технологик ихтисослашувига машинасозлик заводлари учун тайёр қисмлар ишлаб чиқарувчи, қуювчи ва темирчи-прессловчи заводлар, тўқимачилик фабрикалари учун ип-йигирув фабрикалари мисол бўла олади. Ихтисослашган даражсининг асосий кўрсаткичлари:

- ихтисослашган корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулотини шу маҳсулот турининг умумий ҳажмидаги салмоғи. Корхоналарнинг ихтисослашиш даражасининг муҳим кўрсаткичларидан яна бири-бу ишлаб чиқарадиган, технологик жиҳатдан ўхшаш бўлган ассотиментида буюмларнинг группалари, турларидир. Корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг турлари қанча кам бўлса, унинг ихтисослашув даражаси шунча юқори бўлади. Корхона таркибидаги ихтисослашувни таърифлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:
- Дастгоҳларнинг илғор турларини махсус, автоматик ва бошқа ушбу корхона ёки цех дастгоҳларининг умумий миқдоридаги салмоғи.

- Поток линияларида ўрнатилган дастгоҳларнинг салмоғи. Масалан, поток усулида ишлаб чиқаришда банд бўлган металл қирқувчи дастгоҳларнинг ҳамма асбоб-ускуналарга нисбати(%).

- Корхона ишлаб чиқарадиган турли маҳсулотларда ёки бир шаклга келтирилган деталлар ва қисмларнинг салмоғи.

Корхоналарни ихтисослашувини характерловчи кўрсаткичлар:

- Ихтисослаш корхоналарнинг йиллик маҳсулотдига улуши;
- Ходимларнинг ўртача йиллик сони;
- Асосий фондларни ўртача йиллик қиймати;
- Ихтисослашув даражаси;
- Ихтисослашувнинг йиллик самараси.

Корхоналарнинг кооперациялашуви — бу маълум бир маҳсулотларни ишлаб чиқаришда бир неча корхоналарнинг ҳамкорликда иштирок этиши. Кооперациялашув тармоқ-территориал тамойилда амалга оширилади.

Кооперативлаштириш корхоналарнинг қайси тармоққа таалукчилиги нуктаи назардан тармоқ ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперацияси шаклланган.

Саноатда ихтисослашишнинг шаклланган турларига мувофиқ кооперативлаштиришнинг ҳам 3 тури мавжуд:

- буюмли (агрегатли) кооперативлашиш-машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи бош корхонада турли (электродвигателлар, насослар, генераторлар ва бошқа) буюмларни етказиб берувчи корхоналарнинг фаолиятларини ифодалайди.
- технологик кооперативлашиш-бир корхона иккинчисига маълум яримфабрикатлар ёки алоҳида жараёнлар йирик қурилмалар, болғаловчи қисмларни, тўқимачилик корхоналари учун ип етказиб беришни бажаришини ифодалайди. Кооперативлашнинг бу турлари ишлаб чиқаришни ихтисослашнинг иқтисодий афзалликларидан фойдаланишга имкон беради. Кооперативлашиш даражаси турли кўрсаткичларда ифодаланади.
- технологик кооперативлаштириш бош корхонада ишлаб чиқарилгач ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлаб туриш демакдир. Ишлаб чиқариш корхоналарини ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг самардорлигини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади;
- асосий фондлар бирлигига тўғри келувчи маҳсулот миқдори;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- маҳсулотнинг таннарни;
- маҳсулот бирлигига сарфланадиган капитал маблағларнинг камайиши;
- айланма маблағларни ишлаб чиқаришдаги айланиш тезлиги;
- маҳсулотни истеъмолчиларга етказиш бўйича харажатларнинг камайиши;
- маҳсулот сифатининг яхшиланиши;

Ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткич – саноат ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришгача ҳамда кооперативлаштиришгача қилинган харажатлар миқдорини ихтисослаштирилгандан сўнг камайишидир.

Маҳсулот таннархининг камайишини ҳисоблашда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришдан олдин ҳамда кейин материалларни, яримфабрикатларни ва тайёр маҳсулотларни ташиш, айниқса, харажатларининг ўзгариш миқдorigа эътибор берилади.

Корхоналарни кооперациялашувини характерловчи кўрсаткичлар:

- Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархида бутловчи материаллар, ярим фабрикатлар улуши;
- Ушбу корхона қошида кооперациялашган корхоналар сони;
- Ташқарига тайёрланаётган маҳсулотлар умумий ҳажмида ярим фабрикатлар улуши;
- Кооперациялашув даражаси

3.3. Саноат корхоналарини комбинациялаштиришнинг иқтисодий асослари.

Корхоналарни комбинациялашuvi — меҳнат тақсимотининг бир шакли ҳисобланиб, ҳар хил ишлаб чиқаришни бир корхона доирасига бирлашuvi, Бир корхонанинг тайёр маҳсулотидан иккинчи корхона хомашё сифатида фойдаланади. Масалан, комбинат тузилиши комбинациялашувга мисол бўла олади. Унда:

- ҳар хил турдаги ишлаб чиқаришни бирлашuvi;
- улар орасидаги пропорционаллик;
- ишлаб чиқариш орасидаги техник-иқтисодий бирлик;
- ягона энергия таъминоти;
- хизмат кўрсатиш ва ёрдамчи соҳаларнинг ягоналиги мавжуд бўлади.

Комбинациялаштириш натижасида хом ашёдан, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратиладики, бу эса саноатнинг хом ашё манбаини кенгайтиради. Комбинациялаштириш саноат ишлаб чиқаришда жараёнларни узлуксиз олиб бориш, уларни қисқартириш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва антижада иш кучини тежаш меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

Бундай ишлаб чиқариш шароитида бир қатор қурилиш объектлари учун капитал харажатлари, маҳсулотни ва хом ашёни узоққа ташиш, умумзавод харажатлари қисқаради, маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ортади, таннархи камайиб, сифати эса анча яхшиланади ва истеъмолчилар талаби тўлароқ қондирилади.

Комбинатлаштиришнинг таърифига асосан унинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- хом ашёни тайёр маҳсулот олгунча кетма-кет босқичларда қайта ишлаш;

- ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланишга асосланган ҳолда маҳсулот тайёрлаш;
- хом ашёни ёппасига қайта ишлаш.

Комбинациялашнинг изоҳланган шакллари кўп ҳолларда ҳар хил ишлаб чиқаришларнинг ўзаро алоқадорлигига асосланади. Комбинациялашган корхоналарда технологик жараёнлар узлуксиз боради, бир корхонанинг маҳсулоти кўпинча бошқа корхона ёки ишлаб чиқариш учун чала маҳсулот, ёқилғи ёки хом ашё сифатида фойдаланилади. Ишлаб чиқаришни замонавий талабларга ҳамда фан-техника тараққиётининг йўналишини эътиборга олган ҳолда ташкил этиш унинг самардорлигин оширишдаги сезиларли омилдир.

Корхонада комбинациялашнинг ривожланиш даражасини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- корхоналарда умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидан ишлаб чиқаришни комбинациялаш натижасида олинган маҳсулот миқдори;
- хом ашё чиқиндилардан ажратилган фойдали компонентлар даражаси ва хоказолар.

Корхоналарни комбинациялашувини характерловчи кўрсаткичлар:

- Комбинатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши;
- Ходимларнинг ўртача йиллик сони;
- Асосий фондларни ўртача йиллик қиймати;
- Комбинатларнинг ўртача йиллик сони;
- Хом ашё таркибида фойдали элементларнинг улуши, %.

Таянч иборалар

Корхоналарни йириклашуви, корхоналарни ихтисослашуви, корхоналарни комбинациялашуви, корхоналарни кооперациялашуви, корхоналарни ихтисослашувининг шакллари: предмет, деталл, технологик, тармоқ кооперацияси ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперацияси.

Назорат саволлари

1. Ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш шакллари.
2. Корхоналарни йириклашувини характерловчи кўрсаткичлар.
3. Корхоналарни ихтисослашувини характерловчи кўрсаткичлар.
4. Корхоналарни комбинациялашувини характерловчи кўрсаткичлар.
5. Корхоналарни кооперациялашуви характерловчи кўрсаткичлар.

IV БОБ. ИЛМИЙ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА.

4.1. Илмий-техника тараққиёти мазмуни ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда унинг аҳамияти.

Илмий-техника тараққиёти - фан ва техниканинг ягона ўзаро бир-бирини тўлдириб, ривожланиши асосида ишлаб чиқариш ташкилий даражасининг, технологиясининг, меҳнат воситалари ва қуролларининг доимий равишда янгиланиб ва такомиллашиб боришини таъминлашдир. Илмий - техника тараққиёти ишлаб чиқаришни ташкил қилишга, ишлаб чиқариш кучлари элементларига чуқур ўзгариш киритадики, натижада ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам ўзгаради. Ўтиш даврида илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш корхона иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан бири. Ягона техника сиёсати – илмий - техника тараққиёти ва ютуқлари ижтимоий иқтисодий муаммолар ечимини умумлаштиради.

Илмий-техникавий фаолият фаннинг ишлаб чиқариш кучларига айланиш жараёнларини амалга оширади, илмий натижалар техник ечимларга айланади, техника, технология ва материалларнинг янги турларини яратади ва ўзлаштиради. "Фан-техника-ишлаб чиқариш-ишлатиш" ягона мажмуи яратилади. Фаннинг ишлаб чиқариш кучларига айланиши, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг алоқаларини кескин жадаллаштиради. Фан ўз ривожланишида амалиётдан ўсиб кетиб, техникавий инкилоб учун шароит яратади. Ўз навбатида техника ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши илмий-тадқиқотлар ўтказиш ва унинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни жадаллаштиради ва рағбатлантиради. Фаннинг ишлаб чиқариш кучларига айланиши, ишлаб чиқариш кучларининг учинчи элементи эканлигини англатмасдан, балки меҳнат жараёнида ишчи кучидан унумли фойдаланишни билдиради. Фан ишлаб чиқариш кучларининг барча элементларини бойитади, жамиятнинг моддий техника базаси ривожланишига таъсирини кучайтиради.

Фаннинг ишлаб чиқариш кучларига айланиши жараёни нафақат фан ва техника, иқтисодиёт ривожланишида ўз аксини топади, балки жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи-инсоннинг такомиллашувида ҳам намоён бўлади. Илмий техника тараққиёти ходимлар олдига юқори талабларни қўяди, улардан юксак билим, ҳар томонлама тайёргарлик ва ижодий интилишларни талаб қилади. Илмий-техника тараққиётининг муҳим хусусияти илмий-техника инкилобида ифодаланади. Яна бир хусусияти эса унинг иқтисодиёт мажмуининг ривожланишига таъсирида намоён бўлади. Илмий-техника тараққиёти иқтисодиётнинг, саноатнинг тармоқ таркибига, мутаносибликка, ишлаб чиқаришнинг турли шакллардаги корхоналар пайдо бўлишига ва уларда ихтисослашув ва кооперациянинг ривожланишига таъсир қилади. Унинг масштаблари ва ишлаб чиқаришнинг янги даражаси юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун имконият яратади. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларида ўз аксини топади (маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги, таннарх,

фойда ва рентабеллик). Илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун шароит яратади. Илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири меҳнат фаолияти жараёнида инсон билан техниканинг ўзаро муносабатлари ўзгаришидир. Технология жараёнида ишчилар кўпроқ мувофиқлаштирувчи, созловчи ёки дастурчига айланиб қолмоқда. Унинг меҳнатининг мазмуни ва характери ўзгармоқда, ижодкорлик ва изланувчанлик вазифалари кўпаймоқдаки, бу жисмоний ва ақлий меҳнат орасидаги фарқни кескин камайтиради. Ходимларнинг малакасига талаб кучаймоқда. Илмий-техника тараққиёти ишлаб чиқариш кучлари ва меҳнат унумдорлиги даражасини оширади. Иш вақтини камайишини таъминлайди, кишиларнинг бўш вақтларини кўпайтиради, шахснинг ҳар томонлама гармонал ривожланишига имконият яратади. Илмий-техника тараққиётининг таъсирида аввало автоматлаштиришда, янги технологияда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда меҳнат, унинг моҳияти, шароити ва характери тубдан ўзгаради. Яхши ташкил қилинган малакали меҳнат янги техника ва технологияни яратиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш учун ижодий энергия беради. Бозор иқтисодида ўтиш муносабати билан кадрлар профессионал малакасининг ортиши илмий-техника тараққиётини янада жадаллаштиради.

Жамият ишлаб чиқариши икки йўл билан, яъни экстенсив ва интенсив ривожланиши мумкин. Ривожланишнинг экстенсив йўли мавжуд технологиянинг ишлаб чиқаришни ташкил қилиш усуллариининг кенг тарқалишига асосланади. Бу йўл ишлаб чиқаришнинг барча элементларининг мутаносиб ривожланишини, бунга қўшимча маблағнинг жалб қилинишини назарда тутди. Ривожланишнинг интенсив йўли самарали ишлаб чиқариш воситаларининг, технология жараёнларининг қўлланиши, илмий-техника тараққиёти ютуқларида меҳнатнинг илғор усулларидадан фойдаланишни тақозо этади. Бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи, илмий техника тараққиёти негизида пайдо бўладиган ривожланишнинг интенсив йўли икки босқичда амалда оширилади. Биринчи босқичда ишлаб чиқаришда битта ресурснинг тежалишига (масалан, ишчи кучининг) бошқа ресурслар (меҳнат қуроллари ва воситалари) ҳисобига қўшимча харажатлар қилиш билан эришилади. Масалан, ҳар қандай корхонада ҳам меҳнат унумдорлигининг ўсиши, ишчи кучининг тежалиши ишлаб чиқаришда механизация ва автоматизация даражасини ошириш ҳисобига бўлади. Интенсив ривожланишнинг иккинчи босқичида барча ресурслар-ишчи кучи, меҳнат воситалари ва қуроллари, энергия, табиий бойликларнинг бир-бирлик ижтимоий маҳсулотга нисбатан тежалишига эришилади. Ишлаб чиқариш воситаларининг тежалиши нафақат маҳсулот фонд ва материал сарфининг, балки меҳнат сифимининг ҳам камайишига сабаб бўлади.

Илмий-техника тараққиётининг муҳим омилларидан бири фаннинг ривожланиши ҳисобланади. Ўзбекистонда фан ва технологиянинг барча йўналишларида муҳим фундаментал тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бозор иқтисодида

Ўтиш муносабати билан бу илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг асосий манбалари марказлашган капитал маблағлар, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги техникани ўзлаштириш жамғармаси, фан ва техниканинг ривожланиши ягона жамғармаси, банкларнинг ссудалари ва бошқа инвесторларнинг маблағлари ҳисобланади. Иқтисодиёт тармоқларида фан - техника соҳасида ягона сиёсат ўтказиш учун, корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, вазирликлар фойдасидан белгиланган норматив асосида ҳосил қилинадиган фан ва техникани ривожлантириш ягона жамғармаси тузилган. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан бу жамғарма илмий техника тараққиётини жадаллаштирадиган асосий жамғарма бўлади. "Тадқиқот - ишлаб чиқариш" жараёнини бу жамғарма орқали молиялаштиришда илмий-текшириш объектларининг охириги натижа учун масъулияти ва маблағларнинг самарадорлиги ошади. Фан ва техникани ривожлантиришга сарфланадиган харажатларни молиялаштиришнинг муҳим вазифаси бу илмий тадқиқот ва тажриба лойиҳалаштириш ишларининг турли шаклларида кетадиган харажатлар ҳажми ва нисбатини қувватлашдан иборат. Фан ривожланишида, унинг самарадорлигини оширишда илмий тадқиқотлар натижаларининг ишлаб чиқаришда фойдаланиши, чиқариладиган машина ва ускуналарнинг техник даражаси, уларнинг янгилашиш сурати муҳим аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ишларининг боскичлари.

Фундаментал тадқиқотлар ва изланишлар	Амалий тадқиқотлар	Тажриба лойиҳалари	Синов натижаси- рига кўра тажриба нусхани такомил-лаштириш	Ишлаб чи-кариш ша-роитлари учун лойиҳа ва техноло-гик ҳужжат-ларни тайёр-лаш	Моддий, техник ва кадр ресурслари нинг мавжудли-гини аниқлаш
Ишлаб чи-каришга жорий қилиш боскич-лари ва ишлаб чиқариш бос-кичлари	Янги ускуналар чиқарилишни таъминлайдиган чора-тадбирлар режасини тузиш	Ишлаб чиқаришни Тайёрлаш (лойиҳа, технологик) ташкилий	Техник ҳуж-жатларни си-наш ва тако-миллаштириш	Янги ускуналар ишлаб чи-кариш (серияли ёки оқим-ли)	
					Янги ускуна-ларни ишлатиш

1 Расм. Янги ускуналарни яратиш, жорий қилиш ва қўллаш боскичлари.

Илмий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш даражаси фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни ташкил қилишдан боғлиқ. Бу жараён эса фан техника ютуқларини амалга ошириш даврининг мазмуни ва хусусиятларида ўз аксини топади. Фан ва техника ютуқларини амалга ошириш даври илмий-тадқиқот ишлари, тажриба нусхани лойиҳалаштириш, синаш, жорий қилиш боскичларидан иборат (расм 3.1.).

"Фан- техника-ишлаб чиқариш-қўллаш" жараёни ускунанинг илмий-ишлаб чиқариш ва ҳаёт давридан иборат. (расм 3.2.) Бу жараён мазмунини мукамалроқ кўриб чиқамиз. Бу жараённинг бошланиши-фундаментал тадқиқотлардан иборат. Унинг мақсади-табиат ва жамият ривожланиши қонуниятларини ўрганишдир. Бунинг натижасида янги билимлар эгалланади, янги ғоялар туғилади. Амалий-илмий-тадқиқот ишлари эса янги техника, технология ва маҳсулот яратиш имкониятлари ҳақида маълумотлар беради. Тажриба-лойиҳа ишлари эса билимларни моддийлаштириш вазифасини ҳал қилади. Бунда тажриба нусха ёки янги қурилма яратилади. Унинг техник ҳужжатлари тайёрланади. Янги ускунани ишлаб чиқариш технологияси корхона шароитларига мослаштирилган, фан - техника ютуқлари натижалари ишлаб чиқаришда ўзлаштирилган бўлади. Янги техникани қўллаш (фойдаланиш) иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ижобий натижалар олиниши таъминлайди. Кейин эса техника жисмоний ва маънавий эскиради, ишлаб чиқаришдан олинади. "Фан-техника-ишлаб чиқариш-қўллаш" жараёнида жорий қилиш муҳим ўрин тутади. Техниканинг янги турларини жорий қилиш деганда уни керакли масштабда, аниқ бир корхонада ишлаб чиқариш тушунилади. Илмий натижаларни жорий қилишда ишлаб чиқаришнинг техникавий ва ташкилий даражаси муҳим омил ҳисобланади. Бу омил эса ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, бошқариш, технология усуллари, меҳнат воситалари ва предметлари замонавийлигини ҳарактерловчи мажмуавий тушунчадир.

Фунда- ментал тадки- котлар	Изла- нишлар	Амалий илмий тадки-кот иш- лари	Тажриба- лойиха ишлари	Саноат иш- лаб чиқариш ни ўзлашти- риш	Янги тех- никани таркали ши	Янги техни кадан фой дала- ниш	Техн ика- нинг эски - риш и
	Илмий-техникавий тайёргарлик						
	«Фан-техника-ишлаб чиқариш» жараёни						
	Илмий-ишлаб чиқариш даври						
	Хаёт даври						

2 Расм "Фан-техника -ишлаб чиқариш-қўллаш"даври доирасидаги асосий алоқалар.

Бу жараённи схематик тарзда қуйидагича кўрсатиш мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий техникавий даражаси			
Курилма (лойиха)	Технология	Ишлаб чиқариш- ни ташkil қилиш	Бошқариш
Ускуналар		Меҳнатни ташkil қилиш	

3 Расм. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий даражасини белгиловчи омиллар тўплами.

Ишлаб чиқаришни ташкилий ва техникавий даражаси кўрсаткичлари бир-бирови билан узвий боғланган корхонада чиқариладиган маҳсулотнинг узлуксиз янгиланиш жараёни унинг моддий техника базаси янгиланишига ҳам сабаб бўлади. Агар ишлаб чиқаришнинг ташkil килиниши жонли ва конкрет меҳнатдан фойдаланиш даражаси ҳақида маълумот бермаса ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси юқори деб тан олиниши мумкин эмас. Ишлаб чиқаришнинг юқори ташкилий техникавий даражасига жамоанинг юқори ижтимоий ривожланиши даражаси ҳам мос келиши керак. (ишловчиларнинг ишдан моддий ва маънавий коникиши, жамоадаги яхши муносабат). Ишлаб чиқариш ташкилий-техникавий даражасининг ўзгариши унинг иқтисодий даражасининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлади. Ўз навбатида иқтисодий даража ижтимоий даража учун негиз яратади. Аксинча тескари алоқа ҳам мавжуд бўлади. Жамоанинг ижтимоий шароитларни яхшилашга интилиши, унинг иқтисодий даражасини, охир окибатда эса ташкилий-техникавий даражасини яхшилади.

Илмий техника-таракқиётининг ҳал қилувчи омилларида бири корхона ходимларининг илмий ва амалий тайёргарлик даражаси, уларнинг янги техникани, технологияни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш қобилиятларидир. Шунинг учун доимо ходимларни тайёрлаш сифати ва малакасини ошириш талаб қилинади. Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан бу нарса давр талабига айланди. Бундан ташқари илмий-техника таракқиётини бошқариш тизими корхоналарни, илмий ва лойиҳалаштириш ташкилотларини, шу жумладан алоҳида ходимларни янги техникани яратгани ва жорий қилгани учун моддий ва маънавий рағбатлантириши ҳам муҳим омиллardan ҳисобланади. Илмий, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатини рағбатлантириш, фанни ривожлантириш, унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир. Бу рағбатлантириш моддий ёки маънавий бўлиши мумкин. Рақобат шароитида ҳам ходимларни моддий рағбатлантириш уларни фаолиятининг юқори натижалари учун (моддий тақдирлаш) мукофотлаш тизимидан иборат. Илмий ходимнинг иш ҳақи оклад бўлиб, унинг миқдори эса ходимнинг эгаллаб турган лавозимига, илмий даражасига, малакасига, бажарадиган ишининг масъулият даражасига, меҳнатнинг миқдори ва сифатига, иқтисодий натижаларига, иқтисодиёт тармоғига, унинг тоифасига, меҳнат шароитига ва ташкилотнинг ҳудудий жойлашувига боғлиқ. Ходимлар олинadиган даромаддан кўшимча мукофотланадилар. Мукофот миқдори эса ишланмани жорий қилиш натижасида олинadиган иқтисодий самарадан моддий рағбатлантириш жамғармасига тушадиган маблағ миқдoriga боғлиқ бўлади.

4.2. Бозор иқтисодиётида илмий-техника таракқиётининг асосий йўналишлари ва уларнинг корхонадаги хусусиятлари.

Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан илмий-техника таракқиётининг қуйидаги асосий йўналишлари кўзга ташланмоқда:

1. Ишлаб чиқаришни ялпи автоматлаштириш-кўл меҳнатини машина меҳнатига алмаштириш; алоҳида операцияларни автоматлаштиришдан асосий ва ёрдамчи технологик жараёнларни автоматлаштиришга ўтиш; янги машиналарни, автоматлаштирилган тизимларни ишлаб чиқаришга ва бошқаришга жорий қилиш;
2. Мини техника яратиш -фермер хўжаликлари учун машина ва ускуналар, уй шароитига мослашган тўқув - йигирув дастгоҳлари, иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун мини заводлар яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш.
3. Ҳозирги босқичда ишлаб чиқаришни ялпи автоматлаштириш иккита асосий вазифа; меҳнатнинг характерини ва ижтимоий аҳамиятини ўзгартиришни ҳамда уни ҳар томонлама тежашни ҳал қилиши керак. Меҳнатни автоматлаштириш даражаси уни нафақат сифат томондан, балки миқдор томондан ҳам характерлаши лозим. Бунинг учун эса зарур кўрсаткичлар тўплами аниқланади. Шундай кўрсаткичлардан бири автоматлаштирилган иш вақтининг кўл меҳнати вақтига нисбатидир. Бу кўрсаткич меҳнат мазмуни ўзгаришини қисман характерлайди.

$$U_{a.m.} = ta / tk$$

Бунда, ta - автоматлаштирилган иш вақти; киши-соат

tk - кўл меҳнати вақти, киши-соат

Ялпи автоматлаштиришда ҳам, мини машина ва ускуналар ишлаб чиқаришда ҳам асосий кўрсаткичлардан бири меҳнатнинг энергия билан қуролланганлигидир. Бу кўрсаткич ҳар ишчи (ишловчи) ҳисобига истеъмол қилинган энергия миқдори билан характерланади ва қуйидагича ифодаланади:

$$B_{эм} - Qэ / Ис$$

бунда: $Qэ$ - йил давомида истеъмол қилинган энергия миқдори;

$Ис$ - ишчи (ишловчи)лар сони;

Илмий техника тараққиётининг юқорида кўрилган йўналишлари иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун умумий ҳисобланади. Шу билан бирга бу йўналишлар ҳар бир тармоқда ўз хусусиятларига эга. Корхонада ҳам бу хусусият икки йўналишда намоён бўлади:

1. Чиқариладиган маҳсулотлар - машиналар, ускуналар ва асбобларнинг узлуксиз такомиллаштирилиши, сифатининг яхшиланиши;
2. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий базасининг такомиллашти-рилиши .

Биринчи йўналиш куввати, ишчи тезлиги, ишчи қисмларининг сони орттирилгани, кўшимча асбоблар ва автоматик қурилмалар билан таъминлангани, кўпроқ технологик операцияларни қамраб оладиган, меҳнатни механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини қўпайтирадиган машина ва агрегатлар яратиш билан характерланади. Бунда доимий равишда машина ва агрегатларнинг материал, энергия сифимини камайтириш вазифаси ҳал қилиниши керак. Асосий диққат - эътибор маҳсулотлар сифатини яхшилашга қаратилмоғи зарур. Илмий-техника тараққиётининг иккинчи йўналиши ишлаб чиқариш техникасини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлиб, қўлланилаётган ускуналарнинг замонавийлигини ошириш, уларнинг маънавий эскиришини камайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш жараёнини яхшилашни назарда тутди. Бу йўналишнинг асосий элементи технологияни такомиллаштиришдир. У эса ўз навбатида меҳнат предметлари ва уларга таъсир қилиш воситаларини танлашни, меҳнат предметларининг фазода ва вақт бўйича ҳаракатларининг уйғунлашувини, меҳнат предметлари ва воситаларининг ўзаро таъсирини аниқлайди. Технология фан ва техника ютуқларини жорий қилиш ҳисобига меҳнат предметлари ва воситаларини яхшилашни талаб қилади.

4.3. Илмий- техника тараққиётини бошқариш.

Илмий- техника тараққиётини бошқариш -янги билимлар тўплаш, янги техникани яратиш ва ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, иқтисодиётда ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида улардан фойдаланишни ташкил қилиш

жараёнларини мувофиқлаштиришдан иборат. Фан ва техниканинг ривожланишини бошқариш хусусиятлари қуйидаги омиллар билан аниқланади:

1. Илмий-техника тараққиётини ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асоси бўлиб, ҳар қандай хўжалик тизими ҳолати ўзгаришига олиб келади;
2. Илмий-техника тараққиётининг охириги натижаси шу натижага олиб келган маблағлар сарфланган вақтидаги натижадан анча узок бўлади;
3. Бозор иқтисоди шароитида фан ва техниканинг ривожланиши эволюцион ва инкилобий ривожланиш йўллари умумлаштиради;
4. Илмий-техника тараққиёти ривожланиши учун анчагина маблағларни талаб қилади.

Илмий-техника тараққиётини амалга оширишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг турли бўғинлари, тармоқларнинг илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳалаштириш бюrolари, тажриба ва синов ташкилотлари, саноат корхоналари иштирок этади. Бу жараён катнашчилари орасида иқтисодий муносабатларни, алоқаларнинг ташкилий шакллари тақомиллаштириш илмий-техника тараққиётини бошқаришнинг вазифаларидан бири саналади. Ижтимоий ишлаб чиқаришда бўлгани каби илмий-техника тараққиётини бошқаришда ҳам бошқарувнинг иқтисодий-ташкилий усулларида фойдаланилади. Бошқарувнинг иқтисодий усулидан ижтимоий ишлаб чиқаришда кишилар, меҳнатига турли воситалар билан таъсир қилиш тушунилади. Бу усулда таҳлил, режалаштириш ва рағбатлантиришни тушуниш мумкин. Ҳозирги ўтиш даврида бу усул элементлари ривожланиб бормокда. Ижтимоий ишлаб чиқаришни иқтисодий бошқаришнинг турли объектлари орасида илмий-техника тараққиётини иқтисодий бошқариш муҳим ўрин тутди. Чунки бу жараён "Фан-техника-ишлаб чиқариш-қўллаш" каби мураккаб даврнинг барча босқичларида қарор қабул қилиш, шунингдек илмий жамоалар, янги техникани ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар орасидаги иқтисодий муносабатларни қамраб олади.

Илмий-техника тараққиётини иқтисодий бошқариш иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган фан ва техникани ривожлантиришнинг йирик мажмуавий дастурларини таъминлаши керак. Корхона даражасидаги иқтисодий бошқарув тизими илмий ташкилотлар, корхоналар ва бутун тармоқ олдида турган вазифаларнинг хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Илмий-техника тараққиётини бошқариш усулларида муҳими иқтисодий самарадорликни таҳлил қилиш ҳисобланади. Бу усул қабул қилинадиган қарорларнинг илмий асосланганлигини ва мақбуллигини таъминлайди. Қабул қилинган қарорларнинг қанчалик стратегик эканлиги, у ёки бу илмий-техникавий натижа қандай қийматга эга эканлиги жамиятга фарқсиз эмас. Иқтисодий усулнинг яна бир қўриниши дастурлаш ҳисобланади. Бу усул илмий-техника тараққиётини объектив иқтисодий ривожланиш қонуниятларидан унумли фойдаланишга ундайди. Илмий-техника тараққиётини иқтисодий бошқарув усуллари орасида муҳим ўрин тутадиган усуллардан бири

моддий рағбатлантириш ҳисобланади. Фан ва техника ютуқларини кўллаш асосида илмий-техника истикболини белгилаш ҳисобига техника тараққиётининг, мамлакат иқтисодининг мумкин қадар стратегик йўналишлари аниқланади. Иқтисодиёт режаларининг барча муаммолари учун ижрочилар ишини, иқтисодий муносабатларини тўғри ташкил қилиш мақсадида илмий-техникавий дастурлар ва уларнинг ечимлари тайёрланади. Унда янги техникани тадқиқ қилишдан токи серияли ишлаб чиқаришни ўзлаштиргунча қадар ҳар бир топширик бўйича ишлар мажмунининг боскичма-боскич бажарилиши ҳисобга олинади. Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси асосий илмий-техникавий муаммоларни ҳал қилиш бўйича топшириқлар тайёрлаш билан бир вақтда, муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган, тугалланган илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Ҳозирги ўтиш даврида илмий-техника тараққиётини иқтисодий бошқариш тизимида янги техника самарадорлигини оширишда, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш муддатларини қискартиришда корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳалаш бўлимлари жамоаларининг моддий мафаатдорлигини ошириш муҳим ўрин тутди.

Бозор иқтисоди шароитида илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳалаш бўлимлари, тажриба корхоналари, ва турли мулк шаклидаги корхоналарнинг буюртма-кўрсатма асосида янги техникани яратиш, ўзлаштириш ва жорий қилиш бўйича ишларининг шартнома асосига ўтказилиши муҳим рағбатлантирувчи аҳамият касб этади. Тармоқдаги корпорациялар ва концернларнинг буюртмалари мавзулар бўйича ишларнинг барча боскичларини қамраб олади, хўжалик шартномаси кучига эга бўлади, аниқ ижрочиларни, ишнинг бажарилиши муддатларини ҳамда молиялаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш манбаларини аниқлайди. Бундан ташқари, охириги натижалар бўйича ҳам, техник топширик боскичида яратиладиган маҳсулот технологик жараёнларининг муҳим турлари бўйича ҳам техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг мажбурий, ташқи идоравий таҳлили жорий қилинади. Бу чора яратиладиган маҳсулотларнинг, янги техниканинг рағбатлантирилиши юқори техник-иқтисодий даражасини таъминлайди, жорий қилиш муддатини қисқартиради.

Техникавий кўрсаткичлар:

1. Машғулотнинг техник даражаси кўрсаткичлари. Маҳсулот улуши.

- а) Яхши намуналар даражасидан юқори.
- б) сифат гуруҳидан юқори
- в) янги маҳсулот улуши.

2. Ишлаб чиқариш технологик даражаси кўрсаткичлари

- а) хом ашёдан фойдаланиш коэффициенти
- б) технологик жараёнларнинг таъминланганлик коэффициенти
- в) гуруҳли технология улуши

г) буюмнинг технологик даражаси.

3. Ишлаб чиқаришнинг техник даражаси кўрсаткичлари.

- а) ускунанинг прогрессивлиги кўрсаткичи
- б) автоматлаштирилган ускуналар улуши
- в) ускунанинг техник яроқлилиқ коэффициенти
- г) ускуналарнинг янгиланиш коэффициенти.

Ташкилий кўрсаткичлар:.

1. Меҳнатни ташкил қилиш даражаси кўрсаткичлари

- а) меҳнат тақсимои коэффициенти
- б) иш ўринларини ташкил қилиш коэффициенти
- в) меҳнат интизоми коэффициенти
- г) меҳнат шароити коэффициенти.

2. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражаси кўрсаткичлари

- а) узлуксизлик коэффициенти
- б) ишлаб чиқаришнинг текислик коэффициенти
- в) корхонанинг ихтисослашув коэффициенти
- г) иш ўринларининг ихтисослашув коэффициенти
- д) смена коэффициенти.

Ижтимоий кўрсаткичлар.

1. Меҳнатни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси

- а) Механизация ва автоматизация даражаси кўрсаткичлари
- б) алоҳида операцияларнинг механизация ва автоматлаштириш даражаси;
- в) технологик жараёнларнинг механизация ва автоматлаштириш даражаси;
- г) ишлаб чиқариш жараёнининг механизация ва автоматлаштириш даражаси.

Таянч иборалари:

Илмий-техника тараққиёти. Интенсив ва экстенсив ривожланиш йўллари. Янги техниканинг ҳаёт даври. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий даражасини белгилаш. Илмий-техника тараққиётида ходимларнинг ўрни. Илмий-техника тараққиётининг асосий йўналишлари. Илмий-техника тараққиётини бошқариш.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. Илмий-техника тараққиёти ҳақида тушунча.
- 2. Интенсив ва экстенсив ривожланиш йўллари ҳақида тушунча.
- 3. Янги техниканинг ҳаёт даври.
- 4. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий даражасини белгиловчи омиллар.

5. Илмий-техника тараққиётида ходимларнинг ўрни.
6. Илмий-техника тараққиётининг асосий йўналишлари.
7. Илмий-техника тараққиётини бошқариш.

V БОБ. КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ УРНИ.

5.1. Инвестициялар ва капитал қўйилмаларнинг моҳияти, таркиби ҳамда иқтисодий аҳамияти.

Инвестиция - фойда олиш мақсадида сакланиши ва қийматининг ўсишини таъминлайдиган килиб жойлаштирилган капитал. Бошқача айтганда, инвестиция пулни саклаш ва унинг қийматини кўпайтириш ҳисобига даромад олишни таъминлайдиган дастак ҳисобланади. Бўш турган пул маблағлари инвестиция бўла олмайди. Чунки бу пуллар вақт ўтиши билан инфляция таъсирида ўз қийматини йўқотади. Кимматбаҳо коғозлар ва кўчмас мулк, узок муддатли мажбуриятлар, кўпроқ ёки камроқ таваккалчилик билан олинган технологиялар ва бошқалар капитал қўйишнинг ҳар хил шакллари ҳосил қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида капитал қўювчилар 3 хил тоифага бўлинади. Бўлар: давлат, йирик компаниялар ва хусусий шахслар.

Инвесторлар 2 та тоифага бўлинади. Бўлар: институционал инвесторлар бегона маблағларни бошқариш билан ишлайдиган мутахассислар, ҳамда индивидуал инвесторлар – ўз маблағлари билан ишлайдиган инвесторлар ҳисобланадилар.

Инвестор - хусусий тадбиркор, ташкилот ёки давлат ҳисобланиб, фойда олиш мақсадида маълум бир соҳага узок муддатли маблағ ажратувчи ҳисобланади.

Инвестицияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Реал инвестициялар.
- Молиявий инвестициялар.
- Интеллектуал инвестициялар.
- Захира инвестициялар турлари мавжуд.

Инвестиция (сармоя) асосан капитал қурилишга, асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқаришга сарфланади. Иқтисодий адабиётларнинг айримларида капитал маблағ деб ҳам аталади.

Капитал қурилиш капитал маблағлар орқали амалга оширилади. Улар янги объектларни қўришга, ҳаракатдагиларни кенгайтиришга, қайта жиҳозлашга ва техник қайта жиҳозлашга ҳам асосий ноишлаб чиқариш воситаларини яратишга йўналтирилади. Эскириш ҳисобига ишдан чиқадиган машина ва ускуналар ўрнига янгисини сотиб олиш учун сарфланган харажатлар қурилиш қийматида ҳисобланмаса ҳам капитал маблағларга киритилади.

Ўз иқтисодий мазмунига кўра капитал маблағлар асосий воситаларни оддий ва кенгайтирилган ишлаб чиқаришга йўналтирадиган ижтимоий маҳсулотнинг бир қисми бўлиш билан бирга мулкдор кўлида тўпланган сармоя бўлиши ҳам мумкин. У капитал қурилиш учун сарфланадиган пул воситалари қўринишида бўлади.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун моддий базани яратиш жараёнида капитал маблағлар учта функцияни бажаради: янги асосий воситалар ўсишини таъминлайди; ишдан чиқаётган асосий воситаларни коплайди; кейинги йилларда

асосий воситаларнинг ўз вақтида ишга тушириш учун тугалланмаган курилишни амалга оширади.

Иқтисодий амалиётда капитал маблағлар технологик, қайта тиклаш, тармоқ ва ҳудудий таркибга эга. Сармоялар турлича таркибга эга бўлиши улардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қилади. Шунинг учун сармоялар ҳажми ва ўсишини изоҳлаш билан бир қаторда, таркибий ўзгаришларни таҳлил қилиш ва изоҳлаш инвестициялаш сиёсатининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Сармояларнинг технологик таркиби уч гуруҳ харажатлардан иборат бўлади.

1. Курилиш монтаж ишларига сарфланадиган харажатлар (курилиш майдонини тайёрлаш, ишлаб чиқариш бинолари кўриш) ва барча турдаги ускуналарни йиғиш ва ўрнатиш харажатлари.
2. Асосий воситаларга киритиладиган ускуналар, жихозлар ва бошқа ишлаб чиқариш инвентарлари олиш харажатлари.
3. Геология - кидирув, тадқиқотлар ва лойиҳалаштириш ишларига сарфланадиган бошқа харажатлар.

Технологик таркиб сармоялар самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Сармоя микдори ўзгармаган ҳолда асосий ишлаб чиқариш воситаларининг актив қисми - ускуналар ва жихозларга сарфланадиган харажатлар улушининг ортиши, курилиш -монтаж ишлари харажатлари улушининг камайиши - ишлаб чиқариладиган маҳсулот кўпайишига имкон беради. Натижада бирлик маҳсулотга сарфланадиган сармоя микдори камаяди, иқтисодий самарадорлиги эса ортади.

Бозор иқтисодига ўтиладиган ҳозирги шароитда сармоялар таркиби ҳам иқтисодиётдаги таркибий силжишлар асосида кескин ўзгариб бормокда. Жумладан, машинасозликда кичик корхоналар ривожланиши, кичик ишлаб чиқариш ишларининг пайдо бўлиши ва чет эл технологиясини сотиб олиш сармояларнинг технологик таркибини янада фаоллаштирмоқда.

Сармояларнинг қайта ишлаб чиқариш таркиби уларни асосий шакллари: янги объектларни кўриш, ҳаракатдагиларни кенгайтириш, қайта жихозлаш ва техник қайта жихозлаш ишларига йўналтириш билан характерланади. Ҳаракатдаги корхоналарни қайта жихозлаш қилиш ва техник қайта жихозлашга сарфланадиган сармоялар улушининг кўпайтирилиши киска муддатларда кам харажатлар билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятларини очиш туфайли иқтисодий самарадорликни оширади. Бу эса ҳозирги кунда бозор иқтисоди талабларига мос келади. Сармояларнинг тармоқ таркиби саноатнинг турли тармоқларига юборилаётган сармоялар нисбатини ифодалайди. У иқтисодиёт ривожланишига катта таъсир кўрсатади, унинг самарадорлиги ошишига имкон беради, ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини, инфраструктурани яхшилади. Сармояларнинг корхона ичидаги таркиби ҳам худди шу тахлитда тақсимланади. Сармоялар биринчи галда корхона фаолиятидаги устувор йўналишлар учун меҳнат қуролилари, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришга ёки харид қилишга сарфланади. Сармояларнинг ҳудудий таркиби эса

капитал курилишда мамлакатнинг алоҳида минтакалари ва туманлари улушини ифодалайди.

Бозор иқтисодига ўтилаётган ҳозирги шароитда корхоналарда сармояларни молиялаштиришнинг тўртта манбаи мавжуд: давлат бюджети маблағлари; корхоналарнинг хусусий маблағлари (даромаднинг бир қисми, амортизация ажратмалари); банк кредитлари ва хорижий сармоядорларнинг маблағлари.

Иқтисодиётнинг таркибини такомиллаштиришга, йирик иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга таъсир қиладиган корхоналар курилиши давлат бюджетидан молиялаштирилади. Молиялаштиришнинг бошқа манбаларидан фойдаланиш эса юзага келган вазиятга боғлиқ.

5.2. Капитал маблағлар таркиби ва тузилиши.

Капитал маблағ, бу асосий фондларни тиклаш учун сарфланган материал, меҳнат ва пул маблағларидир.

Капитал маблағларининг асосий манбаи жамғарма фонди ҳисобланади ва асосий фондлар ўсишига сарфланади. Бошқа манбаларига амортизация ажратмаси ва уй-жой куриш учун сарфланган аҳоли маблағлари киради. Капитал маблағларнинг асосий қисми капитал курилишга сарфланади.

Иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ривожланиши маълум бир миқдорда давлат инвестиция сиёсатига боғлиқ бўлади. Инвестиция сиёсатининг моҳияти барча турдаги манбалардан самарали ва тўла фойдаланиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда республикада олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг бош мақсади иқтисодиётнинг интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишдир.

Капитал маблағ иқтисодий категория (тушунча) бўлиб, режалаштирилган тартибда ишлаб чиқариш аппарати, қувват ва ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш соҳа объектларини такрор ишлаб чиқаришга кетган манбаларнинг қийматидир. Бунда меҳнат ва материаллар қиймати ўз аксини топади.

Бугунги шароитда капитал маблағлардан самарали фойдаланиш муҳим муаммо ҳисобланади, аммо таҳлил натижаларига қаралса, улар етарли даражада қониқарли эмас.

Кенг маънода талқин этилганда капитал маблағлар деганда, асосий фондларни ташкил этиш, уларни янгилаш ва айланма маблағлар ўсишини таъминлаш учун ажратилган маблағ тушунилади.

Капитал маблағлар қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- курилиш-монтаж ишлари харажатлари;
- хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган қиймати бир млн. сўмдан юқори бўлган лиар хил турдаги машина ва курилмалар сотиб олиш харажатлари.;
- капитал ишларнинг - лойиҳа қидирув ишлари харажатлари,

қурилиш ташкилотлари бошқарув сарфлари, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари. Капитал қурилиш ҳажми капитал маблағ ва бажарилган иш ҳажми билан баҳоланади.

Капитал маблағлар қуйидаги:

- тармоқ;
- ҳудудий;
- технологик;
- такрор ишлаб чиқариш;
- мулк шаклига қараб турли тузилишларга бўлинади.


Тармоқ тузилиши дейилганда, сарфланган капитал маблағнинг умумий ҳажмида айрим тармоқлар ҳиссаси тушунилади.

Ҳудудий тузилиш дейилганда, сарфланган капитал маблағнинг умумий ҳажмида айрим ҳудудларнинг ҳиссаси тушунилади.

Технологик тузилиш дейилганда, умумий капитал маблағнинг ҳажмида қурилиш-монтаж ишлари ва қурилмаларнинг улуши тушунилади.

Такрор ишлаб чиқариш тузилиши дейилганда, капитал маблағлар умумий ҳажмида асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш шакллари улуши тушунилади. Яъни, техник қайта қурулантириш, реконструкциялаш, кенгайтириш ва янги қурилиш фаолиятларидир.

Мулк шакллари бўйича капитал маблағларнинг тузилиши дейилганда, умумий ҳажмдан айрим мулк Ушакллари улуши тушунилади.



- Чет эл инвесторлари улуши, %.
- Давлат бюджети маблағлари улуши, %.
- Корхона маблағлари улуши, %.
- Аҳоли маблағлари улуши, %.
- Банк кредитлар ва бошқа ёлланган маблағлар улуши, %.
- Бюджетдан ташқари фондлар улуши, %.

Ўзбекистон Республикасида мулк шаклига кўра капитал маблағлар тузилиши кўрсатилган (2001-йил якунларига кўра).

Капитал қурилиш режаси айрим корхоналар, тармоқлар иқтисодий районлар ва республика дастурининг асосий бўлимларидан биридир.

У капитал қурилишдаги ишлаб чиқариш ва капитал қурилишга доир комплекс масалаларни ҳал этади.

Капитал қурилиш режаси ўз ичига қуйидагиларни олади:

- капитал маблағларни режалаштириш;
- лойиҳа-қидирув ишларини режалаштириш;
- қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш;
- қурилиш моддий-техника базасини режалаштириш.

Капитал қурилиш режаси режалаштиришнинг умумий қонуниятларига асосланади ва тармоқнинг режали-пропорсионал ривожланишини таъминлаш, иқтисодиётни комплекс ривожлантириш халқаро ёндошув ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларини ўз ичига олади.

Капитал қурилиш режаси қуйидаги:

- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш;
- капитал маблағлар ҳажми, йўналиши ва тузилиши;
- объект ва қурилиш титул рўйхати;
- лойиҳа-қидирув ишлари режаси;
- қурилиш ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш режаси ва унинг моддий-техника базаси;
- капитал маблағлар иқтисодий самарадорлигини техник иқтисодий жиҳатдан асослаш бўлимларидан иборат бўлади.

Титул рўйхати капитал қурилишнинг асосий ҳужжати ҳисобланади. Титул рўйхати қурилиш объектига тўла тавсифнома беради ва унда номи, жойлашган ўрни, қурилишни бошлаш ва тугатиш муддати, лойиҳа қуввати, пудрат ва қурилиш-монтаж ишлари режаси, смета қиймати, йиллик капитал маблағлар ҳажми, режалаштирилган йилда бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми кўрсатилади. Титул рўйхати юқори давлат органлари томонидан тасдиқланади.

5.3. Капитал қўйилмаларни иқтисодий асослаш усуллари.

Лойиҳалаштириш жараёнида янги қурилишга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, техник қайта жиҳозлашга сарфланадиган сармояларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

Сармоялар иқтисодиёт учун зарур бўлган ҳамда бозор талабига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришда моддий база бўлган муҳим ва чегараланган ресурс ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сармояларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда ва мақсадга мувофиқлигини таъминлашда умумий иқтисодиёт нуктаи-назаридан ёндашув зарур. Сармояларнинг қабул килинган варианти нафақат корхона, тармоқ микёсида, балки иқтисодиёт микёсида ҳам самарали бўлиши лозим. Самарадорликни ҳисоблашнинг асосий тамойиллари 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника Давлат Кўмитаси томонидан тасдиқланган

сармояларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича намунавий услубий кўлланмада келтирилган.

Сармояларнинг самарадорлиги уларни жорий қилишдан олинган самарани сармоя миқдорига киёслаш билан аниқланади.

Амалиётда самаранинг сармояга нисбати сифатида умумий (абсолют, мутлак) иқтисодий самарадорлик ҳисобланади. Жорий харажатлардан кутиладиган тежамнинг вариантлар бўйича сармоялар айирмасига нисбати нисбий иқтисодий самарадорликни аниқлайди. Самарадорликни аниқлаш учун олинadиган сармоялар ҳажми асосий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларини яратиш, кенгайтириш, қайта жиҳозлаш бўйича молиялаштириладиган барча харажатлар йиғиндисидан иборат.

Асосий воситаларга кўйилган сармояларга айланма маблағларни шакллантиришга, (тўлдиришга) кетадиган харажатларни ҳам кўшиб ҳисоблаш керак. Шундай қилиб, сармояларнинг тўла ҳажми объект бўйича зарур бўлган бевосита харажатлардан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш эҳтиёжларига сарф бўладиган кўшимча сармоялардан иборат. Бевосита сармоялар – курилишнинг, ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг, техник қайта жиҳозлашнинг айланма маблағлар харажатларини ҳисобга олган ҳолдаги тахминий қиймати билан аниқланади.

Кўшимча самаралар - асосий воситалар ва айланма маблағларга нисбатан бирлик сармоялар нормативи билан аниқланади. Шунга асосан сармояларнинг умумий самарадорлик кўрсаткичлари қуйидагича аниқланади.

1. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича

$$\Xi = D / K$$

Бунда , D - миллий даромаднинг ўсиши;

K - шу ўсиш учун сарфланган сармоя;

2. Саноат тармоқлари бўйича

$$\Xi = C_m / K$$

бунда, C_m - соф маҳсулотнинг йиллик ўсиш ҳажми

3. Ҳиссадорлик жамиятлари, корхоналар бўйича

$$\Xi = \Phi / K$$

бунда, Φ - фойданинг йиллик ўсиши

4. Янгидан куриляётган корхоналар, цехлар ва бошқа объектлар учун рентабеллик кўрсаткичи ҳам ҳисобланиши мумкин.

$$\Xi = (B - T) / K$$

бунда B- корхонада йиллик чиқарилган маҳсулот баҳоси
K- объектнинг лойиҳа қиймати

Келишилган баҳолар қўлланиладиган тармоқлар ва корхоналарда самарадорлик кўрсаткичи маҳсулот таннархини арзонлаштириш эвазига олинадиган тежамнинг шу вазиятни юзага келтирган сармояга нисбати билан ҳарактерланади.

$$\Xi = (T_1 - T_2) / K$$

бунда T₁, T₂ маҳсулотнинг сармояларни киритишдан олдинги ва кейинги таннарх
Агар корхона техник қайта жихозлаш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпаядиган бўлса, умумий самарадорлик кўрсаткичи қуйидагича аниқланади :

$$\Xi = ((t_1 - t_2) * Q_1 + (B - t_2) * Q) / K$$

бунда: t₁, t₂ - бир бирлик маҳсулотнинг техник қайта жихозлашдан олдинги ва
кейинги таннархи;

Q₁ – техник қайта жихозлашгача бўлган ишлаб чиқариш ҳажми

B - бир бирлик маҳсулот баҳоси

Q₂ – техник қайта жихозлаш натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг усиши

Сармояларнинг фойда ва маҳсулот таннархи арзонлашуви билан ҳисобланадиган умумий самарадорлик кўрсаткичи уларнинг копланиш муддати орқали ҳам ҳисобланиши мумкин. Сармояларнинг ўзини коплаш муддати қуйидагича аниқланади.

$$T = K / \Phi, \text{ ёки } T = K / (T_1 - T_2), \text{ ёки}$$

$$T = K / ((t_1 - t_2) * Q + (B - t_2) * Q)$$

Умумий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда харажатлар билан самаранинг вақт бўйича тўғри келмаслигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Сармоялар ҳаракатга келтирилгач ва лойиҳа қувватлари ўзлаштирилгач дарров қайтим бермайди. Харажатлар билан самаранинг бундай мувофиқлиги вақт омили таъсирининг намоён бўлишидадир. Сармоялар икки қисмдан иборат.

1. Курилишдаги
2. Ўзлаштиришдаги .

Курилишдаги сармояларни асосий воситаларга ва ишлаб чиқариш қувватларига айлантириш учун зарур бўлган вақт ва ўзлаштиришдаги ҳаракатга келтирилган асосий воситалар ва ишлаб чиқариш қувватларининг лойиҳа даражасига етиб, қайтим бера бошлаши учун кетган вақт.

Сармояларнинг курилиш ва қайта жихозлаш муддатларини кискартиришдан олинадиган самараси кўшимча маҳсулот чиқаришда, жамғармаларнинг кўпайиш имкониятларининг намоён бўлишида ифодаланади. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш кувватларини муддатидан олдин ишга туширишдан олинадиган иқтисодий самара микдори қуйидагича аниқланади:

$$\text{Эм.о} = E_n * K * (T_n - T_a) * K_{к.х}$$

бунда ; E_n -самарадорлик нормативи, сўм / йил

K - объектдаги сармоялар

$T_n - T_a$ - объектнинг норматив ва амалдаги курилиш муддатлари

$K_{к.х}$ - курилиш ва ўзлаштиришни тезлаштириш учун кўшимча харажатлар

Курилиш ва ўзлаштириш жараёнида сармояларнинг музлаб қолишидан кўриладиган зарарлар қуйидагича ҳисобланади.

$$G = E_1 E_T^T * (K_{и.ит} + K_{замт-1} - K_{фт})$$

Бунда, T - курилиш бошланишидан лойиҳадаги иқтисодий кўрсаткичларни ўзлаштиргунча зарур бўлган муддат.

E_T - тармоқ самарадорлик кўрсаткичи (соф маҳсулот бўйича)

$K_{и.ит}$ - йилдаги сармоялар;

$K_{замт} - 1$ - ўтган йилда ҳаракатсиз қолган сармояларнинг музлашидан кўриладиган зарарлар;

$K_{фт} - t$ - йилда ҳаракатда бўлган сармоялар (яъни тармоқ нормативи даражасида самарадорликни таъминловчи сармоялар).

Объектларни лойиҳалаштиришда турли вариантларнинг имкониятлари мавжуд. Бундай ҳолда киёсий (нисбий) самарадорлик келтирилган харажатлар кўрсаткичи бўйича аниқланади.

Агар таккосланаётган вариантлар бўйича сармоя турли муддатларда ўзлаштирилса, жорий харажатлар эса вақт бўйича ўзгарса, у ҳолда вариантлар кейинги йилдаги жорий даврга келтириш билан таккосланади. Бунда келтириш коэффициенти қуйидагича ҳисобланади.

$$K_t = 1 / (1 + E_{нк})$$

Бунда, $E_{нк}$ - турли вақтлардаги келтириш коэффициенти; сўм. йил / сўм ($E_{нк} = 0.08 + 0.1$)

T - келтириш вақти.

Сармояларнинг умумий микдори келтириш коэффициенти билан бирга қуйидагича ҳисобланади.

$$K = K_t / (1 + E_{нк})$$

Бунда, $Kt - t$ - йилда амалга ошириладиган сармоялар.

5.4.Капитал курилишни лойиҳалаш.

Корхонада капитал курилишнинг биринчи ва муҳим боскичи техник - иқтисодий лойиҳалаштириш ҳисобланади. Лойиҳалаштириш жараёнида корхона фаолиятининг иқтисодий, техникавий ва ташкилий вазифалари ишлаб чиқилади ва ҳал қилинади. Лойиҳада корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, уни хом ашё, материал, ярим тайёр маҳсулотлар, ёкилғи, энергия, сув ва газ билан таъминлаш манбалари, корхона жойлашган ўрни ва ҳудудининг режаси аниқланади, ишлаб чиқариш технологияси ва корхонанинг техник жиҳозланиши ёритилади: транспорт, ёритиш, иситиш, вентиляция, сув таъминоти ва канализация муаммолари ҳал қилинади; корхонанинг бошқарув ва ташкилий таркиби ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш вазифалари ишлаб чиқилади. Маҳсулот таннархи, уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган умумий харажатлар ва сармоялар, уларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланади. Лойиҳалаштириш сифатидан нафақат курилиш сифати, муддати ва харажатлари боғлиқ бўлмасдан, балким корхона ишини иқтисодий кўрсаткичлари ҳам боғлиқдир.

Лойиҳа олди боскичида техник - иқтисодий изоҳлаш ўтказилади. Унда бажариладиган ишларининг иқтисодий - мақсадга мувофиқлиги ва ҳўжалик зарурияти кўрсатилади. Техник-иқтисодий изоҳлашда қуйидаги изоҳлар ва ҳисоблар бажарилади:

1. Иқтисодиётнинг маълум маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришда корхонанинг аҳамияти. Техник-иқтисодий изоҳлашда қабул қилинадиган қарорларнинг корхона ривожланиш схемасига мос келиши, кенгайтириладиган қорхоналар учун эса улар фаолиятининг техник - иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.

2. Қорхона қуввати, ихтисослашуви ва унинг маҳсулотига бўлган бозор талабини ҳисоблаш.

3. Қорхонанинг хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, материаллар, электроэнергия, ёкилғи, сув ва меҳнат ресурсларига бўлган талаби ва уларнинг манбаларини аниқлаш.

4. Транспорт алоқаларини ҳисобга олган ҳолда қорхонанинг курилиш ўрнини изоҳлаш.

5. Асосий технологик ечимларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қорхона таркибини изоҳлаш.

6. Асосий курилиш ечимларини изоҳлаш.

7. Курилиш ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларини изоҳлаш.

Техник иқтисодий изоҳлашнинг якуний қисмида амалга ошириладиган ишларнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса ва таклифлар берилади.

Лойиҳанинг буюртмачиси техник-иқтисодий изоҳ материаллари ва ҳисоботлари асосида бош лойиҳачи иштирокида лойиҳаловчи ташкилотга лойиҳалаштириш режаси ва харажатлари таркибини тузиб беради. Унда, лойиҳалаштириш учун зарур бўлган

дастлабки бошлангич маълумотлар, лойиҳалаштириш учун асос, қурилиш тури (янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш), туман, қурилиш майдони ва жойлашган жойи, ишлаб чиқариш ҳажми ва таркиби, кооперация алоқалари, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва технологик схемалар, корхона иш режими, корхонани бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришга доир талаблар, меҳнатни илмий ташкил қилиш, лойиҳада илмий - техника ютуқларидан фойдаланишга доир топширик, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирлар, сармояларнинг самарадорлик кўрсаткичлари, қурилишнинг материал ва меҳнат сиғими, лойиҳалаштирилаётган корхонанинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларига доир топшириklar ва бошқа маълумотлар келтирилади.

Лойиҳалаштирувчи ташкилот берилган топширик асосида лойиҳа тайёрлайди. Лойиҳалаштириш бир ёки икки боскичда бўлади. Бир боскичли лойиҳалаштиришда намунавий (типик) лойиҳа бўйича, қўрилатган ёки техник жиҳатдан мураккаб бўлмаган объектлар бўйича таҳлилий харажатлар жамламаси қиймати чиқарилган ишчи лойиҳа тузилади. Икки боскичли лойиҳалаштиришда объектнинг таҳлилий харажатлар жамламаси қиймати билан лойиҳа ишлаб чиқилади, ишчи ҳужжатлар эса йирик ва мураккаб объектлар бўйича тайерланади. Лойиҳа - тахмина (смета) харажатларини тайёрлаш боскичлари корхонани лойиҳалаштиришга топширик бераётган буюртмачи томонидан белгиланади.

Ишчи лойиҳа қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- а) умумий тушунтириш хати, чизмалари билан;
- б) қурилишни ташкил қилиш ;
- в) тахмина (смета) ҳужжатлари;
- г) ишчи лойиҳа паспорти;

Бу паспорт ҳужжатлари билан бир вақтда ишчи ҳужжатлар ҳам тайёрланади. Унда конкрет қурилиш майдонида биноларнинг типик ёки такрорий қўлланилаётган якка тежамли лойиҳаларига доир иш чизмалари бўлади.

Икки боскичли лойиҳалаштиришда корхона қурилишининг лойиҳаси қуйидаги боскичлардан иборат:

а) Лойиҳанинг асосий ечимларига тавсифнома ва баҳо берадиган умумий тушунтириш хати, бош режа ва асосий чизмалар иловаси билан;

б) ишлаб чиқариш технологиясини тайёрлаш бўйича изох ва тавсифнома; маҳсулот тайёрлашнинг меҳнат ва дастгоҳ сиғими, бошқариш ва ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш;

в) ишлаб чиқариш ходимлари ва ускуналар ҳисоби; меҳнатни илмий ташкил қилиш бўйича қарорлар; иссиқлик ва энергия таъминоти, бошқа маълумотлар, бўларга: технологик жараённинг принципиал схемаси: цехлар бўйича технологик жойлашмалар, юк оқимлари схемаси келтирилган технологик ечимлар.

г) асосий курилиш -архитектура ечимларини изохловчи ва ифодаловчи курилиш карорлари, режалар, фасадлар, муҳандислик ва транспорт коммуникациялари ифодаланган чизмалар иловаси билан;

д) курилишни ташкил қилиш,

е) Смета (тахмина) ҳужжатлари,

ж) лойиҳа паспорти;

Бунда зарур ишчи ҳужжатлар:

а) ускуналарни ўрнатиш, коммуникацияларни кўриш ва курилиш -монтаж ишларини олиб борадиган иш чизмалари;

б) алоҳида объектлар ва уларнинг қисмлари бўйича курилиш -монтаж ишлари қиймати;

в) курилиш -монтаж ишлари ҳажми;

г) курилиш материалларига бўлган эҳтиёж;

д) ускуналар таркиби;

е) бинолар ва иншоотлар курилиши бўйича ишчи чизмалар паспортини ўз ичига олади.

Ишчи ҳужжатлар буюртмачига лойиҳа тасдиқлангандан кейин берилади. Ишчи ҳужжатлар буюртмачи билан пудратчи курилиш ташкилотлари ўртасида тугалланган объект учун ёки амалда бажарилган иш учун ҳисоб -китоб қилиш имкониятини бериши зарур.

Ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш лойиҳа смета ҳужжатлари билан бир боскичда тайёрланади. Бу ҳолда иш лойиҳа - тушунтириш хатидан, объектнинг жамлама қийматидан, лойиҳада кўзда тутилган курилиш - монтаж ишларининг бутун ҳажмига тузилган ишчи ҳужжатлардан иборат бўлади.

Лойиҳани тайёрлаш вақтида курилишнинг тахминий (смета) қиймати аниқланади. У курилишни амалга ошириш учун зарур бўлган барча харажатларнинг пул кўринишидан иборат бўлади. Тахминий (смета) қиймат курилиш - монтаж ишлари харажатларини, ускуна, жиҳоз, инвентарь ва бошқа капитал харажатларни ўз ичига олади. Курилишнинг тахминий қиймати бўйича сармояларни режалаштириш ва курилишни молиялаштириш амалга оширилади, буюртмачи билан пудратчи ташкилотлар ўртасида ҳисоб -китоб ишлари бажарилади.

Курилишнинг тахминий қиймати бир боскичли лойиҳалаштиришда типик лойиҳаларнинг маҳалий шароитга мослаштирилган ишчи чизмалари бўйича аниқланади. Икки боскичли лойиҳалаштиришда эса йириклаштирилган меъёрлар ва намуна-объектлар орқали аниқланади. Тахмина ҳужжатлари зарур бўлган объектнинг жамлама-тахминий қийматини топиш учун объект ва локал молия-тахмина ҳисобларидан алоҳида иш турлари, ускуналар ва уларнинг монтажидан, материал харажатлари саноғи (калькуляцияси) дан иборат бўлади.

Лойиҳа таркибида тайёрланадиган жамлама-тахмина ҳисоблари:

1. Курилиш майдонини тайёрлаш;

2. Курилишнинг асосий объектлари;
3. Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи объектлар;
4. Энеретика хўжалиги объектлари;
5. Транспорт хўжалиги ва алоқа объектлари;
6. Сув, газ, иссиқлик таъминоти ва канализация курилмалари ва ташқи тармоқлари;
7. Худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш;
8. Вактинчалик бинолар ва курилмалар;
9. Бошқа ишлар ва харажатлар;
10. Курилатган корхона дирекцияси таъминоти;
11. Эксплуатация кадрларини тайёрлаш;
12. Лойиҳа ва изланиш ишлари каби бўлимларни ўз ичига олади.

Жамлама-тахмина ҳисобида алоҳида қатор ажратилиб кўзда тутилмаган ишлар ва харажатлар (лойиҳада тахминий қийматнинг 5%, ишчи лойиҳада эса-3% миқдорида) кўрсатилади. Жамлама - тахмина натижалари бўйича вақтинчалик бинолар ва курилмаларнинг қайтим қиймати келтирилади.

Курилишнинг умумий қиймати бевосита (тўғридан-тўғри) харажатлардан ташқари ишлаб чиқаришни бошқариш, хизмат кўрсатиш, ҳамда курилиш ташкилотининг фойдасидан иборат бўлади. Бошқариш ва хизмат кўрсатиш харажатлари миқдори бевосита харажатларга нисбатан, фойда миқдори эса курилишнинг тахмина қийматига нисбатан фоизда аниқланади.

Таянч иборалари:

Инвестиция. Инвестицияларнинг таркиби. Лойиҳалаш. Техник-иқтисодий изоҳлаш мазмуни. Ишчи лойиҳа бўлимлари. Лойиҳа таркибидаги харажатларни ҳисоблаш моҳияти. Иқтисодий самарадорлик. Иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Инвестиция ҳақида тушунча.
2. Инвестицияларнинг таркиби.
3. Лойиҳалаш техник-иқтисодий изоҳлаш мазмуни.
4. Ишчи лойиҳа бўлимлари.
5. Лойиҳа таркибидаги харажатларни ҳисоблаш моҳияти.
6. Иқтисодий самарадорлик тушунчаси.
7. Иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

VI БОБ. КОРХОНАЛАРДА НАРХНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ.

6.1. Баҳо белгилашнинг назарий асослари ва маркетинг тизимида нархлаштириш.

Нархлаштириш корхонанинг бозорда аниқ улушга эришиши, кўзда тутилган фойдани олиши ва умуман товарнинг кайси ҳаётий боскичида, қандай сиёсат юргизиб, рақобатчилар ҳатти-ҳаракатларига жавоб топиши демакдир. Ҳозир кўпчилик корхоналар раҳбарларининг (менежерлари) фикрларича нарх сиёсатини тўғри танлаш, янги товарни бозорга киритиш, табакалаш, сотиш харажатлари ва бошқа 14 омилдан ҳам муҳимроқ ҳисобланади. Чунки, кейинги вақтда банк тизими, транспорт воситалари ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига кўпроқ эркинлик бериш баҳо рақобатини кучайтирмоқда.

Нархнинг ўзгариши орқали рақобат кучайишига, талабнинг ошиши ёки пасайишига эришиш мумкин. Аксинча, нарх қанча паст бўлса, талаб шунча ошади. Баҳо талаб кайишқоклигининг ўзгаришига олиб келади. Аммо ҳамма ҳаридорлар ҳам баҳонинг ўзгаришига бир хил муносабатда бўлмайдилар.

Корхоналар ўз товарларига баҳо белгилашдан олдин, унга таъсир этувчи ташқи омилларни чуқур таҳлил қилишлари зарур.

Жаҳон тажрибасида истеъмолчиларни ҳарид қилишларига қараб қуйидаги тўрт турга (сегментга) бўлиб ўрганилади:

- тежамли ҳаридорлар;
- ҳарид қилишда асосий эътиборни товар баҳосига, сифатига ва ассортиментига қаратадиган ҳаридорлар;
- ўз мавкеига ишонган ҳаридорлар - товар образига, корхона обрў-эътиборига ва хизмат кўрсатиш даражасига кўпроқ аҳамият берадилар;
- нафосатли ҳаридорлар - кичик фирмаларни қўллаб – қувватлаш учун улар товарлари турларига ва баҳога аҳамият бермайди;
- фақат товар сотиб олиш жараёнидаги қулай шароитларга қараб (баҳосидан қатъий назар) товар ҳарид қилувчи истеъмолчилар.

Баъзи ҳаридорлар универсал ассортиментли ва паст баҳо билан савдо қилувчи дўконларни кўпроқ хоҳлашади. Ҳукумат ўз томонидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ,спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва бошқа айрим товарларнинг сотилишини чегаралаб туриш мақсадида баҳо сиёсатига таъсир кўрсатади.

Товар ҳаракати катнашчилари: ишлаб чиқарувчи фирма кўпроқ фойда олиш мақсадида монопол баҳо ўрнатишга, улгуржи ва чакана савдо тармоқлари ҳам ўз фойдасига кўпроқ қўшимча ҳисса олишга ҳаракат қилади. Баҳога таъсир этувчи асосий омил - бу ракиблар сиёсатидир. Агар бозор тўйинган "ҳаридорлар" бозори бўлса, бошқа омиллар таъсири сезилмайди. Фақат нархлар рақобати орқали талаб ва таклиф мувозанати таъминланади. Шу билан бирга баҳо товаар ишлаб чиқариш

ҳаражатлари - хом ашё, иш ҳаки, транспорт, реклама кабиларга бўлган сарфлар таъсир кўрсатади. Нархлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш қуйидаги боскичларни ўз ичига олади. Мақсадни аниқлаш, нархлаштиришнинг умумий сийсатини белгилаш, баҳо стратегиясини амалга ошириш ва нархни мослаштириш.

Амалиётда, нархлаштиришнинг уч хил мақсади мавжуд бўлиб, корхона улардан бирини танлаши мумкин.

Биринчи ҳолатда корхона бозорда ўз улушини кўпайтиришга кизикса, иккинчисида - фойдани кўпайтириш кераклиги, даромад олиш ва инвестиция ҳаражатларидан фойда келишини кўзлайди. Учинчисида - корхона бозордаги ўз ҳолатини ушлаб туришига асосланган стратегиясида, ҳукумат томонидан бўладиган нохуш ҳаракатларнинг олдини олишга, ракиблар таъсирини пасайтириш, товар ҳаракати катнашчилари билан муносабатларни саклаб қолиш, янги рақобат чиқишига қарши туриш ва баҳони мувозанатлаштиришга ҳаракат қилади.

Нархлаштиришнинг умумий сиёсати доирасида, корхона товарининг баҳоси унинг аниқ бозори ва маркетинг фаолияти билан боғланади. Корхонанинг нархлаштириш стратегиясини қуйидаги 5 омил аниқлайди: аниқ ҳаражатлар ва фойдаси, рақобатчилар маҳсулотидаги истеъмолчини кизиктирувчи хусусиятлар, харидорлар талабидаги фарқлар, рақобатчиларнинг ҳаракатлари ва корхона маркетинг мақсадлари. Бу омилларни рўёбга чиқаришда баҳо стратегияси муҳим ўрин тутди. Амалиётда баҳо стратегияси ҳаражатлар, талаб ва рақобатга асосланган бўлади. Ҳаражатларга биноан маҳсулот баҳосини аниқлашда маркетинглоглар ишлаб чиқариш ҳаражатлари, муомала сарфлари ва кўшимча ҳаражатларга хоҳлаган фойдани кўшадилар.

Талабни ўрганишга асосланган баҳо стратегиясида маркетинглоглар бозорда истеъмолчилар хойиши ва истакларини таҳлил қилиб, уларга мос нарх ўрнатади.

Рақобатга асосланган баҳо стратегияси бўйича маҳсулотга бозордагидан баланд ёки паст нарх белгиланиши мумкин. Унда асосий эътибор товарнинг рақобатчиларникига қараганда афзаллик томонларига, сервис ва рақобат муҳитига қаратилади.

Юқоридагиларга асосан маҳсулот баҳосининг ўзагини яратиш мумкин. Бунда биринчидан:

1. Корхона томонидан бозорга чиқарилаётган товарга бўлган талаб ҳажми ва унинг динамикаси аниқланади.

2. Рақобатли бозорда ҳар бир товар гуруҳи бўйича талабнинг қайишқоқлик кўрсаткичи ҳисобланади.

3. Харидорларнинг иқтисодий ва психологик имкониятлари асосида мазкур, товарни сотиб олиши ва тахминий баҳоси белгиланади. Баъзида, корхоналар янги товарларига харидорларнинг ўзлари нарх белгилаб беришларини ҳам таклиф қилади. Бунда уларнинг мавқеи ошади ва яхши реклама воситаси бўлади.

Иккинчидан:

1. Корхона учун маъкул бўлган баҳони танлаш, унинг бўлажак сотиш ҳажмига кўпайтириш орқали мўлжалланган фойда олиш режаси таъминланади.

2. Жами харажатларни ҳисоблаш. Бунинг учун улгуржи нархни аниқлашдан бошлаймиз.

Ракамлар сўм ҳисобида маҳсулотнинг бир ўлчов бирлигига тўғри келади.

- тўғри харажатлар - 2,4
- материаллар - 2,0
- иш ҳаки - 0,4
- тўғри устама
- харажатлар - 0,6
- ўзгарувчан харажатлар - 0,8

Жами 76 фоиз 3,8

доимий устама

харажатлар 17 фоиз 1,2

Тўла таннарх - 5,0

Фойда 4 фоиз 1,0

Солиқлар 3 фоиз

Сотиш баҳоси 100 фоиз 6,0

Учинчидан:

1. Маҳсулот нархи даражасини ва таркибини рақобатчилар товарлари баҳосига нисбатан аниқлаш ҳамда уни маҳсулотнинг техник иқтисодий кўрсаткичлари, сифати ва рақобатбардошликнинг бошқа хусусиятлари асосида ўзгартириш киритиш.

2. Нархни маҳсулот етказиб бериш шарти ва муддатига мослаштириш.

3. Нархни рақобатчиларнинг бўлажак ҳатти-ҳаракатларига мослаб ўзлаштириш.

Тўртинчидан:

1. Нархнинг юқори ва паст даражаларини ҳамда уни камайтириш чегараларини аниқлаш.

2. Нарх динамикасини аниқлаш ва уни товарнинг бозордаги ҳаёт боскичларига боғлиқ томонларига мослаштириш.

Мисол, яхши ишлаётган корхона учун товарнинг ҳаётий боскичларида ҳисобланган нарх:

Товар даврининг кичлари	ҳаётий бос-	Товар нархи	бирлиги	Сотиш ҳажми		Фойда (20 фоиз)
				Харажатл ар,минг сўм	Тушум,м инг сўм	Минг сўм

Кириш	1425	4000	5700	1700
Ўсиш ва етуклик	1200	5000	6000	1000
Тушкунлик	700	1000	700	300
Жами:	3325	10000	12400	3000

Бешинчидан:

1. Маҳсулотнинг хиллари (модификациялари) орасидаги мутаносибликни топиш.
2. Маҳсулотлар хилларининг сифат белгиларига мос баҳо чизигини аниқлаш.
3. Улар орасида маҳсулотлар моделларини аниқ фарқловчи чегараланган баҳолар сонини ўрнатиш .
4. Кўшимча ва ёрдамчи маҳсулотлар баҳосини аниқлаш. Товарларни мажбурий комплектларга кирувчи қисмларига (эҳтиёж қисм, батарея ва ҳоказо) баҳо қўйиш.
5. Нарх тартибини шакллантириш ва қайси ўлчов бирлигини унга асос қилиб олишни аниқлаш.

Олтинчидан:

1. Нарх тактикасини ишлаб чиқиш:
 - бир хил чизикли нарх - бир вақтда ва бир дўконда ҳар хил товарлар бир хил нархда сотилади;
 - тушиб бораётган, зарар кўраётган зўравон фирма ўз товарларини паст баҳода сотиши;
 - мавсумлараро товар сотишни ташкил этиш ва бошқалар.
2. Сотувчига тўғри келадиган айрим яхши ва ёмон шароитларни ҳисобга олиш ва шунга мос равишда товар нархига имтиёз бериш ёки қўшимча қилишни кўзда тутиш .

Еттинчидан:

- Маҳсулотнинг контракт (шартнома) асосида сотиш нархини аниқлаш. У ҳам каттик (ўзгармас), кейинчалик қайта кўриладиган ва ўзгарувчан бўлади.
2. Маҳсулотнинг экспорт баҳосини аниқлаш;
 3. Нархнинг базис шартлари чегарасини аниқлаш. Халқаро савдо палатасининг "Инкотермз-90 " тавсияси асосида олиб борилади.
 4. Валюта баҳоси ва валюта тўловини аниқлаш ва суғурталаш шартлари контрактнинг алоҳида қисми ҳисобланади.

Қиймат қонунига асосан баҳо ижтимоий зарур обстракт (мавҳум) меҳнат сарфлари аниқланади. Бунда бир неча концепция амал қилади. Шулардан биттаси қиймат концепцияси ҳисобланади, яъни баҳо асосига унинг элементар кўринишдаги қиймати қўйилади. Ўртача қиймат концепциясида баҳо ўртача тармоқ таннархи асосида ҳисобланади. Ишлаб чиқариш баҳоларига асосланган баҳоларда эса (бунда фойда таннархга асосий ишлаб чиқариш воситалари ва меъёрлаштириладиган моддий айланма маблағлар қийматига пропорционал қўйилади) маҳсулотнинг фонд сиғими ҳисобига олинади, лекин бу концепциялар бўйича баҳо аниқлашнинг ҳам ўзига хос камчиликлари бор, шулардан биттасида маҳсулотнинг фонд сиғими ҳисобга олинмайди, бошқа биттасида фойда билан таннарх орасида функционал боғлиқлик

йўқ, яна биттасида корхоналар керакли жамғармаларни ҳосил қилиш учун имкониятлар йўқ.

Режали иқтисод даврида баҳони куйидагича ҳисоблаш таклиф килинди.

$$B_i = S_{mi} + S_{ix} \cdot (1 + K_m) + E_n \cdot K_f \cdot \Phi_i + D_p$$

Бу ерда, B_i - маҳсулот баҳоси;

S_{mi} - маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги материал харажатлари;

S_{ix} - маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган иш ҳаки;

K_m - иш ҳакига пропорционал равишда баҳога кўшиладиган соф даромад нормативи;

E_n - асосий ишлаб чиқариш воситалари ва материал айланма маблағларга пропорционал баҳога кўшиладиган соф даромад нормативи;

K_f - жамғарма таркиби ва ёшига боғлиқ ҳолда дифференциолланадиган фонд сизими коэффиценти;

Φ_i - маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланилган асосий ишлаб чиқариш воситалари ва айланма материал жамғармаларнинг қиймати;

Иқтисодий адабиётларда бу формула қайта ишлаб чиқариш баҳоси ҳам деб юритилади. Бу баҳо қиймат концепцияси ва ишлаб чиқариш баҳосининг гибриди ҳолатига эга. Унинг афзаллиги шундаки, у кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларнинг корхоналарида ҳам, кўп фонд талаб қиладиган тармоқларнинг корхоналарида ҳам қайта ишлаб чиқаришнинг норматив шароитини таъминлайди.

Кўриб ўтилган концепцияларда, эътибор баҳо харажатларни акс эттириши керак деган фикрга қаратилади, яъни у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқарувчи учун қулай бўлиши керак. Амалиётдаги бундай ёндашув истеъмолчиларнинг манфаатларини камситган ҳолда, баҳонинг оширилишига имкон беради, шу сабабга кўра, кейинги йилларда баҳолар нафақат харажатларни, балки маҳсулотнинг истеъмолчи томонидан фойдалангандаги самарадорлигини ҳам ҳисобга олиши керак деган эътироф тобора кўзга ташланмоқда. Шундай экан, баҳо маҳсулот қийматининг пул шакли бўлиб, истеъмолчининг ҳам, ишлаб чиқарувчининг ҳам манфаатларини ифодалаши керак.

Бозор иқтисодининг асосий қонуни бўлган қиймат қонуни бошқа иқтисодий қонунлардан алоҳида эмас, балки бирга амал қилиши лозим. Барча иқтисодий ва сиёсий масалалар баҳо муомаласида кесишади. Демак баҳо ҳўжалик организмнинг асаб тизими ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг у ёки бу тармоғи корхонаси, жумладан машинасозлик корхонаси маҳсулоти баҳоси турли иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсирига боғлиқ. Баҳони шакллантирувчи омиллар уч гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга қиймат таркиби ва микдорини аниқловчи, баҳонинг қиймат ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар киради. Бўларга: ходимларнинг малакаси, меҳнатнинг ташкил қилиниши ва техник қуролланганлиги шароити, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўлчамлари, уларга бўлган ижтимоий эҳтиёж аниқлаш киради.

Иккинчи гуруҳга режалаштирилган баҳолар асосига қиймат хилларини кўрсатувчи омиллар киради. Бундай омилларга маҳсулотнинг фонд сиғими ва унинг истеъмол қийматини мисол килиб келтириш мумкин.

Учинчи гуруҳга эса режалаштирилган баҳоларнинг хизмат хилларидан оғишини кўрсатади. Бунга талаб ва таклифнинг нисбати, у ёки бу маҳсулотнинг ижтимоий аҳамияти ва ҳоказолар киради. Баҳо қийматнинг пул кўриниши. Унинг бу мазмуни иқтисодиётнинг ривожланишидаги аҳамиятини яъни вазифаларини аниқлайди. Улар бир нечта. Баҳонинг биринчи вазифаси – ҳисоб-китоб. Бунда баҳолар кайд ва ишлаб чиқариш харажатлари ва натижаларини капитал маблағлар самарадорлигини таккослаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Баҳолар кайднинг ишончли бўлиши учун ижтимоий зарурий меҳнат харажатларини ифодалаш керак. Акс ҳолда барча иқтисодий ҳисоблар юзаки бўлиб, фойда, рентабеллик, соф норматив маҳсулот, норматив маҳсулот ва бошқа иқтисодий категориялар шаклидаги характерга эга бўлиб, зарур иқтисодий юқламани кўтара олмайдилар. Бозор иқтисодий шароитида ҳам, баҳонинг кайд вазифасининг аҳамияти анча ортади. Чунки аниқ иқтисодий ҳисоблар хўжалик механизмини мустаҳкамлайди.

Баҳонинг иккинчи вазифаси-рағбатлантиришдир. Баҳолар алоҳида ходимларнинг, корхоналарнинг, жамоаларнинг, ижтимоий гуруҳлар ва бутун жамиятнинг манфаатларини умумлаштиради. Бундай баҳолар корхоналарнинг фойдали, рентабеллик, маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) га интилиши бутун жамият манфаатларига билан мос келади. Чунки фойда ва кўшилган қиймат солиғи давлат бюджетининг асосий манбаидир. Агар баҳолар ижтимоий зарурий меҳнат харажатларидан ошса, у ҳолда уларнинг рағбатлантириш роли янада ортади. Чунки, оширилган баҳоларда, у ёки бу маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ўлчамларини кенгайтиришга кизикиш ортади, уни сотиш даврида эса фойданинг юқори даражаси таъминланади.

Баҳоларнинг учинчи вазифаси, бу талаб ва таклифни мувозанатлаштиришдир. Улар орасидаги номуносиблик бир қатор негатив ҳолатларни туғдиради. Талаб ва таклифни мувофиқлаштириш имконияти йўқ бўлганда ёки бу мақсадга мувофиқ бўлмаганда баҳо воситасидан фойдаланилади. Бу восита корхонада ишлаб чиқариш қуролларига ҳамда узок фойдаланиладиган истеъмол молларига нисбатан кўлланилади. Баҳонинг тўртинчи вазифаси тақсимот ҳисобланади. Ижтимоий зарурий меҳнат натижасидан оғиш бўлганда жамғарма ва истеъмол орасида миллий даромад қайта тақсимланади. Бу вазифа олдинги ҳисоб-китоб ва рағбатлантириш вазифаларининг амалга оширилишини кийинлаштиради. Миллий даромадни қайта тақсимлаш вазифасини солиқ сиёсати ҳал этиши мумкин.

6.2. Корхона маҳсулотларининг баҳолари, турлари ва уларни аниқлаш.

Маҳсулотлар, маҳсулотлар гуруҳларининг баҳолари бир-бировидан ажратилмаган, аксинча яхлит тизим ҳосил килиб ўзаро боғланган. Корхонада баҳолар тизими турли

шакллардаги тўпламлардан иборат. Улар қуйидаги асосий белгиларига қараб шакллантирилади: Харажатларни ва соф даромадни қайд қилиш даражаси, транспорт харажатларини коплаш усули, баҳоларнинг ҳаракат муддати, ҳудудий жойлашуви ва ҳоказо (2,1-расм).

Материал харажат Лари	Кўшилган кий- мат (шартли)		Кўшилган киймат солиғи	Сотиш харажат лари	Сотувчи ташкилот фойдаси	Савдо кор- хонаси му- омаласи ха ражати	Сав до фой даси
	Иш ҳақи	Корхона фойдаси		Сотиш чегирмаси		Савдо чегирмаси	
	Маҳсулот тан- Нархи						
	Корхона улгуржи баҳоси						
Шартномавий (Саноат улгуржи баҳоси) баҳо							
Бозор (Чакана баҳо) баҳоси							

Расм 21. Улгуржи ва бозор баҳолари унсурлари.

Корхоналар улгуржи баҳоси маҳсулот таннархи билан корхоналарга ўз хусусий маблағлари эвазига кенгайтирилган ишлаб чиқаришни шартнома кўрсаткичлари асосида олиб бориш имконини берадиган нормал фойда йигиндисидан иборат. Саноат улгуржи баҳоси ҳам корхона улгуржи баҳоси асосида тузилади, унга кўшилган қиймат солиғи ва сотиш чегирмаси қўшилади. Ҳозир бу баҳолар кўпгина ҳолларда шартномавий баҳолар ҳолида қўлланади.

Бозор баҳолари корхона маҳсулотини аҳолига сотишда қўлланилади. (масалан, енгил автомобиллар, музлатгичлар, телевизорлар, жихозлар). Бу баҳо шартномавий баҳолар билан савдо ташкилотлари чегирмасидан иборат. Баҳоларнинг таркибий қисмлари: таннарх фойда, кўшилган қиймат солиғи, сотиш ва савдо чегирмаси, сотилган маҳсулот ҳажми – унинг элементлари ҳисобланади. Баҳо элементларининг фоиздаги нисбати унинг таркибини ҳосил қилади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш жойидан истеъмолчига етказиб бергунча килинадиган харажатларнинг қайси қисми баҳо таркибига қўшилишига қараб Франко турларига бўлинади. Унинг икки тури бор. Франко - вагон узатиш, Франко-вагон қабул қилиш. Конкрет буюмга баҳони ҳисоблаш формуласи қуйидагича бўлади.

$$B_i = T_j + T_{ij} * (F_m / T_{ibk})$$

Бунда, T_j - буюм таннархи,
Фм - корхона фойдаси,
Тибк - корхонада ишлов бериш қиймати,
 T_{ij} - буюмга ишлов бериш қиймати.

Корхонада маҳсулотига баҳоларни режалаштириш усули истеъмолчиларнинг манфаатларини каноатлантиришга қаратилган. Ҳақиқатан, бундай баҳолар маҳсулотнинг корхонадаги ўртача таннархини коплайди ва ишлаб чиқаришнинг фонд сифими билан меҳнат сарфини ҳисобга олувчи рентабелликни таъминлайди. Бу маънода улар ижтимоий зарурий меҳнат сарфини ифодалайди. Улар меҳнат унумдорлигининг ўсишини, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишини рағбатлантиради. Битта эҳтиёжни кондирадиган, лекин оддий қиймати ҳар хил бўлган, бир - бировини алмаштирадиган маҳсулотларга баҳо белгилаш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Масалан, турли маркадаги ва турли қувватга эга бўлган тракторга баҳо қўйиш вазифаси қўйилган. Бу ҳолда таннарх билан норматив рентабелликка таяниб маҳсулотни баҳолаб бўлмайди, чунки бу тракторлардан фойдаланишда истеъмолчининг ижтимоий самарадорлиги бошқача бўлиши мумкин.

Бозор иқтисоди шароитида рақобат мавжудлиги туфайли, тайёрланадиган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларига талаб юқори бўлади. (ишончлилиги, чидамлилиги, ижтимоий ҳарактеристикалари - меҳнат шароитининг яхшиланиши, унинг қулайлиги, хавфсизлиги). Маҳсулотларнинг сифатини ошириш уларнинг жаҳон бозорида рақобатлашиш қобилиятини оширади. Бундай маҳсулотлар иштирокида (агар улар хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулот бўлса) тайёрланадиган бошқа маҳсулотлар ҳам рақобатбардош бўлганлиги сабабли ҳар қанча қиммат бўлса ҳам истеъмолчилар қимматбаҳо маҳсулотларни олишдан манфаатдор бўлади. Корхонада юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш қўшимча харажатлар билан боғлиқ. Шунинг учун маҳсулотлар сифатининг ошишини юқори баҳо белгилаш ёки мавжуд баҳоларга сифат учун устамалар қўйиш мумкин. Бозор иқтисодида эса юқори сифатли маҳсулотлар аукционлар ёки шартномавий баҳоларда ҳам сотилиши мумкин. Маҳсулот сифатини ошириш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун эса сарфланган қўшимча маблағ билан сифатни ошириш ҳисобига маҳсулотни ишлаб чиқаришда ва ундан фойдаланишдан олинadиган иқтисодий самарани таккослаш керак. Агар баҳолар маҳсулотларни тайёрловчи манфаатларига бўйсундирилса, ишлаб чиқариш харажатларини пассив ифодалайди ва уларнинг ўсишига сабабчи бўлиши муқаррардир. Юқори баҳолар ишлаб чиқарувчи корхоналар жамоаларига "енгил ҳаёт"ни таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулотлар таннархининг арзонлашуви жараёнини секинлатиб қўяди. Агар корхона асосий воситаларни юқори баҳолаб чиқарса истеъмолчилар маҳсулотларининг таннархида амортизация харажатлари юқори бўлади. Бу эса маҳсулот баҳосини оширади. Корхона маҳсулотларига шартномавий баҳонинг ўсиши бозор баҳосининг ўсишига сабаб

бўлади. (ёки давлат томонидан ижтимоий ҳимояни кўпайтиришга сабаб бўлади.) ва халқ турмуш даражасида ўз аксини топади. Шунинг учун маҳсулотларга кўйилган баҳолар ўзларига хос вазифаларни бажаришда ошиши (бир бирлик фойдали самарага нисбатан ҳисоблаганда) эмас, нафақат ишлаб чиқарувчилар, балки истеъмолчилар манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда камайиши уларнинг илмий изохланганлигини кўрсатади. Иқтисодий назарияда маҳсулотлар арзонлашувининг икки шакли мавжуд: абсолют (бир бирлик фойдали самарага нисбатан) арзонлашув. Бозор иқтисодида тайёрланаётган маҳсулотлар қисман арзонлашуви - ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

6.3. Бозор иқтисодида нарх-навони бошқариш.

Бозор иқтисоди шароитида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хилма-хиллиги ва таркиби тез-тез янгиланиб туради. Шунинг учун янги маҳсулотлар баҳосини белгилашнинг илмий изохлаганлиги муҳим аҳамиятга эга. Баҳонинг шаклланиши ишлаб чиқаришда жорий қилинаётган ускуналарнинг янгилик даражаси ва алмашувчанлик ҳарактеридан боғлиқ. Шу омиллар таъсирида янги маҳсулотлар 3 гуруҳга бўлинади.

1 - гуруҳга намунавий мавжуд бўлган, аввалдан ўзлаштирилган маҳсулотни алмаштиришга мўлжалланган маҳсулотлар киради. Янги ва аввал ўзлаштирилган маҳсулотлар бир хил эҳтиёжни қондиради, улар алмашувчан ҳисобланади.

2 - гуруҳга қайта жиҳозлашга параметрик қаторларни ривожлантирадиган, аввалги ускунадан алоҳида техник - иқтисодий параметрлари билан фаркланадиган маҳсулотлар киради.

3 - гуруҳга эса биринчи марта ўзлаштирилаётган тамомила янги маҳсулотлар киради.

Корхонада янги маҳсулотнинг шартнома баҳоси ва иқтисодий самараси уни техник-иқтисодий изохлашдан токи серияли ишлаб чиқаришни ташкил қилишгача барча босқичларда аниқланади. Техник лойиҳани техник топшириқни ва техник иқтисодий изохлашни бажариш босқичларида лимит баҳо ва у асосда эса янги маҳсулотнинг бир-бирлик охириги фойдали самарага нисбатан арзонлашуви ҳамда янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва фойдаланишдан олинадиган иқтисодий - самара аниқланади. Синовлар ўтказиш тажриба нусхани (партияни) қабул қилиш бўйича ишчи ҳужжатларни тайёрлаш пайтида шартномавий баҳонинг лойиҳаси тайёрланади. Янги маҳсулот лимит баҳоси қуйидагича ҳисобланади.

$$Ба = Тп + Фи$$

Бу ерда Тп - лойиҳалаштириш босқичларидаги таннарх,

Фи - норматив фойда.

Янги маҳсулот иқтисодий самарадорлиги 1993 йилдан бошлаб мустақил Ўзбекистоннинг бир қанча масъул идоралари томонидан тасдиқланган усуллар асосида ҳисобланади. Лимит баҳонинг иқтисодий-изоҳланганлик даражаси базис маҳсулотнинг

ҳаракатдаги баҳоси билан техник - иқтисодий ва ижтимоий параметрларининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда киёслаб текширилади. Масалан, аввалдан Ўзлаштирилган техникани унумдорлик кўрсаткичлари (куввати, юк кўтариши, чидамлилиги) яхшиланган техника билан алмаштирилганда қуйидаги баҳо қўлланилади.

$$Bл / Bб * (B2/B1) * ((1/ T1+Eн) / (1/T2 +Eн)) < Rн$$

Бунда , Bл - лимит баҳо,

Bб - базис маҳсулот баҳоси

B2 / B1 - базис маҳсулотга нисбатан янги маҳсулот унумдорлигининг ўсишини ҳисобга олувчи коэффициент.

$(1/T1+Eн) / (1/T2 +Eн)$ - базис маҳсулотга нисбатан янги маҳсулот хизмат муддатининг ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент,

T1, T2 - базис ва янги маҳсулот хизмат муддатлари .

Нисбий арзонлашув коэффициентларидан ($Rн$) катта натижа олиниши харажатларнинг бир-бирлик охириги фойдали самарага нисбатан етарлича камаймаслигини билдиради, яъни бундай маҳсулотни лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Лимит баҳо аниқ бўлиши учун, базис маҳсулотни сотиладиган шартномавий баҳо билан аралаштирмаслик керак.

Лимит баҳо нафақат харажатлар билан балки лойиҳалаштириладиган маҳсулотнинг фойдали самараси билан аниқланадиган энг юқори мумкин бўлган макбул баҳодир. Самарасиз техникани ишлаб чиқаришда тўсик бўлиши учун лимит баҳо янги маҳсулотни лойиҳалаштириш босқичларида белгиланади. Янги маҳсулотларни нисбий арзонлаштиришнинг асосий имкониятлари лойиҳалаштириш бюроларига боғлиқ. Янги маҳсулотнинг шартнома баҳоси уни ишлаб чиқаришда зарур бўлган ижтимоий зарур меҳнат харажатлари асосида шаклланади, шартнома баҳонинг таянч базаси ўртача таннарх ва норматив фойда билан ҳисобланади. Бунда формула қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$Bя = Tя + Фн$$

Бунда: Tя - муқобил маҳсулотларнинг ўртача таннархи;

Фн - норматив фойда.

Шартномавий баҳонинг базиси бўлган таннарх, маҳсулотнинг серияли ишлаб чиқаришнинг биринчи йили харажатларни ифодалайди. Янги маҳсулотни тайёрлаш ва ўзлаштириш билан боғлиқ харажатлар фан ва техникани ривожлантириш ягона жамғармаси ҳисобидан копланadi. Шартномавий баҳода қўйиладиган норматив фойда таннархга нисбатан (материал харажатларидан ташқари) рентабеллик нормативи асосида ҳисобланади. Баҳо белгилашда кўрсаткичлар улуши регрессион таҳлил, агрегат ва бал усуллари кенгрок қўлланилади. Кўрсаткичлар улуши усулида баҳо аниқлашда асосий параметр кўрсаткичи янги маҳсулот параметрининг қийматига

кўпайтирилади. Бу усул баҳоларни тақрибий аниқлашда фойдали самара битта асосий параметр билан ҳарактерланадиган маҳсулотлар баҳосининг изоҳида кенг қўлланилади. Регрессион таҳлил баҳонинг қийматини қатор параметрлар функцияси сифатида аниқлаш имконини беради.

$$B = f(X_1 + X_2, X_3 \dots X_n)$$

бунда : B- баҳонинг қиймати

X_1, X_2, X_3 -маҳсулотнинг техник иқтисодий параметрлари.

Агрегат усулда, баҳо маҳсулот параметрик қарорининг алоҳида лойиҳавий қисмлари таннархига оригинал узеллар (деталлар) қийматини қўшиш билан аниқланади. Балл усулида, истеъмолчи учун мўлжалланган маҳсулотнинг ҳар бир параметрига алоҳида балл қўйилади, барча параметрлар бўйича баллар қўшилиб маҳсулот техник-иқтисодий даражасининг умумий баҳоси чиқарилади. Янги маҳсулот балларининг йиғиндиси бир баллнинг қийматига қўпайтирилиб, маҳсулотнинг тақрибий баҳоси чиқарилади. Шартномавий баҳолар маҳсулотни ишлаб чиқаришга қўйгач, унинг норматив техник ҳужжатларини руйхатга олгандан кейин тасдиқланади. Шартномавий баҳолар, стандартлар, техник шартлар бир вақтда қўлдан кичик қилинади. Янги маҳсулот яратилишини қўллаш мақсадида шартномавий баҳога рағбатлантирувчи устамалар ҳам белгиланади. Бу устамалар иқтисодий самарадорликка боғлиқ ҳолда тавақалланади. Маҳсулотнинг барча параметрлари керакли талабларга жавоб беришни қабул ҳайъати тасдиқлагандан кейингина рағбатлантирувчи устамалар бериш ҳақида қарор қабул қилиш мумкин. (4.1-жадвал)

Ишлаб чиқаришдан олиниши керак бўлган эскирган маҳсулотларнинг улгуржи баҳосидан чегирмалар тасдиқланади. Бундай эскирган маҳсулотлар истеъмолчиларга чегирмасиз улгуржи баҳоларда сотилади ва чегирма миқдори ишлаб чиқарувчи қорхона томонидан давлат бюджетига берилади.

2.1.жадвал

Рағбатлантирувчи устамалар шкаласи. Рағбатлантирувчи устамалар ўлчами, норматив фойдага нисбатан, % да.

Иқтисодий самара ва улгуржи баҳо нисбати Э/Бя, %	Интервалнинг минимал чегарасига етгани учун	Интервалдаги ҳар бирлик учун
15-35	50	0,20
34-55	54	0,25
55-75	59	0,30
95-115	65	0,35
115-135	72	0,45

135-155	81	0,60
155-175	93	0,75
175 дан юқори	108 - 125	0,85

Шундай қилиб, режали иқтисодиёт даврида баҳоларнинг асосини қиймат қонуни ташкил қилганидан фаркли, ўтиш даврида бозор қонунларининг учаласи ҳам амал қилади. Бўлар: қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, пул муомаласи қонуни ҳисобланади. Бу қонунлар таъсирида корхонанинг улгуржи баҳоси, саноатининг улгуржи баҳоси ва давлат чакана баҳосидан ташқари шартномавий баҳолар, бозор баҳолари кучга киради, талаб ва таклифни мувофиқлаштиради.

Таянч иборалари:

Истеъмолчиларни сегментлаш. Маҳсулот баҳосини белгиловчи омиллар. Баҳонинг иқтисодий мазмуни. Баҳонинг вазифалари. Баҳоларнинг турлари ва уларни аниқлаш. Баҳо белгилашда маҳсулотларни гуруҳлаш.

Такрорлаш учун саволлар:

Истеъмолчиларни сегментлаш.
Маҳсулот баҳосини белгиловчи омиллар.
Баҳонинг иқтисодий мазмуни.
Баҳонинг вазифалари.
Баҳоларнинг турлари ва уларни аниқлаш.
Баҳо белгилашда маҳсулотларни гуруҳлаш.

VII БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУВВАТЛАРИ.

7.1. Асосий фондларнинг иқтисодий моҳияти ва улар таркиби.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириши учун маълум миқдорда ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлишлари керак.

Ишлаб чиқариш предметлари (материаллар, хом-ашё, ёқилги ва х.к.з) ишлаб чиқаришда қайта ишланиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнининг охирида тайёр маҳсулотнинг ўзагини ташкил этади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари (куроллар, асбоб-ускуналар, транспорт, ўтказувчи курилмалар ва х.к.з.) ёрдамида ишчи кучи ишлаб чиқариш предметларига тайёр маҳсулот олиш учун таъсир этади, ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиб аста-секин эскириб боради. Ишлаб чиқариш предметлари эса ишлаб чиқариш жараёни ҳолатида бутунлай ишлатилиб ўзи маҳсулотга ўтиб кетади.

Демак, тайёр маҳсулотга ишлаб чиқариш предметлари ўз қийматларини бутунлай ҳеч қолдиқсиз бир ишлаб чиқариш актида утказади. Ишлаб чиқариш фондлари эса аста-секин эскириб боришига қараб ўз қийматини утказади ва ишлаб чиқаришни бир неча актида катнашади.

Шундай қилиб, ҳисоб амалиётида ва Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика Вазирлиги кўрсатмасига асосан қиймати 15 минимал маош миқдорида ортиқ бўлган 1 йилдан ортиқ хизмат қилувчи, ўз қийматини тайёр маҳсулотга амортизация шаклида ўтказиб борадиган ва ишлаб чиқариш жараёни охирига келиб натурал шаклини сақлаб қолувчи моддий бойликларга айтилади.

Демак, асосий фондларга ишлаб чиқариш жараёнида катнашадиган меҳнат воситалари (машиналар ва асбоб ускуналар) шунингдек, ишлаб чиқариш шарт-шароитини яратадиган меҳнат воситалари (бинолар, иншоотлар, транспорт курилмалари, трубопроводлар) киритилади. Ноишлаб чиқариш фондлари – асосий фондларнинг ажралмас қисми бўлиб, ишлаб чиқариш характерида бўлмаган эҳтиёжларга бир неча йил мобайнида хизмат кўрсатувчи фондлардир. Уй-жойлар, маориф, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, бошқарув, маданият муассасалари ва х.к. бинолари, транспорт воситалари, иншоотлар ва асбоб ускуналар ишлаб чиқариш характерида бўлмаган асосий фондлар жумласидандир. Бу фондлар ноишлаб чиқариш соҳасига хизмат қилади, моддий неъмат ишлаб чиқариш жараёнида катнашмайди, уларнинг емирилган қисми миллий даромад эвазига тикланади. Ишлаб чиқариш жараёнида катнашадиган асосий воситалар узлари бажарадиган вазифаларга кура қуйидаги гуруҳларга ажратилади.

1. Бинолар: ишлаб чиқариш бинолари, маъмурий-хўжалик бинолари ва моддий бойликларни сакловчи бинолар (омборлар).

2. Иншоотлар, ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун зарур шароит яратадиган муҳандислик-қурилиш объектлари (тозалаш иншоотлари, темир йул ва автомобил йуллари, куприклар, бункерлар).
3. Узатиш қурилмалари: электр, иссиқлик ва механик энергияни машина двигателлардан ишчи машиналарга узатувчи қурилмалар (электр узатиш линиялари, иссиқлик ва газ тармоқлари ва ҳоказо).
4. Машиналар ва ускуналар.
 - а) куч машина ва ускуналар: машина –генераторлар, машина-двигателлар, ички ёнув двигателлари, буг двигателлар, трансформаторлар ва ҳоказо.
 - б) ишчи машина ва ускуналар: маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат предметларига термик, химик ва механик таъсир курсатади. (Металл қирқувчи дастгоҳлар, прессловчи, қуювчи, электропайвандловчи ускуналар, термик печлар, электролит ванналар, кранлар, транспортёрлар ва ҳоказо).
 - в) мослаштириш - улчаш асбоблари ва қурилмалари, лаборатория ускуналари: ишлаб чиқариш жараёнини қулда ва автоматик тарзда мослаштириш ва барча турдаги улчовлар ишларини бажариш учун зарур бўлган асбоблар ва мосламалар (калинликни, майдонни, ориқликни, босимни, ток қучини ва ҳоказо) автоматик бошқариш пултлари, диспетчерлик назорат қурилмалари, завод илмий-тадқиқот лабораторияси аппаратуралари ва ҳоказо.
 - г) берилган алгоритм бўйича математик масалаларни ечиш билан боғлиқ автоматик жараёнларни тезлаштириш учун хизмат қиладиган ҳисоблаш техникаси.
 - д) бошқа машина ва ускуналар: автоматик телефон станциялари, ускуналари, ёнгинга қарши машина ва ускуналар.
5. Ишчи машиналар ва ускуналар бу гуруҳдаги машина ва ускуналарга инсон иштирокисиз технологик жараёни бажарадиган автоматик ускуналар ҳам киритилади.
6. Транспорт воситалари: кишилар ва юқларнинг ҳаракатини таъминлашга мулжалланган. Темир йул, сув ва автомобил ҳаракат таркиби, тепловоз, электровоз, вагонлар, теплоходлар, катерлар, биржалар, трактор-тягачлар, вагонеткалар, автоэлектрокаралар, тележкалар, шунингдек, магистраль трубопроводлар ҳам транспорт воситаларига киритилади.
7. Жихозлар: механизациялашган ва механизациялашмаган меҳнат қуроллари, кесувчи, уривчи, материалларни босим билан ишловчи қуроллар.
8. Ишлаб чиқариш инвентарлари: иш вақтида бажариладиган ишлаб чиқариш операцияларини осонлаштириш учун қулланиладиган предметлар (верстаглар, ишчи столлар, машина ҳимоялари, стеллажлар, инвентар таралар).
9. Хўжалик инвентарлари: маъмурий ва хўжалик юритиш учун зарур предметлар (ёзув машинкаси, компьютерлар, совутгичлар, қупайтирув аппаратлари, ёнгинга қарши предметлар ва ҳоказо)

10. Бошқа асосий фондлар: библиотека фонди, музей бойликлари ва олдинги гуруҳларда қурилмаган бошқа асосий фондлар.

Бу туркумлаш, асосий фондларнинг фаол қисмини(меҳнат предметиға таъсир этувчи қисми) ажратиш имконини беради. Мамлакатимизда техника тараққиёти **натижасида** асосий фондлар ичида фаол қисмининг салмоғи тобора ортиб бормокда.

Юқорида санаб ўтилган гуруҳларнинг нисбий тақсимланиши корхона ишлаб чиқариши ва техник тузилишини ташкил этади.

Асосий фондларнинг аниқ белгили томонлари бу қийматининг юқорилиғи ва хизмат муддати узоклигидир. Бундан ташқари бир вақтнинг ўзида илмий техника тараққиётиға ва техник даража ўсишиға фаол таъсир этади.

Шунга асосан, тадбиркорлик фаолиятида асосий фондларни сотиб олишға қуйидаги талаблар қўйилади:

- Юқори унумдорликка эга бўлиши.
- Фойдаланишда самарадорлиғи бўлиши.
- Универсаллиғи.
- Ишдаги чидамлилиғи ва ишонслилилиғи.

Асосий фондларнинг юқори қийматға эга бўлиши ва узок муддат хизмат қилишини талаб этиши, корхонанинг катта миқдордаги пул маблағларини ушлаб қолишға олиб келади. Бу эса ўз навбатида ундан самарали фойдаланишни тақозо этади. Самарали фойдаланиш биринчи навбатда уларни тўғри ҳисобға олишни талаб қилади.

7.2. Асосий фондларни баҳолаш ва улар амортизацияси.

Асосий воситаларни ҳисобға олиш уларнинг қанча ҳажмда эканлигини билиш эмас, балки ишлаб чиқариш Миқтисодиётининг талабидир.

Асосий воситалар ҳисоби натура ва қиймат шаклида олиб борилади.

Натура кўрсаткичлар ёрдамида ҳар бир асосий воситаларнинг турлари бўйича ҳисоб олиб борилади.

Масалан, бино - унинг сони, умумий ва фойдали майдони (м²), агар ишчи машина бўлса - сони, кўриниши ва ёши ва ҳоказолар ҳисобға олинади. Ҳисобға олишнинг ушбу шакли асосий воситаларнинг ташқи тузилишини белгилаб қолмай, балки унинг техник ҳолатини ҳам билдиради. Бу соҳада асосий фондлар баланси тузилади.

Капитал маблағлар самарадорлиғи, амортизация ажратмаси миқдори, тузилиши, ўзгариши динамикаси, умумий ҳажмини аниқлашда асосий фондларнинг қиймат кўрсаткичдаги ҳисобидан фойдаланамиз. Бусиз корхонанинг иқтисодий ҳолати ҳақида фикр юритиш мақсадсиздир. Бунда уларнинг бошланғич, тиклаш ва қолдиқ қиймати аниқланади.

Асосий воситаларнинг бошланғич қийматини аниқлашда сотиб олиш харажатлари, келтириш ва ўрнатиш харажатлари ҳисобга олинади. Бу ҳисоб бухгалтерия баланси юритишда амалга оширилади ва баланс қиймати моддасида қайд этилади. У қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$Fb = Zo + Zt + Zx,$$

бунда: Fb - асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, сўм;

Zo - асосий восита сотиб олиш қиймати, сўм;

Zt - транспорт харажатлари қиймати, сўм;

Zx - қуриш ёки ўрнатиш харажатлари, сўм.

Асосий фондларнинг бошланғич қиймати корхона томонидан қанча маблағ сарфланганлигини билдиради.

Асосий фондларнинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражасини ҳисоблаш ва режалаштириш натурал ва қиймат кўрсаткичлари орқали олиб борилади. Натурал кўрсаткичлар фондларнинг техник таркибини аниқлашга, мавжуд ресурсларни асбоб-ускуна ва машиналарга бўлган талаб билан қиёслашга, ишлаб чиқариш қувватининг ҳажмини ҳисоблаб чиқишга, машиналар ва асбоб-ускуналардан фойдаланишни яхшилаш бўйича кўриладиган тадбирларнинг самарадорлигини аниқлашга имкон беради.

Асосий фондларни пул (қиймат) билан баҳолаш асосий фондларнинг умумий ҳажми ва уларнинг динамикасини, фондлардан фойдаланганлик учун тўловларни, амортизацион ажратмалар ҳиссасини, капитал сарфи ҳамда янги техника самарадорлигини режалаштириш ва баҳолашни, ремонт учун маблағ ажратиш ва фондларни янгिलाш манбаларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Пул билан баҳолаш фондлардан фойдаланиш самарадорлиги ва ишлаб чиқариш рентабеллиги каби умумлаштирувчи кўрсаткичларни ҳисоблашда ҳам жуда зарур.

Амалиётда асосий фондларни қуйидаги баҳолаш усуллари қўлланилади:

1.Тўлиқ қиймати бўйича

а.)бирламчи қиймати

б) тикланиш қиймати

2.Эскирган қисмини ажратиш қиймати бўйича:

а.)бирламчи қиймати

б) тикланиш қиймати

3.Йўқотишдаги қиймати.

4.Йиллик ўртача баҳо.

Асосий воситалар ишга туширилган вақтидан бошлаб бухгалтерия балансида дастлабки қиймати бўйича қайд қилинади. Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг узлуксиз равишда ушиб бориши шунга олиб келадики, ҳаракатдаги асосий воситалар элементларини тиклаш баҳоси узғариб туради. Натижада кейинги муддатга асосий воситаларни дастлабки қиймат бўйича баҳолаганда бу қиймат аралаш баҳолардан

иборат бўлади ва асосий воситалар динамикаси ва фойдаланиш самарадорлиги ҳақида қиёсий маълумотлар бермайди. Бу эса асосий воситаларни доимий равишда баҳолаш заруриятини тугдиради. Асосий воситаларни қиймати бўйича баҳолаганда янги ишлаб чиқариш шароитида қайта баҳолаш вақтида уларни қайта ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинади. Асосий воситаларни тикланиш қиймати бўйича қайта баҳолаш жуда мураккаб жараён, чунки бунда воситаларнинг ҳар бир элементини қайта баҳолаш зарур. Бу эса анча меҳнат ва маблағ талаб қилади. Шунинг учун қайта баҳолаш доимий равишда амалга оширилади. Асосий воситаларни дастлабки қиймати бўйича ҳам, тикланиш қиймати бўйича ҳам баҳолаш уларнинг эскиришини ҳисобга олган ҳолда қолдиқ қиймат бўйича амалга оширилади.

Тиклаш қиймати эса шу қийматни ҳозирги баҳоларда фойдаланишидир: кўрилиш материалларининг ҳозирги баҳосида, ҳозирги вақт транспорт харажатларида ва ҳ.к. Бу баҳо асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида қуйилади.

Эскирган қисмини ажратиш қиймати бу тўлиқ бирламчи қиймати ёки тиклаш қийматидан эскирган қисм қийматини айириб ташлангандан кейин қоладиган қийматига айтилади.

Эскириб ишлаб чиқаришдан чиқариб ташлашдаги қиймати йўқотиш қиймати дейилади.

Ҳар хил иқтисодий ҳисоботлар учун асосий фондларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай баҳони асосий фондларни инвентаризация ва қайта баҳолаб билиш мумкин.

Йиллик ўртача баҳо асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш улардан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш учун зарур. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача баҳоси қуйидагича аниқланади:

$$\bar{\Phi} = \Phi_o + \frac{\Phi_k \cdot T_k}{12} - \frac{\Phi_q \cdot T_q}{12};$$

бу ерда, Φ_k ва Φ_q - йил давомида ишлаб чиқаришга киритилган (Φ_k) ва ишлаб чиқаришда чиқиб кетган (Φ_q) фондлар қиймати;

T_k - йил давомида ишлаб чиқаришга киритилган асосий фондларнинг вақти;

T_q - асосий фондларнинг ишлаб чиқаришдан чиқиб кетган кейинги вақт (йил давомида).

Асосий фондларнинг дастлабки бирламчи қиймати улар бунёд этилган ва ишга тушириладиган йилдаги баҳода белгиланади. Дастлабки бирламчи қийматга бино ва иншоотлар қурилиши, иш машиналарини ва асбоб-ускуналарни, транспорт ва бошқа воситаларни корхонага келтириш, урнатиш ишлари билан боғлиқ бўлган харажатлар қушилади.

Асосий фондлар фойдаланиш жараёнида эскириш икки хил бўлади: физик эскириш ва маънавий эскириш.

Физик эскириш жараёнида асосий фонд емирилади ва яроқсиз ҳолатга келади. Емирилиш интенсив фойдаланиш ва табиат кучлари таъсири остида юзага келади.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда техникавий тараққиёт таъсирида узларининг дастлабки хусусиятларини йукотадилар (меҳнат унумдорлиги пасаяди, ремонт харажатлари ва бошқа харажатлар ошиб боради). Машина ускуналар ишлатилмаганда ҳам жисмоний жихатдан емирилади-металлар занглайди, шамолнинг таъсирида ёғоч буюмлари курийди ва чирийди, ташқи муҳит таъсирида буёклар уз рангини йукотади. Асосий фондларнинг жисмоний емирилиши бир неча омилларга боғлиқдир. Биринчидан, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат қуролларининг ишлатилиши (суткада сменалар сони, йил давомида ишлаш муддати ва х.к.). Иккинчидан, материалларнинг ва бўлардан ишлаб чиқарилган меҳнат қуролларининг сифатига, шунингдек, машиналарнинг, қурилган биналарнинг ва қурилмаларнинг конструкциясига, ускуналарни урнатиш сифатига боғлиқдир.

Асосий фондларнинг емирилиши, техникани тугри эксплуатация қилишга, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат қуролларидан оқилона фойдаланишга ва ишловчиларнинг малакасига боғлиқдир. Ускуналарни, улчов асбобларини узлуксиз техникавий назорат қилиб туриш, уз вақтида тозалаш, мойлаш, жихозлаш, сифатли ремонт қилиш, ишлаш даврида бўларни аниқлигини, ишончилигини ва шайлигини таъминлайди ҳамда меҳнат қуролларининг хизмат қилиш муддатини узайтиради.

Асосий фондларни физик емирилиши уларнинг ҳақиқий хизмат муддатини нормадаги хизмат муддатига нисбати билан процент ҳисобида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\Phi_e = \frac{Mx}{Ad} * 100$$

Бунда Φ_e - асосий фондларнинг физик емирилиши;

Mx – асосий фондларнинг ҳақиқий хизмат қилиш муддати (йилларда);

Ad – фондларнинг белгиланган норма бўйича хизмат қилиш муддати (амортизацион даври, йилларда).

Асосий фондлар, айниқса машиналар ва асбоб-ускуналар, асбоблар жисмоний емирилиш билан бирга маънавий жихатдан ҳам емириладилар.

Маънавий эскириш- бу асосий фонд ҳали ишлаб чиқаришга яроқли бўлса-да, ундан фойдаланиш иқтисодий жихатдан самарсиз бўлади. Маънавий эскиришнинг бош омили илмий техника тараққиёти ҳисобланади ва асосий фондлар ишлаб чиқарувчи соҳада меҳнат унумдорлигини ўсиши ҳисобланади

Маънавий эскиришнинг 2 тури мавжуд:

1) Мавжуд асосий фондларга нисбатан унумлироги ишлаб чиқарилганда-эскирган машиналарнинг жисмоний ейилиш муддати тулмасданок кадрсизланганлиги ва маънавий эскирганлигини билдиради.

2) Маънавий асосий фондларга нисбатан арзонроги ишлаб чиқарилганда. Асосий воситаларнинг эскириши натурал куринишда:

а) бутунлай янгилаш - реновация

б) кisman янгилаш-капитал таъмир утказиш билан копланади. Капитал таъмир утказиш ва ускуналарни модернизациялашнинг зарурлиги, унинг мақсадга мувофиқлиги ва иқтисодий самарадорлигини изохлаш билан амалга оширилади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$C_p + E_n * (K_{кр} + мод) < C_я + E_n * (K_я + K_к - K_л)$$

Бунда: C_p ва $C_я$ -таъмирланган ва янги ускунадан фойдаланганда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннари;

E_n - сармояларнинг норматив самарадорлик коэффициенти;

$K_{кр}$, $K_{мод}$ - капитал таъмирлаш ва такомиллаштириш қиймати;

$K_к$, $K_л$ - таъмирланган ускунанинг қолдиқ ва ликвид (қўчма) қийматлари.

Асосий ишлаб чиқариш воситалари эскиришини натурал шаклда қоплашнинг иқтисодий асоси амортизация ҳисобланади.

Демак, асосий ишлаб чиқариш фондлари аста-сёкин эскириб ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган товарлар қийматига оз-оздан кучириб боради. Маълум давр утгач фондларнинг тўлиқ қиймати амортизация ажратмалари йули билан қайта тикланади. Амортизация ажратмалари асосий фондлар ейилишининг пул шаклидаги кўриниши бўлиб давлат томонидан белгиланадиган қатъий нормаларга биноан ажратилади. Амортизация ажратмаларининг умумий йиллик суммаси ва амортизация нормасини ажрата билиш лозим.

Йиллик амортизация суммаси - йил давомида ажратилган амортизация суммалари йиғиндисидир.

Бу фонд суммаси- асосий фондлар ишлаб тўрган вақтда уларни капитал таъмир ва модернизация қилиш учун, ишдан чиққан вақтда эса уни қийматини бутунлай қоплаш учун ишлатилади ва у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$A = \frac{\Pi(B) + KP + M - Л}{T}$$

$\Pi(B)$ - асосий фондларни бош бирламчи ёки тиклаш ўртача йиллик қиймати

KP -капитал таъмирнинг ўртача йиллик қиймати

M -модернизация қиймати, эскирган қисмларни янгилаш қиймати.

$Л$ -йўқотишдаги қиймат ёки ликвидацион қиймат

Т-хизмат даври.

Амортизация нормаси деб, йиллик амортизация суммасини унинг тўлиқ бирламчи бош баҳосига нисбатининг фоизда (%) ифодаланишига айтилади.

$$H_a = \frac{A \cdot 100}{\Pi(B)}$$

10 йилда ҳам ишлаб чиқаришда иштирок этаверса, унда фақат капитал таъмир учун амортизация ажратилади.

Корхоналардаги асосий фондлар қиймати тинмай ўзгариб туради. Уларни кўпайишига қуйидаги омил таъсир этади.

- 1) сотиб олиш;
- 2) кўриш, урнатиш;
- 3) инвентаризация давридаги ортиши,

Камайтишига эса қуйидаги омиллар таъсир қилади.

1. Эскирган сабабли йўқотиш.
2. Бошқа корхоналарга сотиш.
3. Табиий офат натижасида йўқотилиши.
4. Инвентаризация даврида баҳосини камайтиши.

Амортизация ажратмалари маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритилади ва сотувдан кейин амортизация жамғармаси ҳосил қилинади. У икки қисмга бўлинади:

1. Жамғарманинг бир қисми асосий воситаларни тула тиклаш (реновация) учун ажратилади. Бу ажратма давлат томонидан ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, техник қайта жихозлашга сарфланадиган сармояларни, банклар ссудаларини молиялаштиришга харажат қилинади. Бу ажратманинг 10 - 50 % ни корхона ўз имкониятларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармасига йуналтиради.

2. Жамғарманинг иккинчи қисми капитал таъмир ва такомиллаштиришни молиялаштириш учун мулжалланган, корхонанинг банкдаги махсус ракамида сақланади ва қатъий равишда белгиланган мақсадга хизмат қилади.

Амортизация меъёри икки қисмдан иборат. Реновация меъёри Ha^p ва капитал таъмирлаш меъёри Ha^{kp}

$$Ha^p = Ha^{kp} + Ha$$

Асосий фондлар ҳақидаги маълумотларга асосан корхона ва тармоқ бўйича уларнинг баланси тузилади.

$$O\Phi_6 + \Pi = B + O\Phi_o$$

Бунда, $O\Phi_6$ - асосий фондларнинг йил бошидаги қолдиғи.

$O\Phi_o$ - асосий фондларнинг йил охиридаги қолдиғи.

Π - асосий фондларнинг киритилиши.

B - асосий фондларнинг чиқиши.

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қилиш учун унинг эксплуатация ҳолатини, эскириш даражасини ва улардан фойдаланишни характерлайдиган ва маълумотларга эга бўлмок керак.

Асосий фондларнинг эскириш даражаси мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда ифодаланади.

Эскириш коэффициенти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$\text{Эскириш коэф.} = \frac{ОФб - ОФк}{ОФб}$$

бу ерда, $ОФб$ -асосий фондларни бошланғич қиймати
 $ОФк$ -қолдик қиймат

Эскириш коэффициенти яроклилик коэффициенти билан узвий равишда боғлиқ. Эскириш коэффициенти қанча кичик бўлса, яроклилик коэффициенти шунча катта бўлади ва аксинча. Агар «1» дан эскириш коэффициентини айириб ташласак яроклилик коэффициентига эга бўламиз. Асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш темпини характерлаш учун уларни жисмоний ва техник ҳолатини ўрганишда янгиланиш коэффициенти қўлланилади.

Бундан ташқари чиқиш коэффициенти ҳам қўлланилади.

$$\text{Чиқиш коэффициент} = \frac{ЕВ}{ЕО}$$

Бунда, $ЕВ$ - ишдан чиқарилган асосий фондлар қиймати
 $ЕО$ -асосий фондлар йил бошидаги қиймати.

$$\text{Янгиланиш коэффициент} = \frac{ЕВ}{ЕО}$$

Бунда, $ЕВ$ - ишлаб чиқаришдаги янги киритилган асосий фондлар қиймати;
 $ЕО$ - асосий фондлар йил охиридаги қиймати.

7.3. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш кўрсаткичлари.

Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш-ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнатнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир. Бу меҳнат унумдорлигининг, ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражасининг, миллий даромаднинг усишига, асосий фондларнинг айланишининг тезлашишига, жисмоний ва маънавий эскириш даврининг яқинлашишига, уларни тезроқ янгилашга ва такомиллаштиришга шароит яратади.

Асосий фондлардан фойдаланиш даражасини характерлаш учун ҳар бир сўмлик асосий фондларга ишлаб чиқарилган маҳслот бирлиги (фонд кайтими

қўлланилади). Уларнинг динамикасини ўрганишда асосий фондлар ҳам, маҳсулотлар ҳам ўзгармас баҳоларда белгиланади.

Фонд қайтими ёки фонд самарадорлиги қуйидагича аниқланади:

$$\Phi_c = \frac{\text{Ялпи (товар) маҳсулот}}{\text{Асосий ишлаб чиқариш фондлари уртача қиймати}}$$

Жамиятимизни моддий техника базаси яратилган сари меҳнатни асосий фондлар билан кўролланиши ортиб боради. Бу кўрсаткич асосий фондлар қийматини корхонадаги ходимлар сонига ёки энг кўп ишчи ишлаган сменадаги ишчилар сонига бўлиб аниқланади.

Фонднинг самарадорлик даражасига тескари бўлган кўрсаткич маҳсулотнинг фондга бўлган талаблик даражасини ҳаётларлайди ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Фонд сигими} = \frac{\text{Асосий ишлаб ишлатиш фондлари йиллик уртача қиймати}}{\text{Ялпи (товар) маҳсулот}}$$

Ҳалқ ҳўжалигида асосий фондлардан самарали фойдаланишнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи – ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ўсиш суръатларининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ўсиш суръатларидан устун бўлишидан иборат.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари, асосий ноишлаб чиқариш фондлари, асосий фондлар классификацияси, асосий фондларни баҳолаш, асосий фондлар баланси, асосий фондлар амортизацияси, асосий фондлар эскириш даражаси, асосий фондлар яроқлилик, ишдан чиқарилиш, янгиланиш коэффициентлари, фонд самарадорлиги ёки қайтими, фонд сигими, меҳнатнинг фонд билан қуролланганлик даражаси.

7.4. Ишлаб чиқариш қуввати ва ундан фойдаланиш кўрсаткичлари.

Саноат корхонаси (цех ёки ишлаб чиқариш участкаси) нинг ишлаб чиқариш қуввати дейилганда маълум вақт ичида маълум сифат ва ассортимент, мавжуд ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонидан тўлиқ фойдаланилган ҳолда илгор технология, меҳнат ва ишлаб чиқаришни яхши ташкил қилиш натижасида максимал даражада маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти тушунилади.

Ишлаб чиқариш қуввати саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни режалаштиришда қўлланиладиган (тонна, дона, метр ва бошқаларда) бирликларда аниқланади.

Агар корхоналар бир неча маҳсулот ишлаб чиқарса, ишлаб чиқариш қуввати бир неча хил натура кўрсаткичида аниқланиши мумкин. Бундай ҳолда ишларни

осонлаштириш учун ҳамма маҳсулотлар номенклатураси ичида улуши катта бўлган маҳсулот олинади.

Ишлаб чиқариш қуввати корхонада асосий ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган поток чизиқлари ишлаб чиқариш қувватининг йиғиндиси асосида ҳисобланади. Агар асосий ишлаб чиқариш бир хилда ихтисослашган цехлардан иборат бўлса, бунда ишлаб чиқариш қувватлари йиғиндиси билан аниқланади. Ҳар бир цех ишлаб чиқариш қуввати унинг поток чизиқлари қувватини қўшиш орқали аниқланади. Поток чизиғи ишлаб чиқариш қуввати куйидагича аниқланади.

$$M_{\text{л}} = N_{\text{тех}} \cdot F_{\text{м}}$$

бу ерда:

$N_{\text{тех}}$ - етакчи машина унумдорлик техник нормаси;

$F_{\text{м}}$ - иш вақти фонди.

Корхона, цех ва участкаларнинг ишлаб чиқариш қувватининг ҳажмига таъсир этувчи омиллар куйидагилардан иборат:

а) асосий фондларнинг ишга яроқлиги ва етакчи машиналар сони. Бунга асосан ишлаб чиқариш ва технологик ускуналар олинади. Корхоналарда ҳамма ускуналар 3 турга: мавжуд, ўрнатилган ва резервдаги ускуналарга бўлинади.

Мавжуд ускуналарга цехдаги ва корхона омборидаги ҳамма асбоб-ускуналар: ўрнатилганига эса цехдаги ва ишлаб чиқариш участкаларидаги ускуналар: резервлардагига эса жиҳозларни алмаштириш учун мўлжалланган ускуналар киради.

Ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаётганда ускуналарнинг ҳаммаси ва режалаштириш даврда ишга тушириладиган қувватлар ҳам ҳисобга олинади. Резервдаги ускуналар эса ҳисобга кирмайди:

б) ускуналардан фойдаланишнинг техник - иқтисодий унумдорлик нормалари. Бундай нормаларни белгилашда, режада кўзда тутилган янги техникани, технологияни жорий қилиш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор ускуналаридан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳамда бошқа бир қатор тадбирлар ҳисобга олинади.

Ҳар бир машина ва агрегат учун лойиҳавий техника унумдорлик нормаси белгиланади. Бундай нормаларнинг бўлиши ишлаб чиқариш қувватларидан, фойдаланишнинг резерви борлигидан далолат берилади.

в) ускуналар иш вақти фондининг максимал бўлиши. Корхоналарнинг иш вақти ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий элементлари (смена сони, иш кунининг узун ва қисқалиги, йил давомида иш кунининг сони ва х.к.) ҳисобланади. Ҳар қандай конкрет шарт-шароитда ускуналар иш режимининг оптимал даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Режа бўйича ускуналар бекор туриши фақат ремонт мақсадларида белгиланади. Кўпгина корхоналарда иш вақтининг бир қисмини техниканинг ишлатилиши яхши ташкил қилинмаганлиги сабабли йўқотилмоқда (масалан, материаллар, асбоб-ускуналар ва энергия билан ўз вақтида таъминланмаслик ва х.к.)

г) маҳсулот ассортиментига боғлиқ, шунингдек, материаллар, айрим тайёр маҳсулотлар, хом-ашёларнинг таркиби ва сифати. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва айрим агрегатларнинг унумдорлиги кўп жиҳатдан материаллар, хом-ашёлар ва айрим тайёр фабрикаларнинг сифатига боғлиқ. Шунинг учун айрим тармоқ корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати, фақат ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг миқдори билан эмас, балки хом-ашёни қайта ишлаш миқдори билан ҳам белгиланади;

д) ишлаб чиқариш технологияси. Ишлаб чиқаришнинг қувватининг катта ёки кичиклиги ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишнинг ҳақиқий коэффициенти йил давомида ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг ўртача йиллик ишлаб чиқариш қувватига бўлган нисбати билан аниқланади. Қувватнинг ҳажми билан ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот ўртасидаги фарқ корхонада кўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти борлигини кўрсатади, бу ишлаб чиқариш қуввати резерви ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни белгиловчи умумий кўрсаткич бир сўмлик асосий фонд ҳисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ёки сотилган маҳсулот миқдори билан ҳам ўлчанади. Бу кўрсаткич ҳажми асосий фондлардан ва айниқса ускуналардан қандай фойдаланилганлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни ифодаладиган юқоридаги кўрсаткичлар яна бир қатор кўрсаткичлар билан тўлдирилади. Бўлар эса ўз навбатида ускуналарнинг ишлатилишини ҳар томонлама ҳарактерлаб беради. Бўларга ускуналардан экстенсив, интенсив, интеграл ва сменали фойдаланиш коэффициенти киради.

Ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти ($K_{экс}$) аниқлаш учун, иш соатларининг ҳақиқатда сарфланган миқдорини (T_{ϕ}) режали, режим ва календар ($T_{п.р.к.}$) фондлар вақтига бўлиш билан аниқланади. Уни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин.

$$K_{экс} = \frac{T_{\phi}}{T_{п.р.к.}}$$

Ускуналардан интенсив фойдаланиш коэффициенти ($K_{инт}$) вақт бирлигида амалда эришилган ускуна унумдорлигининг (Π_{ϕ}) ушбу ускуна хили учун белгиланган унумдорлик техник нормасига (Π_n) нисбати билан аниқланади:

$$K_{инт} = \frac{\Pi_{\phi}}{\Pi_n}$$

Ускуналардан фойдаланишнинг интеграл коэффициенти экстенсив ва интенсив фойдаланиш коэффициентларининг кўпайтмасидан иборат. Бу эса қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$K_{интег} = K_{экс} \cdot K_{инт}$$

Корхоналарда белгиланган ускуналар иш режими сменалар коэффициенти ($K_{см}$) билан ҳарактерланади. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$K_{см} = \frac{T_{\phi}}{P - (P_1 + P_2) \cdot \Pi}$$

бу ерда:

T_{ϕ} - ишлаб чиқариш ускуналарнинг ҳақиқий ишланган вақти (станок сменада),
бунда иш вақтидан ташқари ишланган вақтлар ҳисобга олинмайди.

P_1 - директив органларнинг кўрсатмасига биноан ўрнатилган резервдаги
ускуналарнинг сони

P_2 - ремонтдаги (номи бўйича) ускуналар сони

P - ўрнатилган ишлаб чиқариш ускуналарнинг сони

Π - ҳисобот давридаги иш сони

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланганда унинг резервлари қуйидагича
аниқланади:

$$R = M - B$$

M - ишлаб чиқариш қуввати

B - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни яхшилаш асосий йўналишлари
қуйидагилардан иборат:

1. Ўрнатилган ва ишчи технолоқ жиҳозларнинг техник ҳолатини маълум даражада
сақлаш.
2. Иш жойида меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни яхшилаш.
3. Ишчилар малакасини ошириш.
4. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бракларини қисқартириш
5. Ишлаб чиқариш чиқиндиларни камайтириш.
6. Жиҳозлар иши сменалилик коэффицентини ошириш.
7. Маҳсулот чиқишини ошириш.
8. Ҳамма ремонт турларини сифатли ва ўз вақтида бажариш.

Таянч иборалар:

Асосий ишлаб чиқариш фондлари, асосий ноишлаб чиқариш фондлари, асосий
фондлар классификацияси, асосий фондларни баҳолаш, асосий фондлар баланси,
асосий фондлар амортизацияси, асосий фондлар эскириш даражаси, асосий фондлар
яроқлилик, ишдан чиқарилиш, янгиланиш коэффицентлари, фонд самарадорлиги ёки
қайтими, фонд сиғими, меҳнатнинг фонд билан қуролланганлик даражаси.

Ишлаб чиқариш қуввати, жиҳозлардан экстенсив фойдаланиш коэффицентини,
интеграл коэффицент, қувватдан фойдаланиш интенсив коэффицентини, ишлаб
чиқариш қуввати резерлари.

Назорат саволлари:

1. Асосий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари деганда нимани
тушунасиш?
2. Асосий фондлар структураси қандай?

3. Статистикада асосий фондларни баҳолашнинг қандай усуллари биласиз?
4. Асосий фондлар эскириши турлари ва сабаблари нимадан иборат?
5. Асосий фондлар балансини тузишда нималарга эътибор берилади?
6. Асосий фондлар ҳаракати ҳолатини ифодаловчи қандай кўрсаткичларни биласиз?
7. Асосий фондлар емирилиши ва ишга яроқлилиқ коэффициентлари қандай аниқланади?
8. Асосий фондлар янгиланиш ва ишлаб чиқаришдан чиқариб ташланган фондлар коэффициентлари нима учун ишлатилади?
9. Фонд самарадорлиги нима ва у нима учун қўлланилади?
10. Фонд сиғими нимани кўрсатади?
11. Меҳнатнинг фонд билан қуролланганлик кўрсаткичи меҳнат унумдорлиги билан қандай боғлиқ?
12. Корхона ишлаб чиқариш қувватини тавсифланг.
13. Корхона ишлаб чиқариш қувватини аниқловчи қандай омилларни биласиз.
14. Корхона ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш методикасини айтинг.
15. Ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати нима ва уни ҳисоблашда нималарга эътибор қилиниши керак.
16. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш резерви деганда нимани тушунаси.
17. Ускуналардан экстенсив фойдаланиш резерви ва коэффициенти қандай аниқланади.
18. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш интенсив резерви ва коэффициенти қандай аниқланади.
19. Интеграл коэффициенти нима учун қўлланилади.

VIII БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ АЙЛАНМА ФОНДЛАРИ ВА МАБЛАҒЛАРИ.

8.1. Айланма фондларнинг моҳияти ва таркиби.

Ишлаб чиқаришни узлуксиз давом эттириш учун айланма фондлар билан бир қаторда меҳнат предметлари ва материал манбалар зарур бўлади. Меҳнат предметлари меҳнат воситалари билан биргаликда меҳнат маҳсулоти унинг истеъмол қиймати ва қийматини яратишда иштирок этади. Айланма ва асосий фондлар меҳнат жараёни билан узвий боғланган.

Айланма фондлар ишлаб чиқаришнинг мажбурий элемент ҳисобланади ва маҳсулот таннархининг асосий қисмини ташкил этади. Улар ишлаб чиқаришнинг бир жараёнида иштирок этиб, ўз қийматини тайёр маҳсулотга босқичма-босқич ўтказиб, натурал шаклини йўқотади.

Корхонани бозор шароитида етарли миқдорда айланма маблағларга эга бўлиши, уни меёрий фаолият кўрсатишини кафолатидир. Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ўз навбатида ишлаб чиқариш самарадорлигини ортишига ҳам олиб келади. Шунинг учун тараққиётнинг барча босқичларида давлат иқтисодий сиёсатининг асосий элементи бўлиб ҳам ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришдаги айланма фондлар уч қисмдан иборат бўлади:

- ишлаб чиқариш жамғармалари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим фабрикатлар;
- келгуси давр харажатлари.

Ишлаб чиқариш жамғармалари айланма фондларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бўлар корхоналарга келтирилган, лекин ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилмаган меҳнат буюмлари-хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, ёкилги, асосий ва ёрдамчи материаллар, энергия, тара, ремонт учун эҳтиёт қисмлар, хўжалик жиҳозлари ва нархи 100 минг сумдан кам бўлган, арзон баҳо ва тез емирилувчи буюмлардан иборат.

Тугалламаган ишлаб чиқариш ва ярим фабрикатлар -бу ишлаб чиқариш жараёнига аллақачон тушган, лекин ишлов бериш тугамаган меҳнат буюмларидир. Бўларга корхона узи яратган чала тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришлар киради.

Келгуси давр харажатлари - бу айланма маблағларнинг буюмлашмаган элементлари ҳисобланади. Уларга янги маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш, хоналарни ижарага олиш, тоғ-кон саноатига таалуқли харажатлар киради. Бу харажатларнинг ҳаммаси тайёр маҳсулотнинг таннархига киритиш эвазига қопланади. Саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда айланма фондлардан, айниқса хом ашё, материаллардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга..

Ишлаб чиқаришнинг айланма маблағлари ўз ҳаракати давомида муомила фондлари билан боғлиқ. Уларга омбордаги тайёр маҳсулотлар йўлидаги товарлар, жумладан дебиторлик қарзлари киради.

Ишлаб чиқариш айланма фондлари ва муомаладаги фондларни ташкил этиш учун сарфланган барча пул маблағлари корхона айланма воситаларини ташкил этади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг муҳим вазифаларидан бири ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш тамойилига амал қилиш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш айланма фондлари тузилиши дейилганда, унинг таркибга кирувчи элементларнинг умумий миқдордаги улушига айтилади. У қуйидаги 8-жадвалда акс эттирилган.

-жадвал

Ишлаб чиқариш айланма фондлари тузилиши

Тугалланмаган ишлаб чиқариш	19%	30%	100%
Ўз ишлаб чиқариши ярим фабрикатлари	6%		
Келгуси давр харажатлари	5%		
Жорий таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар	3%	70%	
Идиш ва идиш материалаи	3%		
Арзон баҳоли ва тез эскирувчи предметлар	14%		
Ёқилғи ва электр энергия	8%		
Ёрдамчи материаллар	8%		
Ярим фабрикатлар	8%		
Хом ашё ва асосий материал	26%		

Айланма фондларнинг иқтисод қилишнинг иқтисодий аҳамияти:

- хом ашё, материаллар, ёқилғи сарфи хиссаси (улуши)ни камайтириш;
- материал манбаларини иқтисод қилиш;
- ишлаб чиқаришга чиқициз ва кам чиқитли технологиянида жорий этиш;
- материал ресурслардан тежамли фойдаланиш, ишлаб чиқариш қувватларидан ва меҳнат манбалари фойдаланишини яхшилаш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтириш;
- корхона молиявий ҳолатини яхшилаш.

Шундай қилиб, бир сўз билан айтганда айланма маблағлардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти беқиёсдир. У ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятга ижобий таъсир этади.

Саноатни ривожлантиришнинг ҳамма босқичларида моддий ресурслардан ниҳоятда тежамкорона фойдаланиш, кам харажат қилиб куплаб маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Хом ашёларни тугри танлаш ва тайёрлаш, нуксонларни олдини олиш, ускуналардан фойдаланиш даражасини

яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштириш, ихтисослаштириш ва хом ашёнинг чиқиндиларини қайта ишлаш усулларини ривожлантириш, хом ашёнинг кимматбаҳо камёб турлари урнига тежамли, янги материалларни куллаш ва чиқиндиларни камайитишга самарали таъсир этади. Моддий ресурслардан ва чиқиндилардан фойдаланишни янада яхшироқ йулга қуйиш учун корхоналарда янги техникани, илгор технологияни жорий этиш эвазига ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш лозим. Моддий ресурсларни нормалаштириш ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, унинг рентабеллигини ошириш, моддий-техника таъминотни ташкил этиш, техника ва технологияни такомиллаштиришнинг асосий воситасидир. Нормалар илмий жихатдан асосланган ва узларининг хусусиятлари бўйича илгор бўлиши лозим. Бундай нормаларни тузиш ва ишлаб чиқаришда кулланиш маҳсулот бирлигига сарфланадиган жонли ҳамда буюмлашган меҳнатни тежашга шароит яратади. Шунга биноан моддий ресурсларни сарфлаш нормасининг қисқариши катта иқтисодий самара бериши мумкин. Моддий ресурсларни сарфлаш нормалари турличадир:

А) фойдаланиш муддатига кура: перспектив, йиллик ва оператив иқтисодий нормалар.

Перспектив нормалар бир неча йилга мўлжалланган бўлиб, моддий ресурсларнинг энг асосий турлари бўйича тузилади ва ҳалқ хужалигининг перспектив ривожланиш планидаги энг йирик балансларнинг шаклланишида кулланилади. Моддий ресурсларни маҳсулот бирлигига сарфланиши **йиллик нормалар**да белгиланади. Айрим нормалар кварталга мўлжалланган, кўп корхоналарда материал ва хом ашёларнинг йиллик нормалари **оператив техник нормалар**да аниқланади. Бу нормалар йиллик нормаларга нисбатан аниқланган бўлиб корхоналарда техникавий ташкилий тадбирларни лойиҳалаштиришда қўлланилади.

Жорий нормалардан фойдаланиш муддати корхоналарда турличадир. Улар бир неча ойдан сунг техника, технология ва ишлаб чиқаришни такомиллаштирилиши натижасида материалларнинг сарфланиш даражаси узгарганда аниқланиши лозим.

Б) Қўлланиш микёси бўйича: шахсий ҳамда расмийлашган нормалар тузилади.

Корхона асосий капиталининг ёки маблағларнинг шаклланиш манбаси бўлиб кўп муддатли молиявий қуйилмалар ҳисобланади. Айланма капитал эса фирма томонидан ёки бирор бир қайта ишлаб чиқариш жараёнида қисқа муддат давомида фойдаланиш учун бирор объектда киритилган молиявий ресурслардир.

Бухгалтерия ҳисобида айланма капитал таркибига хизмат муддати бир йилдан ошмаган предметлар асбоблар, айланма маблағлар, пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қуйилмалар (облигациялар ва бошқа кимматбаҳо қоғозлар, заёмлар) ва бошқалар киради.

8.2.Айланма маблағларнинг шаклланиш манбалари.

Айланма жамғармалар ишлаб чиқариш воситаларнинг бир қисми бўлиб ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас бўлагидир.

Айланма маблағларнинг таркибий тузилишини схематик тарзда қуйидагича кўрсатиш мумкин:

-жадвал

	Айланма маблағлар	
Айланма фондлар	1. Хом ашё, асосий материаллар, сотиб олинган ярим фабрикатлар.	Меъёрлаштирилган айланма маблағлар
	2. Ёрдамчи материаллар	
	3. Ёкилги	
	4. Ускуналар ремонти учун эҳтиёт қисмлар	
	5. Арзон ва тез эскирувчи инструментлар	
	6. Тугалланмаган ишлаб чиқариш	
	7. Корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим фабрикатлар	
	8. Келгуси давр ҳар ажатлари	
Муомала фондлар	9. Корхона омборидаги тайёр маҳсулот	Меъёрлаштирилмайдиган айланма маблағлар
	10. Юкланган ва тугалланмаган маҳсулот	
	11. Дебитор қарзлари	
	12. Банкдаги ва касадаги пул маблағлари	

Айланма маблағлар эса бозор муносабатлари ҳаракат доирасининг тоифасидир. Айланма жамғармалар ва айланма маблағларнинг бажарадиган вазифалари ҳар хил. Айланма жамғармалар маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланади, ишлаб чиқаришда истеъмол килинади. Айланма маблағлар эса ишлаб чиқаришда ҳам, муомалада ҳам истеъмол килинмасдан, фақат авансланади (берилади). Улар хом ашё, материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва хоказо айланма маблағларнинг бошқа элементларини яратишади, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини пул билан узлуксиз таъминлашга мулжалланган. Шундай қилиб, айланма маблағларнинг вазифаси моддий бойликлар доиравий ҳаракатига (айланишига) тўлов ҳисоб -китоб хизмати кўрсатишдан иборат. Корхонада таъминот, сотиш, ишлаб чиқариш, банк ҳисоблари бузилмаган нормал иш шароитида айланма мабларлар ҳажми айланма жамғармаларга (муомала жамғармалари билан бирга) тенг бўлади. Уларнинг

ҳаракат тезлиги бир-бировига мос келади (синхрон). Лекин захиралар купайиши тугайли ҳаракат секинлашса, бу мувозанат бузилади. Кераксиз захираларнинг ҳосил бўлиши айланма жамғармалар ҳаракатини секинлаштиради, айланма маблағларнинг туриб қолишига олиб келади. Бундай ҳолда корхонада айланма жамғармалар куп булса ҳам, айланма маблағ етишмаслиги мумкин.

Айланма маблағлар доимий ҳаракатда бўлади. Улар шаклини ўзгартириб, уч боскичли айланма ҳаракат қилади. Айланма ҳаракатнинг биринчи боскичида корхона пул маблағларини ишлаб чиқариш захираларини яратадиган хом ашё, материаллар, ёкилги, энергия, сотиб олинadиган ярим фабрикатлар харид қилишга сарфлайди. Бу боскичда айланма маблағлар пул қурунишидан товар қурунишига, пул маблағлари эса муомала соҳасидан ишлаб чиқариш соҳасига ўтади. Иккинчи боскичда эса олинган ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш жараёнига киритилади ва аввал тугалланмаган ишлаб чиқариш, ярим фабрикатлар захираларига айланади. Сўнгра эса ишлаб чиқариш жараёни тугаган тайёр маҳсулот ҳосил бўлади. Учинчи боскичда тайёр маҳсулот сотилади, айланма маблағлар ишлаб чиқаришдан муомала соҳасига ўтади ва яна пул шаклида бўлади. Айланма маблағлар маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ишлаб чиқариш жараёнини ўзлуксиз таъминлайди. Улар кетма-кет ишлаб чиқариш ва муомала босқичларини ўтаб, ўз шаклини ўзгартириб боради: пул шакли ишлаб чиқариш шаклига, ишлаб чиқариш шакли товар шаклига ва товар шакли пул шаклига айланади. Бу ҳолат айланма маблағларнинг доиравий айланиши деб аталади. Айланма маблағларнинг айланма ҳаракат даври (айланиши) вақтда (кун, ой) ифодаланади, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришга киритилганидан бошлаб, маҳсулотни сотиб яна пул шаклига келгунича бўлган даврдан иборат.

Айланма маблағларнинг бир айланишига кетган умумий вақт маблағларнинг турли босқичларида бўлган вақтлар йигиндисидан иборат. Айланма маблағларнинг ишлаб чиқариш соҳасида бўлган вақти ишлаб чиқариш даври, муомалада бўлган вақти эса муомала даври деб аталади. Қурсатилган ҳар бир даврда корхона айланма маблағлари бир вақтда ҳарajatнинг учала боскичида ҳам бўлади. Акс ҳолда айланма маблағларнинг айланиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ўзлуксиз булмас эди.

Айланма маблағларнинг айланиш жараёни корхона молия хужалик фаолиятини ташкил қилишда муҳим омил булса, айланиш даври эса хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Айланма маблағларни бошқариш корхонанинг реал эҳтиёжини ифодаладиган айланма маблағларнинг минимал миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг ўзлуксизлигини таъминлаши керак. Айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини ривожлантириш ва улардан фойдаланишни корхоналарнинг молия булимлари амалга оширилади.

Саноат корхоналарининг айланма маблағлари турли хил моддий бойликлар ва пул жамғармаларидан иборат. Режалаштириш, кайд ва таҳлил қилиш учун уларни умумий белгиларга эга бўлган алоҳида гуруҳларга бирлаштирилади. Турли

гурухлардаги айланма маблағлар алоҳида элементлари нисбатининг фоизларда ифодаланиши уларнинг таркибини ҳарактерлайди

Республикамиз корхоналарида айланма маблағларнинг айланма ҳаракат ҳарактери ва иқтисодий мазмунига кура гурухланиши, %

-жадвал

Айланма маблағларнинг элементлари	2000 й	2004 й
Товар моддий бойликлар юкланган товарлар	81,1	82,1
Кўрсатилган хизматлар	8,0	8,5
Пул маблағлари	6,2	5,8
Дебитор /карз/ лар	3,6	2,7
Бошқалар	1,1	0,9

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, айланма маблағларнинг асосий қисми моддий товар бойликларига қуйилган. Бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида пул ва сотиш босқичларининг улушини камайитириш зарурияти юзасидан маблағларнинг айланма ҳаракатини ташкил қилиш талабларига жавоб беради. Чунки айнан ишлаб чиқариш босқичида янги қиймат яратилади. Муомала ва тақсимот соҳасида эса яратилган қиймат истеъмолчига етказилади ҳолос.

Барча корхоналарнинг ҳам айланма маблағлари хусусий маблағлардан, хусусий маблағларга тенглаштирилган маблағ лардан ва жалб килинган маблағлардан иборат бўлади.

Хусусий маблағлар корхонага таъсисчи томонидан ажратилади ва бутун фаолияти давомида унга бириктирилади. Бу маблағлар микдори корхонанинг устав /низом/ жамғармасида ифодаланади.

Хўжалик фаолияти жараёнида корхонада аниқ мақсадга қаратилган фаолиятда катнашадиган бир қанча маблағларнинг доимий манбалари ҳосил бўлади. Уларга: иш ҳақи ва ижтимоий сугурта ажратмалари бўйича ҳосил бўладиган кучма қарзлар (иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш муддатларининг вақт фарқи бўйича ҳосил бўлади); моддий ресурсларни етказиб берувчиларга бериладиган тўловлар, маҳсулотларнинг қисман тайёрлиги учун авансланадиган ва туланадиган қарзлар ва хоказо. Бу маблағларнинг минимал қолдиғи барқарор /устойчивый/ пассивлар деб аталади. Улар хусусий маблағларга тенглаштирилади ва устав жамғармаси билан бирга фойдаланилади. Корхоналарга хусусий айланма маблағлар ва уларга тенглаштирилган маблағлар микдори норматив бўйича белгиланади. Шунга кура, бу маблағлар ҳисобига меъёрлаштириладиган захиралар ҳосил қилинади.

Корхона даромади, муҳим пассивлар, бошқа корхоналарнинг ортиқча маблағлари маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришда айланма маблағларни тулдириш манбалари ҳисобланади. Жалб килинган маблағларга корхона вақтинчалик фойдаланаётган кейинчалик эгасига қайтариладиган ёки мулжалланадиган мақсад бўйича фойдаланиладиган маблағлар киради. Жалб килинган маблағларнинг асосий қисмини заём маблағлари деб аталувчи банк кредитлари ташкил килади. Банк кредити аниқ мақсадга ва муддатга берилади ва бу муддат тугагач фойдаланганлик фоизи билан қайтарилади.

Жалб килинган маблағларга кредитор қарзлари ва бошқа манбалар ҳам киради. Кредитор – қарзлари - корхоналар айланма маблағлари шаклланиши манбаларидан бири бўлиб, уларнинг меъёрлаштирилмайдиган шаклидир. Дебитор қарзлари натижасида кредитор қарзлари пайдо бўлади, яъни истеъмолчилар корхона билан уз вақтида ҳисоб -китоб қилишмаган бир шароитда, корхона ҳам уз вақтида узининг қарзлари бўйича ҳисоблаша олмайди.

Корхона айланма маблағлари шаклланишининг бошқа манбаларига икки ёқлама роль бажарувчи махсус жамғармалар ва резервлар, амортизация жамғармаси ва бошқалар киради.

Корхонанинг ўз айланма маблағларини ташкил қилишнинг манбалари қуйидагилардан иборат:- дастлаб корхонанинг ташкил бўлиш вақтида бюджет маблағлари бўлиб, улар ўз аксини корхонанинг устав фондида топади, корхонанинг олган фойдаси ҳисобига - яъни ўз маблағлари;

- банк кредити ёки ссудаси ҳисобига, ёки “барқарор пассивлар” ҳисобига – корхонанинг тенглаштирилган маблағлари.

Корхона ўз айланма маблағларига “барқарор пассивлар” туркумига киритиладиган қисми ҳам шартли равишда тенглаштирилади. Корхонанинг оборотида бўлган ва бир ҳисобот давридан иккинчисига утиб турадиган қисқа муддатли қарзларнинг баъзи моддалари “барқарор пассивлар” деб аталади. Уларга қуйидагилар киради: ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи бўйича доимо ўтиб турадиган қарзлар келгуси давр харажатлари ва тўловларни коплаш резервлари.

8.3.Айланма маблағлар ҳаракати ва улардан самарали фойдаланиш.

Фирма айланма капиталининг ҳаракатини маълум давр учун аниқлаш мумкин, масалан: бир ой давомида айланма капитал қийматини аниқламоқчи бўлсақ, ой бошидаги айланма капитал (O_6) ой охиридаги қийматига (O_o) қушилади ва иккига бўлинади,

$$\text{яъни: } O_k = (O_6 + O_o) / 2.$$


Агар маълум давр ичида айланма капитал ўртача қолдиғи аниқланиши мумкин бўлса оддий ўртача хронологик усул ёрдамида аниқланади:

$$O = \frac{O_0/2 + O_1 + O_2 + O_3 + O_0/2}{n-1} ;$$

бу ерда, O_1, O_2, O_3 – йил, квартал бошидан кейинги айланма капитал;
 n – йил, кварталда ойлар сони.

Айланма капитал қолдиғи ўзгариши ишлаб чиқариш жараёни бошида мавжуд бўлган захираларнинг истеъмол қилиниши ва маҳсулот сотилиши натижасида молиявий ресурсларга айланиши таъсирида содир бўлади.

Буни схема тарзидида қуйидагича изохлаш мумкин:



Бу ерда, МЗ – материал захиралар;

МП – ишлаб чиқаришда материални истеъмол қилиш;

ИЧЖ – ишлаб чиқариш жараёни;

СТ – сотишдан тушум.

Айланма капитал, айланма маблағларни ўрганишда статистика қуйидаги кўрсаткичларни аниқлайди ва таҳлил қилади:

Айланма маблағларнинг айланиш тезлиги коэффиценти – бу кўрсаткич бу маблағларнинг ўрганилаётган даврда неча марта айланганлигини кўрсатади ва қуйидагича аниқланади:

$$Кайл. = \frac{\text{Сотишдан тушган тушум (СТ)}}{\text{Айланма маблағлар уртача қолдиғи (Ў)}}$$

Айланма капитал айланишини кунларда ифодалаш учун қуйидаги формула қўлланилади: $Д = Т / Кайл.$

Бу ерда, $Т$ – давр давомийлиги, таҳлил қилиш вақти (30 кун, 90 кун, 360 кун)

Ёки,

$$Д = \frac{\text{айланма капитал уртача қолдиғи (Ў)} \cdot \text{хисобот давридаги кунлар сони (Т)}}{\text{Сотишдан тушум (СТ)}} \quad \text{яъни} \quad D = \frac{Q \cdot T}{CT}$$

Шунингдек, ўртача суткалик капитал айланишини ҳам топиш мумкин: ўртача кунлик сотиш ҳажми / вақт.

Айланма маблағлар (капитал) банд бўлиш коэффиценти ҳам аниқланади:

$$Кб.к. = \frac{\text{Айланма маблағлар йиллик уртача қолдиғи (Ў)}}{\text{Сотишдан тушум (СТ)}}$$

Бу коэффицент айланиш коэффицентиға тескаридир, яъни

$$Кб.к. = 1/Кайл.$$

Бу коэффициент бир сўм сотишдан тушумга тўғри келадиган айланма капитал ўртача қолдиғини кўрсатади.

Фирма айланма капиталига эҳтиёжини аниқлаш молиявий режалаштиришнинг муҳим қисми ҳисобланади. Эҳтиёжлар билан боғлиқ масалалар корхонада моддий ресурслар ва пул ресурсларининг таксимланишини ифодалайди. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнида ҳар бир ресурсга эҳтиёжни аниқлаш учун маҳсулот калькуляцияси орқали ҳом ашё ва материаллар нормаси ва уларнинг кундалик эҳтиёжлари ҳисобланиб чиқилади. Ҳар бир ресурс учун суткалик, ойлик захиралар аниқланади. Жорий захиралар ишлаб чиқариш жараёнининг нормал ўтиши учун етарли бўлиши керак.

Корхона маблағларининг айланиш кўрсаткичлари:

1. Корхона барча активларининг айланиши:

$AA = \text{Сотишдан тушган тушум} / \text{активларнинг ўртача йиллик қиймати.}$

Бу кўрсаткич корхона активига қўйилган ҳар бир сўм неча сўмлик маҳсулот сотишга имкон беришини кўрсатади.

2. Дебиторлик карзи айланиш даражаси: $DA = 365 : \text{Сотишдан тушган тушум} / \text{Дк бу ерда, Дк - харидорларнинг дебиторлик карзи.}$

Бу кўрсаткич харидорларнинг дебиторлик карзларини тўлаш учун неча кун кераклигини ифодалайди.

Кредиторлик карзи айланиш даражаси:

$DK = 365 : \text{Сотилган маҳсулот таннархи} / \text{КК}$

Бу ерда, КК-корхонанинг жунатувчиларга карзи.

Бу кўрсаткич корхонанинг карзини жунатувчиларга тўлаш учун неча кун кераклигини ифодалайди.

Ишлаб чиқаришнинг материал запаслари айланиши:

$MZ = 365 : \text{Сотилган маҳсулот таннархи} / \text{Материал запаслар қиймати}$

Бу кўрсаткич материал запасларини ишлатиб юбориш учун неча кун керак бўлишини ифодалайди.

Юқоридаги кўрсаткичлар менеджерлар учун ҳам, инвесторлар учун ҳам муҳим ҳисобланади. Бўларнинг ичида энг муҳими 1-активларнинг 1-марта айланиш кўрсаткичи бўлиб, бошқалари унга боғлиқ болади. Масалан корхонада:

Корхона барча активларининг айланиши:

$AA = \text{Сотишдан тушган тушум} / \text{Активларнинг ўртача йиллик қиймати} = 100000 / 120000 = 0,824$ ёки 82,4. Демак, корхонанинг активига қўйилган ҳар бир сўм 82,4тийин маҳсулот сотиш имкониятини беради.

2. Дебиторлик карзининг айланиш даражаси: $DA = 365 : \text{Сотишдан тушган тушум} / \text{Харидорларнинг дебиторлик карзи} = 365 : 100000 / 350000 = 365 : 0,274 = 365 : 1/4 = 91$ кун. Демак, харидорларнинг дебиторлик карзини тўлаш учун 91 кун керак экан.

3. Кредиторлик қарзи айланиш даражаси: $ДК=365:Сотилган\ маҳсулот\ таннархи/Корхонанинг\ жўнатувчиларга\ қарзи = 365 : 55000 / 150000 = 365 : 0,333 = 365:1/3=122$ кун.

Демак, корхонанинг қарзини жўнатувчиларга тўлаш учун 122 кун керак экан.

4. Ишлаб чиқаришдаги материал запасларининг айланиши: $МЗ=365:Сотилган\ маҳсулот\ таннархи/ Материал\ запаслари\ қиймати= =365:55000/55000=365:1=365$ кун. Демак, корхонада 365 кунлик ёки 1 йиллик материал запаслари мавжуд экан.

Таянч иборалар:

Айланма капитал, айланма капитал таркиби, айланма капиталнинг йил бошидаги ва ўртача қиймати, айланма маблағларнинг айланиш тезлиги коэффиценти, айланма маблағлар банд бўлиш коэффиценти, дебиторлик ва кредиторлик қарзи айланиш даражаси, ишлаб чиқариш материал захираларининг айланиши.

Назорат саволлари:

1. Айланма капитални тавсифланг.
2. Айланма капитал таркибини айтинг.
3. Айланма капитал мавжудлиги ва айланишини қайси кўрсаткичлар билан ифодалаш мумкин?
4. Ўртача суткали айланма капитал қандай аниқланади?
5. Дебиторлик ва кредиторлик қарзининг айланиш даражалари нимани кўрсатади?
6. Ишлаб чиқаришдаги материал захираларининг айланиши нима учун аниқланади?

IX БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

9.1. Ишлаб чиқариш жараёни тушунчаси.

Ишлаб чиқариш жараёни - бу хом-ашёнинг тайёр маҳсулотга айлангунча бўлган барча жараёнлар тушунилади. Корхонанинг мураккаб негизи бўлиб ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланадики, бунда хом-ашё тайёр маҳсулотга айланади. Демак, ишлаб чиқариш жараёни хом ашёни тайёр маҳсулотга айланишига бевосита алоқадор бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш жараёни инсоннинг меҳнат предметиға меҳнат воситалари таъсири орқали амалға оширилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ёки ишлаб чиқариш жараёни меҳнат предметлари, меҳнат воситалари ва жонли меҳнатнинг ўзаро таъсирининг натижаси бўлиб ҳисобланади. Бу элементларнинг бирлашуви ишлаб чиқаришни ташкил этишни таъминлайди. Ишлаб чиқариш жараёни маҳсулот ишлаб чиқаришда вазифаси бир хил бўлмаган турли жараёнлардан ташкил топади. Ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат предметларини сифатий ўзгаришларига олиб келадиган жараёнлар асосий жараёнлар дейилади (сифатий ўзгаришлар меҳнат предметларининг ички хусусиятлари, ташқи кўриниши, шакли, ҳажми ва бошқалар). Ёрдамчи жараёнлар эса асосий жараёнларни амалға оширишда керакли шарт шароитлар яратади. Бўларға қуйидагилар мисол бўла олади: турли хилдаги энергия ишлаб чиқариш, хом ашё, материаллар тайёр маҳсулотнинг фазодаги ўрнини алмаштириш, жиҳозлар ремонтини ташкил қилиш ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш жараёнлари таркибий бўлимларға, яъни операцияларға бўлинади. Ишлаб чиқариш операцияси деб бир ёки бир нечта ишчилар томонидан бир иш жойида бир хил меҳнат предметлари устида ва бир хил меҳнат куроллари билан бажарилган ишлаб чиқариш жараёнининг қисмиға тушунилади. Иш кучи, меҳнат воситаси ва меҳнат предметининг ўзаро бирлашуви бир операцияни бажаришни билдиради. Бу элементлардан бирининг ўзгариши эса бошқа операциянинг бошланишидан дарак беради. Меҳнат предметининг бир сифатий ҳолатдан иккинчи сифатий латға ўтишида катнашадиган бир ёки бир нечта операцияларнинг бирлашмаси ишлаб чиқариш босқичи деб айтилади. Ишлаб чиқариш жараёни турли хилдаги операциялардан тузилган бўлиб, бу операциялар 2 та белги орқали классификацияланиши мумкин:

1. Ишлаб чиқариш жараёнида операциялар вазифаси бўйича операцияларға бўлинади
2. Ишлаб чиқариш жараёнида операциялар бажарилиши бўйича операцияларға бўлинади

Операцияларнинг бажарилишиға кўра 3 га бўлинади:

1. Машинада бажариладиган операциялар;
2. Машина - қўлда бажариладиган операциялар;
3. Фақат қўлда бажариладиган операциялар.

Ишлаб чиқариш жараёнида операциялар вазифаси бўйича асосий ва ёрдамчи операцияларга бўлинади. Асосий операцияларга технологик операциялар деб айтилади. Ёрдамчи операциялар ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади:

1. Кўчувчи (ташувчи) операциялар ёки транспорт операциялари. Бу операциялар меҳнат предметларининг ўрнини фазода ўзгартиради.

2. Назорат операциялари (температурани ўлчаш ёки назорат қилиш, намликни ўлчаш, тарозида ўлчаш)

3. Хизмат кўрсатиш операциялари. Бу операциялар жараённинг бориши учун нормал шароитлар яратиб беради (иш жойини йиғиштириш, тозалаш, машина ва жиҳозларни тозалаш, ёғлаш, текшириш ва бошқалар)

Ишлаб чиқаришни рационал ташкил қилиш ишлаб чиқариш жараёнида ёрдамчи операцияларнинг умумий сонидagi солиштирма оғирлиги камайтиришни талаб қиладики, бу маҳсулот ишлаб чиқариш меҳнат сиғимини ва ишлаб чиқариш жараёни давомийлигини қисқартиради.

Ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қилиш учун ҳар бир гуруҳ операцияларининг умумий миқдоридаги нисбий вазни ҳисобланади. Бизга маълумки, ишлаб чиқариш жараёнида асосий ишни технологик операциялар бажаради. Шунинг учун уларнинг асосий сони қанчалик кўп бўлса, ишлаб чиқариш жараёни шунча такомиллашган ҳисобланади. Ҳар хил операцияларнинг уларнинг умумий миқдоридаги ўзаро нисбати ишлаб чиқариш жараёнининг структураси дейилади. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш шу жараённинг механизациялаштириш даражасини ҳисоблашга асос бўлади. Механизациялаштириш даражаси қуйидаги формула орқали топилади:

$$U_{\text{мех}} = \frac{K_{\text{м}} + K_{\text{м.к.}}}{K_{\text{ум}}} \cdot 100$$

бу ерда:

$K_{\text{м}}$ - машинада бажариладиган операциялар миқдори;

$K_{\text{м.к}}$ - машина-қўлда бажариладиган операциялар миқдори;

$K_{\text{ум}}$ - умумий операциялар миқдори

9.2. Ишлаб чиқариш жараёнини рационал ташкил қилиш принциплари.

Таҳлил натижалари асосида ишлаб чиқариш жараёнининг структурасини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқариш жараёни уни рационал таҳлил қилиш принциплари асосида доимий такомиллаштирилиб борилади. Асосий принциплардан бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Жараёнларнинг пропорционаллиги.
2. Жараёнларнинг узлуксизлиги.

3. Жараёнларнинг параллеллиги.
4. Жараёнларнинг ритмлилиги.
5. Жараёнларнинг аниқлилиги.

Корхона барча бўлинма ва цехларида маълум вақт ичида маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича алоҳида иш жойлари, участкаларнинг, жиҳозларнинг унумдорликларининг бир-бирига тўғри келишига аҳамият берилишида ишлаб чиқариш жараёнининг пропорционаллиги кузатилади.

1. Ишлаб чиқаришнинг пропорционаллик даражаси маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳар бир иш жойининг ишлаб чиқариш топшириғи ва ўтказиш қобилияти катталиги орасидаги фарқлар орқали аниқланиши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг пропорционаллигига эришишда шу ишлаб чиқаришда тор жойларнинг яъни бир иш жойининг ортиқ юкланиши бўлмаслиги керак.

2. Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги меҳнат предметларининг ҳаракатида жиҳозлар ва ишчиларнинг ишида танаффуслар бўлмаслигини тақозо қилади.

Агар иш жойида поток чизиғининг ритми операциялар давомийлигидан катта бўлса, бу ерда жиҳозлар тўхтови содир бўлади. Агар операциялар давомийлиги поток чизиғи ритмидан катта бўлса, бу иш жойида ишлов бериш учун меҳнат предметларининг тўпланиши содир бўлади.

3. Ишлаб чиқаришда жараёнларнинг параллеллиги маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича алоҳида операцияларнинг бир вақтда бажарилиши орқали ифодаланилади.

4. Ишлаб чиқариш жараёнларининг ритмлилиги деганда ҳар бир иш жойида, бир хил вақт оралиғида, бир хил ҳажмда иш бажариш тушунилади. Бу ерда маҳсулотнинг бир меъёردа ишлаб чиқарилиши кузатилади.

5. Ишлаб чиқаришда жараёнларнинг аниқлилиги принципи меҳнат предметларининг барча операциялар бўйича қисқа йўлни ўтишини таъминлаш учун ишлатилади.

Шу принципларга амал қилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг самарадорлигини оширади.

9.3. Ишлаб чиқариш даври, унинг давомийлигини ҳисоблаш ва қисқартириш йўллари.

Хом ашё ва материаллар тайёр маҳсулот ҳолатига ўтиш жараёнида бир иш жойидан иккинчи иш жойига кўчирилганда бир қанча босқичлардан ўтиб, уларга ишлов берилади.

Ишлаб чиқариш даври деб, хом-ашёнинг ишлаб чиқаришга узатилиши ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг календарь вақтида ифодаланган жараёнлар тўпламига айтилади.

Ишлаб чиқариш даври давомийлиги иш вақти бирлиги (соат, минут, кун)да ифодаланиб, у меҳнат предметларига ишлов бериш вақти, табиий жараёнлар

махсулот сифатини назорат қилиш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчириш жараёнини ташкил қилиш методлари ҳамда корхонада қабул қилинган иш режими асосида ишлаб чиқариш жараёнидаги танаффусларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш даври давомийлиги қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$T_{ц} = t_o + t_{ест} + t_{п.о.} + t_{к.о.} + t_{о.о.} + t_{м.о.} + t_{м.с.} - t_{арал.}$$

t_o - бир давр таркибида ҳамма технологик операциялар давомийлиги ;

$t_{ест}$ - барча табиий жараёнлар давомийлиги;

$t_{п.о.}$ - ишлаб чиқариш жараёнида ҳамма кўчувчи операцияларнинг давомийлиги;

$t_{к.о.}$ - барча назорат операциялари давомийлиги;

$t_{о.о.}$ - бир давр таркибида ҳамма хизмат кўрсатувчи операциялар давомийлиги;

$t_{м.с.}$ - сменалараро меҳнат предметларининг ишловсиз, тўхтаб қолиш давомийлиги;

$t_{м.о.}$ - операциялараро меҳнат предметларининг тўпланиб қолиш давомийлиги;

$t_{арал.}$ - ишлаб чиқариш даврининг барча аралаш қисмларининг давомийлиги.

Асосий технологик операциялар табиий жараёнлар кўчувчи, хизмат кўрсатувчи ва назорат операциялари давомийлиги иш даврини ташкил қилади.

Иш даври ишлаб чиқариш даврининг негизини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш даврини ташкил қилиш даражаси иш даври коэффициентлари орқали аниқланади:

$$K_{р.п.} = P_{п} / T_{д}$$

$P_{п}$ - иш даври;

$T_{д}$ - ишлаб чиқариш даври.

Бу кўрсаткичнинг ошиши танаффус вақтларининг камайишидан ва ишлаб чиқариш даври структурасининг яхшиланишидан далолат беради. Ишлаб чиқариш даври ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражасининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнини ва ишлаб чиқариш даврини камайитириш вақт харажатларини камайитиришга олиб келади. Ишлаб чиқариш даврини қисқартириш йўллари қуйидагилардан иборат.

1. Меҳнат жараёнини ташкил қилиш ва ишлаб чиқаришнинг прогрессив технологиясини тадбиқ қилиш натижасида технологик ва табиий операцияларнинг давомийлигини қисқартириш;

2. Механизация ва автоматизация натижасида ёрдамчи жараёнлар вақтини қисқартириш;

3. Жиҳозлар авариялари, меҳнат предметларининг бошқа технологик операцияларга узатиши учун тўпланиши натижасида келиб чиқадиган танаффуслар вақтини қисқартириш;

4. Аниқ ишлаб чиқариш шароитига жавоб берадиган меҳнат предметлари ҳаракат турини қўллаш;

5. Хизмат қилиш операциялари бажарилишини технологик ва кўчувчи операциялар билан аралаштириш.

Таянч иборалар:

Ишлаб чиқариш жараёни, асосий ва ёрдамчи жараёнлар, ишлаб чиқариш операцияси, ишлаб чиқариш босқичи, ишлаб чиқариш жараёни структураси, ишлаб чиқариш жараёни механизациялаштириш даражаси, ишлаб чиқариш даври, иш даври.

Назорат саволлари:

1. Ишлаб чиқариш жараёнига тушунча беринг.
2. Асосий ва ёрдамчи жараёнлар ўзаро қандай фарқ қилинади?
3. Ишлаб чиқариш операцияси нима ва унинг қандай турларини биласиз?
4. Ишлаб чиқариш босқичи ишлаб чиқариш жараёнидан фарқланадими?
5. Ишлаб чиқариш жараёни структураси орқали механизация даражаси қандай аниқланади?
6. Ишлаб чиқариш жараёнини рационал ташкил қилиш принциплари нимадан иборат?
7. Ишлаб чиқаришда жараёнларнинг пропорционаллигини тавсифланг.
8. Ишлаб чиқаришда жараёнларнинг узлуксизлигини таърифланг.
9. Жараёнларнинг ритмийлиги принципи нима учун қўлланилади?
10. Жараёнларнинг аниқлилик принципи қайси жараёнларга хос?
11. Ишлаб чиқариш даврига тавсиф беринг.
12. Ишлаб чиқариш даври давомийлигини қисқартириш йўллари айтинг.
13. Иш даври нима?
14. Иш даври коэффициенти нимани билдиради?

Х БОБ. АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

10.1. Асосий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш вазифалари ва услублари.

Асосий ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг вазифаси - умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг ҳамма элементларини самарали боғлаш ва улардан самарали фойдаланишдан иборат. Бунинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ошади ва меҳнат унумдорлиги ўсади. Таннарх камаяди, меҳнат шароити яхшиланади. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш бошлангич хом- ашёни ишлаб чиқариш ва иш жойлари бўйича тўхтовсиз ҳаракатни таъминлаши керак, ҳар бир иш жойида уларга ишлов берилиб тайёр маҳсулотга айлантиришни тақозо қилади. Ишлаб чиқаришдаги узилишлар эса технологиянинг маҳсулот сифатини пасайишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ишлаб чиқаришда узлуксизликни таъминлаш керак, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёни таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқлик ва уларнинг кетма-кетлигини таъминлашдан келиб чиқади. Шундай қилиб, асосий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш вазифаси фақат маҳсулот ҳажмини оширишдан эмас, тайёр маҳсулот сифатини яхшилашдан ҳам иборат. Бундай хусусиятлар асосий ишлаб чиқаришни шакл ва услубларини қўллашда маълум талаблар намоён этади. Бу талабларга жавоб бериш учун жиҳозлардан тўғри фойдаланиш ва уларни вақт бўйича унумдорлигини боғлаш лозим. Озиқ-овқат саноати корхоналари серияли ишлаб чиқариш типига тааллуқлидир. Бундай ишлаб чиқаришда асосий ишлаб чиқаришни ташкил қилишда технологик жараён поток услубида амалга оширилади. Поток услубидан ташқари потоксиз ва партияли ишлаб чиқаришни ташкил қилиш услублари ҳам мавжуд. М.с.: Нон ишлаб чиқаришда партияли услуб фақат бошлангич босқичларда (тузлар, шакар эритмасини тайёрлаш) қўлланилади.

10.2. Поток чизиғи ва унинг элементлари.

Ишлаб чиқаришда кўпинча поток услуби қўлланилади. Поток услуби бир қанча белгилар билан характерланади. Улардан асосийлари:

1. Ишлаб чиқариш жараёнини операцияларга бўлиш.
2. Ҳар бир операцияни алоҳида иш жойига, машинага бириктириш.
3. Ҳамма операцияларнинг иш жойларида бир вақтда ва параллел бажариш.
4. Бир операциядан бошқасига меҳнат предметларини тез кечикмай узатиш.
5. Технологик жиҳозларни ишлаб чиқариш технологияси ҳаракати бўйича жойлаштириш, яъни тескари ҳаракат йўқ.

Ана шу белгиларнинг ишлаб чиқаришда намоён этилиши поток мавжудлигидан далолат беради. Ишлаб чиқариш потокининг асосий буғини поток чизиғи ҳисобланади. Поток чизиғи операцияларнинг кетма-кет бажарилиши тартибида занжирсимон жойлашган бир қанча ўзаро боғлиқ иш жойлари ва машиналардир. Поток чизиғида бош машина ёки иш жойи ажратилади. Бош машина деганда унумдорлиги бутун поток чизиғи ишлаб чиқаришини белгилаб берадиган ва энг кўп майдонни эгаллайдиган, энг

кўп қийматга эга бўлган, ҳамда жараённинг энг оғир асосий операциясини бажарадиган машина тушунилади. Бош машина тушунчасида поток услубининг ҳисобланишнинг алоҳида методи мавжуд. Унда бош машина кўрсаткичлари асосида поток чизиғининг ҳамма параметрлари аниқланади. Оддий, мураккаб, бош ва ёрдамчи поток чизиқлари мавжуд. Оддий чизиқларда бир операцияда бир иш жой ёки машина банд. Мураккаб чизиқларда бир операция бир қанча машиналарда ёки иш жойларида бажарилади. Потокнинг бош чизиғи бу хом-ашёни тайёр маҳсулотга айлантирувчи якунловчи иш жойи. Ёрдамчи чизиқларга жараённинг бошланғич якунловчи ишлаб чиқариш босқичлари кириши мумкин. Поток чизиқларида иш жойлари транспорт воситалар билан боғланади. Улар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Узлуксиз транспорт воситалар (конвейерлар, лентали, скребкали транспортерлар, шнеклар, нориялар).
2. Даврий ҳаракат транспорт воситалари (автопогрузчиклар, электр ва қўл аравачалари).
3. Ҳаракатга келмайдиган транспортлар (узиоқар трубалар).
4. Пневмотранспорт.

Поток чизиқларининг элементлари бўлиб ишлаб чиқариш топшириғи ва ишлаб чиқариш ритми ҳисобланади.

1. Ишлаб чиқариш топшириғи. Ишлаб чиқариш топшириғи деганда вақт бирлиги ичида потокнинг қуйи бўғинларида (ёрдамчи чизиқда) ишнинг тўхтовсиз олиб борилишини ёки юқори бўғинга берилган ишлаб чиқариш ҳажмини (бош чизиқ ёки бош машина) бажарилишини таъминлаш учун ишлов берилиши керак бўлган меҳнат предметлари миқдори тушунилади. Ёрдамчи чизиқлар учун ва поток операциялари учун ишлаб чиқариш топшириғи қуйидаги формула орқали топилади:

$$Z = g \cdot a$$

Z - ёрдамчи чизиқ ёки операциянинг (Z) вақт бирлиги ичида ишлаб чиқариш топшириғи;

q - мумкин бўлган ёки белгиланган бош чизиқнинг ишлаб чиқариши;

a - бош ва ёрдамчи чизиқлар ёки потокнинг бош машинаси ва бошқа иш жойларида ишлаб чиқариш ўртасидаги фарқни ифодаловчи коэффицент.

Ишлаб чиқариш топшириқлари ритми. Поток ритми ёки поток чизиғи ритми операция ва машиналари, иш жойлари ритми мавжуд. Поток ритми деганда алоҳида маҳсулот ёки маҳсулот партиялари ишлаб чиқариш ўртасидаги оралиқ вақт тушунилади.

Поток ритми режали даврдаги иш вақти фондининг товар ишлаб чиқариш дастурларига (N) бўлган нисбат билан аниқланади ёки потокнинг бош чизиқлари унумдорлигига бўлиш билан аниқланади.

$$r = \frac{T}{N} \quad \text{ёки} \quad r = \frac{T}{g_{б.ч}}$$

Узлуксиз ишлаб чиқаришда T календар иш вақтига тенг (соат, смена, сутка).

Узлукли ишлаб чиқаришда регламентли танаффуслар ҳисобга олиниши керак. Потокнинг ёрдамчи чизиқлари ритми қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$r = \frac{T}{Z_{e.ч.}}$$

Операция ритми бу алоҳида маҳсулотларни иш жойларида ва машиналарда ишлов бериш ўртасидаги оралиқ вақт.

10.3. Поток чизиқлари классификацияси.

Поток чизиқлари бир неча белгилари билан классификацияланади:

1. Механизациялаштириш даражасига қараб механизациялаштирилган, автоматлаштирилган ва қўл меҳнати қўп чизиқларга бўлинади
2. Ишлаб чиқариш поток чизиқлари сонига қараб: бир чизиқли ва қўп чизиқли потокларга бўлинади.
3. Меҳнат предметларининг ҳаракати йўналиши бўйича: вертикал, горизонтал, аралаш потокларга бўлинади.
4. Транспорт воситалари турига қараб: конвейрли ва конвейрсиз чизиқларга бўлинади.
5. Ритмга риоя қилиш бўйича потоклар: эркин ва регламентлаштирилган ритмли чизиқларга бўлинади.
6. Меҳнат предметларига ишлов бериш услуби бўйича: донали, узлуксиз партияли ёки аралаш ишлов бериш чизиқларига бўлинади.
7. Узлуксизлиги жиҳатидан потоклар узлукли ва узлуксиз потокларга бўлинади.
8. Ихтисослаштириш даражаси бўйича поток чизиқлари: бир предметли ва қўп предметли поток чизиқларига бўлинади.

10.4. Потокни ташкил қилиш ва ҳисоблаш.

Потокни ташкил қилиш ва ҳисоблаш учун бирламчи маълумот бўлиб, маълум даврда ассортимент бўйича корхона цех ёки участка ишлаб чиқариш дастури хизмат қилади, бундан ташқари иш режими, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш технологик схемаси, жиҳозларнинг характеристикаси, вақт нормалари ва бошқалар қўлланилади. Потокни ҳисоблаш қуйидаги босқичларда олиб борилади.

1. Ишлаб чиқариш жараёнини алоҳида қисмларга бўлиш: босқич, жараён ва операцияларни аниқлаш.
2. Технологик ўхшашлиги жиҳатидан айрим маҳсулот турларини ва таркибий қисмларни гуруҳлантириш. Аввал гуруҳга ажралган операциялар сони бўйича бир хил, лекин турли иш режимига эга бўлган маҳсулотлар тўплами, сўнг турли технологик операциялар сонига эга бўлган ўхшаш маҳсулотлар тўпланади. Ҳар хил гуруҳда бош буюм ажратилади ва ҳисоблар таҳлили аниқ маҳсулотга асосланиб олиб борилади.

Бу маҳсулот кўпроқ ривожланган технологик схема талаб этиши мумкин ёки бошқалардан кўп меҳнат талаб этиши билан фарқ қилади.

3. Поток операциялари ва поток чизиги ишлаб чиқариш топшириғи ва ритмларини аниқлаш. Поток ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича қилинган ҳисобларни меҳнат предметларига ишлов бериш давомийлиги ва ритмдан фойдаланиб ёки машиналар унумдорлиги ва ишлаб чиқариш топшириқларидан фойдаланиб амалга ошириш мумкин.

4. Поток операциялари бўйича машиналар сонини аниқлаш. У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K = \frac{Z}{N_{т.э.}}$$

бу ерда:

Z - машиналар ишлаб чиқариш топшириғи;

$N_{т.э.}$ - машиналар техник-иқтисодий унумдорлик нормаси.

5. Машина иш ритмини ва ишлаб чиқариш топшириғини аниқлаш. Иш жойи ишлаб чиқариш топшириғи операциялар бўйича топшириқни уларнинг сонига бўлиш орқали аниқланади. Ритм эса шу операция ритмини машиналар сонига кўпайтириш орқали аниқланади.

6. Потокни синхронлаштириш ишлаб чиқариш топшириғи билан машина унумдорлигини ёки ишлов бериш давомийлиги ва ритми келишуви билан боғлиқ. Уларни таққслаганда тенгсизлик намоён бўладиган иш жойлари аниқланиб уларни бартараф этиш йўллари аниқланади.

7. Поток линиясини режалаштириш ва хизмат қилувчи персонал сонини аниқлаш, яъни ишчилар сонини аниқлаш.

10.5. Поток ишлаб чиқариш самарадорлиги.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш - корхона жамоасининг вазифаси ҳисобланади. Доимий бир хил ритмда ишлаш – жиҳозлардан тўлиқ фойдаланиш, ишчилар иш вақтидан йўқотувининг камайишига сабаб бўлади. Поток ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги ишлаб чиқариш даври давомийлигининг қисқаришига олиб келади, бу эса ўз навбатида маҳсулот меҳнат сиғиминининг камайишига олиб келади. Поток ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига таъсир этувчи омиллар қуйидагилар:

- кўп унумдорли ихтисослашган жиҳозлардан фойдаланиш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;
- ишлаб чиқаришни юқори ритмлилиқ билан таъминлаш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш даври давомийлигини қисқартириш;
- айланма маблағлар айланишини тезлаштириш;
- маҳсулот таннархини камайтириш;

- фойда ва рентабелликни ошириш.

Поток ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш учун қуйидаги кўрсаткичлар ишлатилади: бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун жонли меҳнат сарфлари, поток чизиғида тайёрланган бирлик маҳсулотга кетадиган капитал харажатлар:поток чизиғидан ишлаб чиқарилган бирлик маҳсулот таннари. Бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун жонли меҳнат сарфлари қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Y_T = (T_{cm} \cdot K_p) / Z_{cm}$$

бу ерда:

T_{cm} - смена давомида поток чизиғининг ишлаш вақти, минут;

K_p - ишчилар сони, киши;

Z_{cm} - сменада ишлаб чиқариш топшириғи.

Бутун линия бўйича умумий жонли меҳнат иқтисоди қуйидагича аниқланади:

$$\Xi_T = (T_{cm} \cdot K_{p1}) / Z_{cm} - (T_{cm} \cdot K_{p2}) / Z_{cm}$$

бу ерда:

K_{p1} ва K_{p2} - поток чизиғининг механизациялашгача ишчилар сони ва ундан кейин;

Z_{cm1} ва Z_{cm2} - поток чизиғининг механизациялашгача ишлаб чиқариш топшириғи ва ундан кейин.

Ишлаб чиқариш потокининг механизациялаштириш босқичида сонли жонли меҳнат сарфининг иқтисоди қуйидагича аниқланади:

$$\alpha_{mex} = \Delta t_{ч.м} / \Delta t_{п.м} \cdot 100 = (t_p - t_{ч.м.}) / (t_p - t_{п.м.}) \cdot 100$$

бу ерда:

α_{mex} - механизация даражасини ошириш %;

$t_{ч.м.}$ - бир қисм механизациялашганда иш вақти иқтисоди бирлик маҳсулот учун киши соат;

$t_{п.м.}$ - комплекс механизациялашганда иш вақти иқтисоди;

t_p - механизациялашмаган усулда ишлаб чиқарилган маҳсулот меҳнат сиғими, бирлик маҳсулот учун киши-соат;

$t_{ч.м.}$ - маҳсулот меҳнат сиғими, қисман механизациялашганда;

$t_{п.м.}$ - комплекс механизациялашда маҳсулот меҳнат сиғими, киши-соат бирлик маҳсулот учун.

Поток линияси бўйича капитал харажатлар формула орқали аниқланади:

$$K_x = \frac{K_{ум}}{\Pi_{йил}}$$

бу ерда:

$K_{ум}$ - поток чизиғида ишлаб чиқаришда тадбиқ қилишда барча капитал харажатлар, сўм;

$P_{\text{йил}}$ - маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича поток чизиғининг йиллик ишлаб чиқариш топшириғи.

Поток чизиғини тадбиқ қилишда иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида эксплуатацион ва капитал харажатлар таққосланиб қурилади. Таққосланганда капитал харажатларни, маҳсулот таннархини камайтирувчи вариант самарали ҳисобланади.

Агар таққосланганда вариантлардан бирида капитал харажатларнинг ўсиши ва маҳсулот таннархининг камайиши юз берса, бунда қўшимча капитал харажатларнинг қопланиш муддати қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$T_{\text{к.м.}} = (K_2 - K_1) / (C_1 - C_2)$$

бу ерда:

K_1 ва K_2 - ўтган йилдаги ва тадбиқ қилинган вариант бўйича капитал харажатлар.

C_1 ва C_2 - ўтган ва тадбиқ қилинган вариант бўйича хом-ашё материаллар, эксплуатацион харажатлар.

Бир неча машиналарни таққослаш учун ва иқтисодий самарали вариантни танлаш учун қуйидаги формула ишлатиладики, бунда энг яхши вариант харажатлари барча харажатлардан кам бўлади.

$$C + E_n \cdot K = \text{минимум},$$

бу ерда:

C - бир йилда хом ашё материаллар учун харажатлар;

E_n - тармоқ самарадорлик норматив коэффиценти;

K - шу вариант бўйича капитал харажатлар.

Таянч иборалар:

Поток белгилари, мураккаб поток чизиғи, поток чизиғи, бош поток чизиғи, оддий поток чизиғи, ёрдамчи поток чизиғи, поток, иш жойи, машина ритми, етакчи-бош машина, бир чизиқли поток чизиғи, кўп чизиқли поток чизиғи, вертикал, горизонтал, аралаш поток чизиқлари. конвейрли ва конвейерсиз поток чизиқлари, эркин ва регламентлаштирилган поток чизиқлари, бир предметли ва кўп предметли поток чизиқлари, поток ишлаб чиқариш самарадорлиги омиллари, жонли меҳнат сарфлари, поток чизиғи бўйича жонли меҳнат умумий иқтисоди, механизация даражасини ошириш, капитал харажатлари қопланиш муддати

Назорат саволлари:

1. Ишлаб чиқаришни поток усулда ташкил қилишнинг моҳияти нимадан иборат.
2. Бош-етакчи машинанинг поток ишлаб чиқаришдаги ўрни.
3. Оддий, мураккаб, ёрдамчи поток чизиқлари иш жойлари билан қандай боғлиқ.
4. Ишлаб чиқариш потокининг асосий элементларини нималар ташкил қилади.
5. Поток чизиқларини классификацияланг.
6. Жонли меҳнат иқтисоди қандай аниқланади.
7. Нима учун жонли меҳнат сарфлари ҳисобланилади.

8. Поток ишлаб чиқариш самарадорлигини тавсифланг.

ХІ БОБ. ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЁКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

11.1. Ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминлашни ва энергетика хўжалигини ташкил қилиш.

Ишлаб чиқаришга моддий-техник хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ишлаб чиқариш менежменти таъминловчи системаси компоненти сифатида системанинг "кириши" яъни қайта ишлаш жараёни "чиқиши" тайёр маҳсулот сифатини аниқлайди. Моддий - техник таъминлаш жараёни корхона омборларидан иш жойларига моддий техник ресурсларни бизнес-режага асосан керакли миқдорга йўналтирилишидир. Моддий техник ресурслар таркибига қуйидагилар киради:

- 1) Хом-ашё ва материаллар;
- 2) Сотиб олинadиган технологик жиҳозлар;
- 3) Янги транспорт воситалари;
- 4) Юкловчи-туширувчи жиҳозлар;
- 5) Ҳисоблаш техникаси ва бошқа жиҳозлар ҳамда сотиб олинadиган энергия, ёкилги ва сув.

Ишлаб чиқаришни моддий техник таъминлаш мақсадлари:

- корхона бўлимларини керакли миқдорда ва сифатли турли хил ресурслар билан ўз вақтида таъминлаш;
- ресурслардан фойдаланишни яхшилаш: меҳнат унумдорлигини, фонд самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш даври давомийлигини қисқартириш, жараёнлар ритмлилигини қисқартириш, икқиламчи ресурслардан фойдаланиш, инвестициялар самарадорлигини ошириш ва бошқалар;
- таъминловчи рақобатчиларнинг ишлаб чиқарувчи маҳсулот сифатини ва ишлаб чиқариш ташкилий техник даражасини таҳлил қилиш ва рақобатчилар билан ресурслар таъминлашини, рақобатбардошлилигини ошириш тўғрисида тадбирлар таклиф қилиш ёки аниқ бир ресурс билан таъминловчини алмаштириш.

Юқорида санаб ўтилган мақсадларга эришиш учун корхона қуйидаги ишларни доимий равишда бажариши керак.

а) аниқ турдаги ресурслар бўйича таъминловчилар бозорида маркетинг изланишларини ўтказиш, истеъмолчиларни танлаш қуйидаги талаб асосида олиб борилиши таклиф қилинади:

- шу соҳада иш олиб бориши тўғрисида таъминловчининг юқори тажрибага эга эканлигини ва ўз лицензиясига эга эканлигини аниқлаш;
 - ишлаб чиқаришнинг ташкилий техник даражаси юқорилиги, ишнинг фойдалилиги (даромадлилиги), ишончлилиги, ишлаб чиқарган маҳсулот рақобатдошлилигини таъминлаш ресурслар ва товарлар баҳосини аниқлаш, ресурслар билан таъминланганликнинг барқарорлиги;
- б) аниқ турдаги ресурслар истеъмолини меъёрлаштириш;

- в) ресурслар харажатларини меъёрлари бўйича камайтириш мақсадида ташкилий техник тадбирлар ишлаб чиқиш;
- г) ишлаб чиқаришни моддий техник таъминлаш каналларини ахтариш (излаш);
- д) моддий балансларни ишлаб чиқиш;
- е) ишлаб чиқариш ресурслари билан моддий техник таъминлашини режалаштириш;
- ж) ресурсларни қабул қилиш, сақлаш ва уларни ишлаб чиқишга тайёрлашни ташкил қилиш;
- з) иш жойларни ресурслар билан таъминлашни ташкил қилиш;
- и) ресурслардан фойдаланишнинг ҳисоби ва уни назорат қилиш;
- к) ишлаб чиқариш чиқиндиларни тўплаш ва уларни қайта ишлашни ташкил қилиш;
- л) ресурслардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш;
- м) ресурслардан фойдаланишни яхшилашда рағбатлантириш.

Санаб ўтилган ишлар билан ишлаб чиқариш бўйича корхона раҳбари ўринбосарига бўйсунувчи моддий-техник таъминлаш бўлими шугулланади. Бу бўлим структураси қуйидагича бўлиши мумкин:

- ресурслар билан таъминловчилар маркетинг бюроси;
- ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлашни меъёрлаш ва режалаштириш бюроси;
- захираларни бошқариш бюроси;
- иш жойларини ресурслар билан таъминлаш бюроси;
- ресурслардан фойдаланиш самардорлигини бошқариш бюроси.

Энергетика хўжалигини ташкил қилиш ва уни ривожлантириш йўналишлари.

Корхонада энергетика хўжалигининг асосий мақсади бўлиб техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича корхонада барча турдаги энергоресурслардан фойдаланиб уларни самарали ишлаб чиқаришга етказишдан иборат.

Энергиянинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- 1.Электроэнергия;
- 2.Қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатидаги иссиқлик;
- 3.Энергия: иссиқлик сув ва буғ иссиқлик энергияси.

Энерго-ресурсларга қуйидагилар киради:

- 1.электр токи;
- 2.турли босимдаги сиқилган хаво;
- 3.табiiй газ;
- 4.иссиқ сув ва буғ.

Корхонада истеъмол қилинадиган энергоресурслар ташқаридан сотиб олиниши ёки корхонада ишлаб чиқилиши мумкин. Корхонада электроэнергия корхона электростанциясида, буғ ва иссиқ сув буғхоналарда, газ эса газ генераторларида ишлаб чиқарилиши мумкин. Аммо доимий равишда энергия билан таъминлашишнинг такомиллашган усули марказий пунктлардан фойдаланишдир.

Корхонада энергетика хўжалигини рационал ташкил қилишнинг негизи бўлган баланс методларини қўллаш орқали энерго-ресурслар истеъмоли ва ишлаб чиқаришни тўғри режалаштириш мақсадга мувофиқдир. Улар ишлаб чиқариш ҳажми асосида энергиянинг ҳар қандай турига бўлган эҳтиёжни прогрессив меъёрлар орқали ҳисоблашни тақозо қилади. Балансларни тузиш унинг харажат қисмидан бошланади. Аввал корхона асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда ҳамма турдаги энергия ва ёқилги эҳтиёжи ҳамда иситиш, вентиляция, ёритиш хўжалик маиший ва бошқалар учун энергия, ёқилги харажати ҳисобланиб чиқилади. Кейин эса энергиянинг ҳамма йўқотувчилари ҳамма турдаги ресурслар учун эҳтиёжлар ҳисоблаб чиқилади.

Баланс даромад қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўз таъминловчи генератор жиҳозларни ишлаб чиқариш ресурсларини ва ташқаридан ёқилги энергияни олиш имкониятларни аниқлаш;
- ўз генератор жиҳозлари иш режимини лойиҳалаш ва уларни юклатиш графикларини аниқлаш;
- ташқарига узатилиши мумкин бўлган энергия миқдорини аниқлаш;
- шу тарзда ёқилги барча турлари учун ҳам алоҳида-алоҳида баланс тузилади.

Энергетика хўжалигини ташкил этишда электр энергиясини ҳисоблаш ва меъёрлаш катта аҳамиятга эга. Четдан энергия олувчи корхоналарда электроэнергиянинг ҳисобли ва техник сарфи аниқланади. Биринчиси электр энергия билан таъминловчи ташкилотлар билан ҳисоб-китоб қилиш мақсадида ва энергия сарфининг умумий сарфи нормасини аниқлаш учун қўлланилади. У сўтчиқлар ёрдамида бажарилади. Техник ҳисоб эса корхона ичидаги алоҳида цехлар ёки ускуна гуруҳлари томонидан энергия сарфини назорат қилиш учун амалга оширилади. У энергия сарфини камайтириш, унинг истеъмолининг прогрессив нормаларини аниқлаш бўйича ташкилий –техник чораларни ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга.

Озиқ - овқат саноати корхоналарида энергия сарфи нормалари бир бирлик маҳсулот(бир тонна, бир дал ва бошқ.)га ўрнатилади. Электроэнергия сарфи нормалари илмий-тадқиқот институтлари томонидан ишлаб чиқилган махсус усулларга асосан белгиланади. Алоҳида участкалар учун электроэнергиянинг сарфи нормасини тахминан электродвигатель истеъмол қувватини, машинанинг бир соатлик унумдорлигига бўлиш ва олинган катталикларни қўшиш орқали ҳисоблаш мумкин. Энергия сарфини камайтиришнинг асосий йўллари қуйидагилар:

1. Технологик ва транспорт воситаларининг бекор ишлашини камайтириш.
2. Воситалардан ишлаб чиқариш мақсадида тўла фойдаланиш.
3. Машиналарда талаб қилинган қувватга эга бўлган электродвигателларни ўрнатиш.

Энергетика хўжалиги структураси:

- а) Энергетика цехлари;
- б) қайта ишловчи ва генератор жиҳозлар (компрессор хонаси, қозонхона);
- в) энергия истеъмолчилари (жиҳозлар, станоклар ва бошқалар).

Энергетика хўжалигини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари:

- иктисод қилинувчи энергоресурслар турларидан фойдаланиш;
- энерго-ресурслар истемоли схемаларини такомиллаштириш;
- технологик жараёнларини такомиллаштириш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари, ресурслардан фойдаланиш ҳисоби ва уни назорат қилиш автоматлаштириш;
- ресурсларни меъёрлашда ҳисобни аналитик методларни қўллаш;
- ресурслардан фойдаланишни яхшилашда рағбатлантириш.

11.2. Ремонт хўжалигини ташкил қилиш.

Ремонт хўжалиги вазифалари, структураси ва уни такомиллаштириш асосий йўналишлари.

Корхонанинг ремонт хўжалиги бу технологик жиҳозлар техник ҳолатини таҳлил қилиш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш ремонт техник хизматини ўтказиш, емирилган жиҳозларни прогрессив жиҳозларга алмаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи бўлим ва ишлаб чиқариш бўлинмалари йиғиндисидир.

Бу ишларни бажариш жиҳозларнинг ҳам муддат ичида минимал тўхтовлар билан бажарилишини ҳамда минимал харажатлар билан амалга оширишини ташкил қилиши керак. Ремонт хўжалиги ишининг самарадорлиги ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи унинг сифати ва корхонанинг меҳнат унумдорлигини аниқлайди. Чунки маҳсулот таннархида жиҳозларни сақлаш ва ремонт учун харажатлар нисбий вазни 10% ни ташкил қилади. Йирик корхонада ремонт хўжалигини ташкил қилиш қуйидаги ишларни бажаришни ўз ичига олади:

1. Ишлаб чиқариш жараёнлари пропорционаллиги, тўғри аниқлилиги, узлуксизлиги, параллеллиги асосида корхона ишлаб чиқариш ва ташкилий структурасини таҳлил қилиш.

2. Бу параметрларни оптималлаштириш мақсадида ихтисослаштириш ва комбинациялаш даражасини таҳлил қилиш.

3. Қуйидаги кўрсаткичлар асосида технологик жиҳозларни таҳлил қилиш:

- маълум бир жиҳознинг зарурийлиги;
- ремонтда бўлган жиҳознинг нисбий вазни;
- физик емирилган жиҳозларнинг нисбий вазни;
- технологик жиҳозларнинг ўртача ёши;
- технологик жиҳозлар иши, сменалилик коэффиценти;
- унумдорлик бўйича жиҳоздан фойдаланиш коэффиценти;
- фонд самарадорлигининг таҳлили;
- асосий ишлаб чиқариш фондлари актив қисми структураси таҳлили;

- ишлаб чиқариш механизация даражасининг таҳлили.
 4. Жихозлардан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.
 5. Ишлаб чиқариш фондлари элементлари ва технологик жихозлари учун турли кўринишдаги материаллар ва энергия эҳтиёжлари меъёрларини ишлаб чиқариш.
 6. Ремонт хўжалиги учун ишлаб чиқариш майдонига бўлган эҳтиёжини ҳисоблаш.
 7. Ремонт хўжалиги учун меҳнат ресурсларига эҳтиёжни ва улар учун иш ҳақи фондини аниқ ҳисоблаш.
 8. Жихозларнинг режали огоҳлантириш кўрсаткичларини ҳисоблаш.
 9. Ремонт ишларини ташкил қилиш.
 10. Ремонтларро хизмат кўрсатишни ташкил қилиш.
 11. Корхона ремонт хўжалиги моддий-техник таъминотини ташкил қилиш.
 12. Ремонт хўжалиги ишлари самарадорлигини ошириш, стратегик режасини ишлаб чиқишни назорат қилиш ва рағбатлантириш.

Юқорида санаб ўтилган ишларни 3 та блокка бирлаштириш мумкин:

а) иқтисодий блок - бу блок асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилади, жихозлар режали огоҳлантириш ремонтини режалаштиради, техник қайта жихозлаш, капитал қурилиш эскирган жихозлар учун бошқа жихозларга алмаштириш эҳтиёж меъёрларини ишлаб чиқади, ремонт хўжалиги ташкилий ва ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

б) Техник блок - асосий ишлаб чиқариш фондлари ва бошқа жихозлар ҳолатини техник назорат қилади, турли ремонтларни ўтказди, эҳтиёж қисмларини тайёрлашни лойиҳалайди;

в) Ташкилий блок - ремонт хўжалиги моддий-техник таъминотини ташкил қилади, ремонт хўжалигига қабул қилинувчи ва чиқувчи жихозлар эҳтиёж қисмлари сифатини назорат қилишни ташкил қилади, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш прогрессив формаларини тадбиқ қилади.

Корхонада ремонт хўжалигини корхона бош муҳандисига бўйсунувчи бош механик бошқаради. Ремонт хўжалиги структураси қуйидаги бўлинмалардан иборат:

- а) иқтисодий бўлим;
- б) техник бўлим;
- в) ташкилий бўлим;
- г) ремонт механик цехлари;
- д) омбор.

Ремонт хўжалигини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш микёсида - асосий маҳсулот ишлаб чиқаришда, ремонт хўжалигини ташкил қилишда, ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни ривожлантириш;

2. Асосий ишлаб чиқариш фондларини қайта ишлашда режалаштириш миқёсида - менежмент илмий ёндашувлари ва методларини қўллаш;

3. Эҳтиёж қисмларини тайёрлаш ва лойиҳалаш миқёсида - эҳтиёж қисмлар элементларини стандартлашда лойиҳавий ишлар давомийлигини қискартириш ва улар сифатини ошириш.

Режали-огоҳлантириш ремонт системаси.

Ишлаб чиқариш корхоналарида таъмирлаш ишларини ташкил этишнинг энг прогрессив шакли бўлган ускуналарни, жиҳозларни режали-огоҳлантирувчи ремонт қилиш системаси фаолият кўрсатади.

Режали огоҳлантириш ремонт системаси (РОР) - бу ремонт ишларини ташкил қилишнинг прогрессив формаси бўлиб ўз ичига жиҳозларни ишига лаёқатли ҳолатда сақлашга йўналган ташкилий техник тадбирларни олади. РОР ни ўтказиш тартиби аниқ кўрсатмалар бўйича олиб борилади. РОР системаси жиҳозларга хизмат қилиш қуйидаги турларини кўриб ўтади:

1. Ҳар кунги техник кўрик. У жиҳозни ишлашга тайёрлаш (тозалаш ёглаш, тузатилмаган жойларни таъмирлаш) жиҳоз ишлашини назорат қилиш, ишга тушириш, ишдан ташқари пайтда жиҳозни нормал ҳолатда сақлаш ишларини ўз ичига олади. Бу ишни шу машинага хизмат қилувчи персонал олиб боради.

2. Даврий кўриклар - жиҳозларнинг хусусияти ва ишлаш шароитига қараб режа бўйича режалаштирилган муддатларда ўтказилиб турилади, кўрик жараёнида машиналарнинг техник ҳолати текширилиб, жиҳозлар қисман таъмирланади, емирилган деталлари бошқалари билан алмаштирилади.

3. Жорий ремонт - бунда жиҳозларнинг кейинги ремонтгача ишлашини таъминлаш мақсадида ишдан чиққан детал ва қисмларини алмаштириш ва бошқа ишлар қилинади.

4. Капитал ремонт - режа бўйича ўтказилиб жиҳозларнинг бутунлай ҳамма қисмлари алмаштирилиб, техник шартларга биноан қайта тикланади. Машина тўлалигича деталларга ажратирилади. Кўриклар, жорий ремонт, капитал ремонт, ремонт персоналлари томонидан ўтказилади. РОРни олиб бориш усуллари:

1) Кўриқдан кейинги усул - бу даврий равишда жиҳозларнинг куриқдан ўтказилгандан ремонт ишларининг муддати ва ҳажми текшириш натижаларига асосан жиҳознинг амалдаги ҳолати бўйича белгиланади. Бу энг кам такомиллашган усул бўлиб деталли режалаштиришни талаб қилмайди;

2) Даврий усулли - ремонт ишлари ва ремонт турлари ҳамда муддатлари режали тартибда олиб борилади, ремонт иши ҳажми эса жиҳознинг амалдаги ҳолати бўйича белгиланади;

3) Стандарт усули - иш ҳажми ремонт тури ва муддати режа асосида белгиланади. Бу усул энг прогрессив усул ҳисобланиб, детал ва қисмларнинг ишлаш муддатини аниқ билишни талаб қилади.

Жиҳозларни таъмирлашни режалаштириш.

РОР системаси ремонт ишларини амалга оширишни ва бошқа ҳисоблашларни режалаштиришга ёрдам берувчи бир қатор нормативларга асосланган. Уларга асосан ускуналарни текшириш ва ремонтлар орасидаги даврийлик нормативлари киради. Бу нормативлар кўрик, жорий ва капитал ремонт орасидаги даврларни ойларда ифодалайди. Ҳар бир ускуна тури учун ўзининг даврийлик нормативлари ишлаб чиқилган. Ремонт хизмати кўрсатишнинг даврийлик нормативларига асосланиб жиҳозларни ремонтга чиқаришнинг йиллик график режаси тузилади.

Ремонт даври икки капитал ремонт орасидаги ремонт турлари ва ремонт хизматларининг кетма - кетлигини кўрсатади. У структура ва давомийлик билан характерланади.

Ремонт даври деб машинанинг икки капитал ремонт оралиғидаги иш вақти даврига ёки машинани эксплуатацияга киритиш ва биринчи капитал ремонтгача даврга айтилади.

Ремонт ишларини белгилашда ремонт нормативлари алоҳида ўринни эгаллайди. Бу нормативлар асосида ремонт персонали сони ва ремонт ишлари қиймати аниқланади. Ҳамма жиҳозлар алоҳида - алоҳида гуруҳларга ажратилади, бу гуруҳлар учун ремонт мураккаблиги коэффицентлари ўрнатилади. Бу коэффицентлар орқали ремонт мураккаблиги даражалари аниқланади. Ремонт ишларининг умумий меҳнат сиғимлари қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$T_{ум} = P \cdot C (K_{куп} + K_{ур} + K_{ж}),$$

$$T_{ум} = K_k P_k + K_j P_j + K_{ур} P_{ур} + P_{кон},$$

бу ерда,

P - ремонт мураккаблиги кўрсаткичи

C - гуруҳдаги жиҳозлар сони

Режали ремонт ишчилари сони қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$I_c = \frac{T_{ум}}{B_{ур}}$$

бу ерда:

$T_{ум}$ - умумий меҳнат сиғими

$B_{ур}$ - бир ишчининг ўртача йиллик иш вақти

Ремонт ишлари ҳажми, ремонт учун тўхтовлар бош муҳандис ва цех бошлиқлари томонидан бир ой олдин белгиланади. Бу ишлар учун календар режа графиклари тузилади, бу графикларни тузишда жиҳозлар алоҳида-алоҳида гуруҳларга

бўлиниб, ҳар бир гуруҳ учун ремонт бригадаси тузилади. Бу бригадалар 2-4 слесарлардан ва 2-5 ёрдамчи ишчилардан тузилади. Ҳар бир гуруҳ бўйича ишлар тартиби ва бажарилиши муддатлари аниқланади.

Жиҳознинг ремонтга бўлган меҳнат сарфи ремонт ишларига кетган вақт нормалари асосида аниқланади. Нормалар слесарлик - йиғув операциялари ва уларнинг гуруҳлари бўйича белгиланади. Улар маълум разрядларга асосан киши - соатларда ифодаланади.

Нормалар ёрдамида фақат капитал ремонт учун эмас, балки жорий ремонтлар учун кетган меҳнат сарфларини ҳисоблаш мумкин. Бунда 2 хил ёндашиш мумкин: Биринчи ҳолда алоҳида машиналарнинг капитал ремонтга сарфланадиган меҳнат вақт нормалари бўйича аниқланади. Кўрик ва жорий ремонт учун меҳнат сарфлари эса ҳар бир машина учун алоҳида ҳисобланади. Иккинчи ҳолда вақт нормалари бўйича барча машиналар учун ремонтнинг мураккаблик кўрсаткичи белгиланади ва унга асосланиб ҳамда бошқа нормативлардан ремонт ишларининг умумий меҳнат сиғими ҳисобланади. Бу кўрсаткич ремонт ишларининг қийматини ифодалашда асос бўлиб хизмат қилади. РОР системаси бўйича ремонтни ташкил этишда махсус харажатлар сметаси тузилади. Барча харажатлар жорий ремонт учун сарфлар ва капитал ремонт сарфларига бўлинади. Бундай бўлиниш харажатларни қоплаш манбаининг турли хиллиги билан боғлиқ. Жорий ремонтлар харажати маҳсулот таннархига киритилса, капитал ремонтлар амортизация ажратмалари ҳисобидан қопланади.

11.3. Транспорт ва омбор хўжалигини ташкил қилиш.

Транспорт воситалари классификацияси. Транспорт хўжалиги ишларининг сифати ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.

Корхонанинг транспорт ва омбор хўжалиги маълум шартларга асосан шартномаларда вақтлари ва оптимал маршрутлари белгиланганларига қараб истеъмолчига турли юкларни етказиш, омборда сақлаш ишлари учун ташкил қилинади.

Транспорт ва омбор хўжалиги ташкил қилиниши критерийлари бўлиб, минимал баҳоларда, ўз вақтида ишларни сифатли бажариш ҳисобланади.

Транспорт хўжалиги корхонанинг артерияси ҳисобланиб, у барча потокларни бир-бири билан боғлаб туради.

Транспорт операциялари ишлаб чиқариш жараёнининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Ички завод транспортини рационал ташкил қилиш ишлаб чиқариш даври давомийлигини қискартиришга, айланма воситалар айланишини тезлаштиришга, маҳсулот таннархини камайтиришда, меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади. Корхонада транспорт воситаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Хизмат кўрсатиши бўйича цехлараро ва цех ичидаги транспорт воситалари;

2. Иш режимига боғлиқ ҳолда узлуксиз ҳаракатдаги транспорт воситалари (конвейер системасидаги) ва даврий ҳаракатдаги воситалар (автомашиналар, аравачалар);

3. Ҳаракат йўналиши бўйича горизонтал, вертикал (лифтлар, элеваторлар) ва аралаш кўчирувчи транспорт воситалари (кранлар);

4. Автоматизация даражаси бўйича автоматлашган, механизациялашган ва қўлда бажариладиган воситалар;

5. Кўчириш турлари бўйича донали, тўқиладиган, сочиладиган юкларни ташувчи машиналар;

Корхонада транспорт хўжалигини ташкил қилиш қуйидагича ишларни ўз ичига олади:

1. Транспорт воситаларини янгилаш стратегик режалаштирилиши;

2. Корхона ишлаб чиқариш структурасининг таҳлили ва уни такомиллаштириш бўйича тадбирлар, уни тадбиқ қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини транспорт схемалари бўйича аниқ тўғририлигини, пропорционаллик, узлуксизлик ва ритмлиликини таъминлаш;

3. Транспорт воситаларидан вақт ва унумдорлик бўйича самарали фойдаланиш ҳамда юкланиш даражасини таҳлил қилиш;

4. Транспорт воситаларининг турини танлаш ва асослаш, улар сонини ҳисоблаш;

5. Транспорт хўжалиги ремонт эксплуатация эҳтиёжлари учун материал ресурсларни сарфлаш, меъёр ва нормативларини ҳисоблаш;

6. Юк обороти балансини тузиш (горизонтал бўйича юкларни узатувчи, вертикал бўйича юкни қабул қилувчилар) кўрсатилади;

7. Юк оқимлари схемасини лойиҳалаштириш, юкларнинг йўналишини аниқлаш;

8. Транспорт воситаларини оператив календарли режалаштириш, юк ташишларнинг маршрутини белгилаш;

9. Корхона транспорти ишини диспетчерлаш;

10. Транспорт хўжалиги юқори сифатли ва самарали ишининг ҳисоби, назорат қилиш ва мотивация.

Корхона юк оқимларини аниқлаш.

Ташқи транспорт корхонага хом ашё, материаллар, ёкилгиларни ташиб келтириш ва тайёр маҳсулотни чиқариш учун керак. Бу операциялар даврий равишда амалга оширилиб, таъминот ва товар сотилиши шароитлари, захира нормалари, омбор сиғимига асосланади ҳамда автомобиль, темир йўл ва сув транспорти билан бажарилади. Корхона ичидаги транспорт юкларни корхона ичида ташиш учун мўлжалланган. Юклар турини аниқлашнинг бошлангич материаллари бўлиб, корхона ёки цехнинг ишлаб чиқариш дастури, таъминот режаси, ишлаб чиқариш потокиннинг ҳисобланган кўрсаткичлари хизмат қилади. Юк йўналишини аниқлаш, юклар қайси томонга ташилишини кўрсатади. Ташишларнинг маршрутини белгилаш алоҳида

транспорт воситаларининг ҳаракатини тўла тартибга солиш мақсадида амалга оширилади. Маршрутлар бир ёки бир неча юк йўналишига хизмат қилиш учун белгиланади. Уларнинг ҳар бири ташишнинг маълум масофаси, йўлда тўхташларнинг тезлиги, сони давомийлиги билан тавсифланади.

Маршрутларни белгилашда ташиш усули ҳисобга олинади. У маятниксимон ва доиравий бўлиши мумкин. Биринчи усулда транспорт юкни керакли жойга ташиб бўлгач, бошқа партия учун қайтиб келади. Иккинчи усулда эса машина юкни керакли жойга этгач, қайтиб келмайди, балки уша ердан яна юк олиб бошқа жойга этади. у ердан яна бошқа жойга ва охири дастлабки жойига қайтади. Бу усул транспортдан самарали фойдаланиш имконини беради.

Корхона юк обороти деб, режалаштирилган даврда корхона миқёсида транспорт ҳамма турларида узатилган, кўчирилган ва корхонадан қабул қилинган юклар миқдорига айтилади.

Корхона юк оқими деб, режалаштирилган даврда узатиш ва қабул қилиш алоҳида пунктлари орасида аниқ турдаги транспорт воситалари ёрдамида кўчирилган юклар миқдорига айтилади.

Омбор хўжалигини ташкил қилиш, омборлар турлари.

Корхона омбор хўжалиги корхонага қабул қилинувчи моддий техник ресурслар ва тайёр маҳсулот ҳаракатини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва сақлаш функцияларини бажаради. Омбор хўжалиги ўз функцияларни ўз муддатларида ва минимал харажатлар билан сифатли бажариши керак. Иш ҳажмига боғлиқ ҳолда омборлар унумзавод ва цех омборларига бўлинади. Умумзавод омборлари ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

1. Материал омборлари (асосий ва ёрдамчи материаллар, ёкилги омбори);
2. Бир цехда ишлов берилиб иккинчи цехга ишлов беришга ўзатиладиган ярим фабрикатлар ва бошқа материаллар омбори;
3. Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатадиган ишлаб чиқариш омбори;
4. Цехлардан тайёр маҳсулот қабул қилувчи, қадоқловчи ва истеъмолчига узатувчи тайёр маҳсулот омбори;
5. Чиқиндилар, иккиламчи хом ашё омбори;
6. Таралар, идишлар, махсус кийимлар, хўжалик материаллар ва ишчи истеъмолчилари сақланадиган хўжалик омборлари.

Омборлар уларнинг иш фаолиятларига қараб жойлаштирилади: Масалан, материаллар ва ишлаб чиқариш омборлари истеъмолчи цехлар яқинига жойлаштирилади, бу ўз навбатида юкларни кам масофа орқали кўчиришни таъминлайди. Омбор хўжалигини ташкил этиш қуйидаги ишларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш жараёнлари тўғри аниқлилиқ, пропорционаллик узлуксизлик, ритмлилиқ принципларига асосан корхона ишлаб чиқариш структурасини таҳлил қилиш;
- омборхоналар типи ва номенклатурасини аниқлаш;

- янги омборхоналарни жойлаштириш схемасини ишлаб чиқиш, лойиҳалаш ва кўриш;
- омборхоналар иши оператив календар режаларини ишлаб чиқиш;
- омбордан материал оқимлар ҳаракатини ҳисобга олиш ва назоратни ташкил қилиш;
- юкларни олиш ва истеъмолчиларга етказишни ташкил этиш;
- омбор хўжалиги иши самарадорлигини таҳлил қилиш ва уни ишини яхшилаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

Омборлар ўз конструкциясига кўра очик, ярим очик, ёпиқ ва махсус омборларга бўлинади.

Очик омборларда сақланишига атмосфера омиллари таъсир этмайдиган хом ашё ва материаллар сақланади.

Ярим очик омборларга айвонлар мисол бўла олади.

Ёпиқ омборларга полли омборлар киради. Хом ашё ва материаллар кадокланган ҳолда, полга тўкилган ҳолда ёки силосларда сақланади. Хом ашёнинг ҳар бир турига алоҳида силослар ажратилиб берилади.

Силос типдаги омборлар хом ашё ва маҳсулотни сифатли сақлашни, материалларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш, қабул қилиш ва юбориш ишларини комплекс механизациялашни таъминлайди.

Корхонанинг омборхоналар билан таъминланганлиги 2 хил усул билан аниқланади. Биринчи усулда хом ашёнинг ёки тайёр маҳсулотнинг кунларда ифодаланган захираси аниқланади. Олинган катталиқ норматив билан таққосланади ва ҳулосаланади, керак бўлса ташкилий - техник чоралар ишлаб чиқилиб уларни амалга ошириш орқали омбордан фойдаланишни яхшилашга эришилади. Ҳисоблашлар хом ашё омборлари учун ва тайёр маҳсулот омборлари учун алоҳида бажарилади. Иккинчи усул бўйича ҳисоблашларда юк айланишининг махсус графиги тузилади. у корхонанинг нормал ишлашини таъминловчи хом ашё ва маҳсулотнинг максимал захирасини кўрсатади. Шунга ва баъзи резервга асосланиб керакли ҳажмдаги омборхона аниқланади ва мавжуд омбор билан таққосланади.

Таянч иборалар:

Моддий-техник ресурслар, моддий баланс, энергоресурслар, баланс методи, иқтисодий блок, техник блок, ташкилий блок, капитал ремонт, жорий ремонт, ўрта ремонт, ремонт даври структураси, ремонт даври, режали-огоҳлантириш ремонт системаси, даврий усул, стандарт усул, кўрикдан кейинги усул, ташқи транспорт, корхона юк обороти, корхона юк оқими, умумий омборлар, универсал омборлар, махсус омборлар, цех омборлари, очик, ёпиқ, яримочик омборлар.

Назорат саволлари:

1. Моддий-техник ресурсларга нималар киради?

2. Ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминлаш бўлими структурасини таърифлаб беринг.
3. Ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминлаш мақсадлари нима ва унга эришиш учун қандай ишлар қилинади?
4. Ресурслардан фойдаланишни яхшилаш омиллари ва ресурслар билан таъминлаш шакллари айтинг.
5. Энергетика хўжалигини рационал ташкил қилиш нимадан иборат?
6. Энергетика хўжалигини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишда энергетика хўжалиги структурасининг роли қандай?
7. Энергия сарфини камайтиришнинг асосий йўллари нимадан иборат?
8. Ремонт хўжалигини ташкил қилиш қандай ишларни бажаришни ўз ичига олади?
9. Иқтисодий, техник, ташкилий блокларнинг ремонт хўжалигига қандай алоқаси бор?
10. Режали-огоҳлантириш ремонт системаси деганда нимани тушунаси?
11. Ремонт даври ва ремонт даври структураси ҳақида тушунча беринг.
12. Ремонт хўжалигини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосий йўналишларини айтинг.
13. Режали огоҳлантириш ремонтини олиб бориш қандай усуллари биласиз?
14. Транспорт хўжалигини ташкил қилиш нимадан иборат?
15. Корхонада қандай транспорт воситалари турларини биласиз?
16. Корхона юк обороти ва юк оқими нима?
17. Омбор хўжалигини ташкил қилиш қандай ишларни ўз ичига олади?
18. Қандай омбор турларини биласиз?

ХП БОБ. КОРХОНАДА МЕХНАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

12.1. Корхона ходимларининг функционал таркиби ва ишчи кучи ҳаракати

Мехнат кўрсаткичларини характерлашда натура ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Мехнат ресурсларининг натурал кўрсаткичлари бу барча турдаги ходимлар сонидан иборат бўлиб, у қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Mr = I + ITX + X + BX + MXX,$$

бунда: Mr - меҳнат ресурслари;

I - ёлланма ишчилар;

ITX - муҳандис-техник ходимлар;

X - хизматчилар;

BX - бошқарув ходимлари;

MXX - майда хизмат ходимлари.

Ходимлар сони натурал шаклда ифодаланиб корхонада банд бўлган барча ёши ва жинсидан қатъий назар ишчи ҳамда хизматчилар йиғиндисига тенгдир:

$$X = I + ITX + X + BX + MXX$$

Ходимлар сони меҳнат ресурсларига нисбатан кўпроқ бўлиб, улар қарилик нафақаси ёшида бўлган унумли меҳнат билан шуғулланаётган ва балоғат ёшига етмай ижтимоий меҳнат билан банд бўлган ўсмирлар сони ортиқлиги билан фарқ қилади.

Сўнгги йилларда иқтисодий адабиётларда ишчи кучи қиймати ва унинг баҳоси ҳақида фикрлар юритила бошлади. Ишчи кучи қиймати (I_{kq}), бу маълум бир ходимнинг шаклланишига кетган барча харажатлар йиғиндисидир. Бунга унинг ўрта мактабда билим олишига кетган харажатлардан бошлаб, малакали мутахассис бўлиб етишишдаги барча сарфлар киради. У қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$I_{kk} = X_{o'm} + X_{o'm.m} + X_{o.m} + X_{m.o},$$

бунда: $X_{o'm}$ - ўрта маълумот олиш сарфлари;


$X_{o'm.m}$ - ўрта махсус маълумотлар олиш сарфлари;

$X_{o.m}$ - олий маълумот олиш сарфлари;

$X_{m.o}$ - малака ошириш сарфлари.

Ишчи кучининг баҳоси мутахассисиар ёки ходимларга тўланадиган барча турдаги меҳнат ҳақлари билан ифодаланади. Улар таркибига асосан, асосий ва қўшимча иш ҳақлари киради. Шу жумладан, турли рағбатлантиришлар ҳам.

Ҳозирги даврда ўрта ҳисобда олганда бир ишчи кучининг қиймати 110 минг сўмга яқинини ташкил этмоқда. Қуйидаги диаграммада ишчи кучи қиймати тузилиши акс эттирилган (фоиз ҳисобида):



- ўрта маълумот олиш сарфлари улуши, % ҳисобида.
- ўрта махсус маълумотлар олиш учун кетган харажатлар, % ҳисобида.
- олий маълумот олиш учун кетган сарфлар, % ҳисобида.
- малака ошириш учун кетган сарфлар, % ҳисобида.

Ишчи кучининг баҳоси ҳақида гап кетганда, у бар бир соҳа, йўналиш мутахассисликлар ва ҳудудлар бўйича ҳам фарқ қилади.

Меҳнат потенциалини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими алоҳида олинган кўрсаткичлардан тубдан фарқ қилиб, уларнинг йирик умумлашган ҳолатларини ифодалайди. Кўрсаткичлар тизими 3 та асосий гуруҳга бўлинади.

Меҳнат потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар -бу кўрсаткичлар меҳнат потенциалини қандай ҳолда эканлигини, унинг умумий миқдорини, таркибини ва бошқа ҳолатларини ифодалайди.

Меҳнат потенциали билан таъминланганликни характерловчи кўрсаткичлар - буларга меҳнат потенциали билан корхонанинг штат жадвали, асосий ва айланма маблағлар билан қай даражада таъминланганлик, меҳнат сиғими каби кўрсаткичларни олишимиз мумкин.

Меҳнат потенциали самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар - булар меҳнат потенциалини фойдалилиги, даромадлилигини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб, улар ёрдамида қандай самара берилаётганлиги топилади.

Меҳнат потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар: меҳнат потенциали ўртача сони, меҳнат потенциали таркиби, меҳнат потенциали обороти, меҳнат потенциали қўнимсизлиги ва меҳнат потенциали турғунлиги кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Меҳнат потенциалининг ўртача сони - меҳнат потенциали билан боғлиқ бўлган барча асосий кўрсаткичларни аниқлашда кенг фойдаланилади. У маълум бир давр мобайнида корхонада ўртача қанча ходим банд бўлганлигини ифодалайди.

Меҳнат потенциали таркиби - нисбий кўрсаткич ҳисобланиб, у корхонадаги ходимларнинг малакалари бўйича улушини ифодалайди. Бундан ташқари ишчилар, хизматчилар, бошқарув ходимлари улушлари ва ҳоказо.

Меҳнат потенциали обороти - бу ҳисобот даврида кадрлар ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, ишга қабул қилинганлар ва ишдан бўшатирилганлар ҳиссасини ифодалайди.

Меҳнат потенциали қўнимсизлиги - ишдан бўшатирилганлар сонини ходимларнинг умумий сонига нисбати билан ифодаланади.

Меҳнат потенциали турғунлик кўрсаткичи ижобий кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, унинг ёрдамида корхонада 3 ва ундан ортиқ хизмат қилаётган ходимлар улушини топиши мумкин.

Меҳнат потенциали билан таъминловчи кўрсаткичларга: меҳнат потенциали билан штат жадвалининг таъминланганлиги; меҳнат потенциали сиғими, меҳнат потенциалининг қуролланганлиги; меҳнат потенциалининг айланма маблағлар билан таъминланганлиги киради.

Меҳнат потенциали билан штат жадвалининг қай даражада таъминланганлиги корхоналарда тегишли мутахассислар етарли эканлиги ёки янги мутахассисларни ишга қабул қилиш зарурлиги кабилар ифодаланади.

Меҳнат потенциали сиғими - бир иш бирлигига тўғри келадиган меҳнат потенциалини ифодалайди ва қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$MP_{sig} = MP / Q,$$

бунда: MP_{sig} - меҳнат потенциали сиғими, сўм;

MP - меҳнат потенциали, киши;

Q - иш бирлиги ҳажми, сўм.

Меҳнат потенциалининг қуролланганлиги ёрдамида бир ишчи кучига тўғри келадиган асосий воситалар ёки унинг тескари кўриниши бир сўмлик маҳсулотда қанча меҳнат потенциали ҳиссаси борлигини билиш мумкин:

$$MP_q = AF / MP,$$

бунда: MP_q - меҳнат потенциалининг қуролланганлиги, сўм;

AF - асосий воситалар қиймати, киши;

MP - меҳнат потенциали, сўм.

Меҳнат потенциалининг айланма маблағлар билан таъминланганлиги кўрсаткичли 1 сўмлик айланма маблағга қанча меҳнат потенциали тўғри келишини ифодалайди ёки унинг тескари кўриниши меҳнат потенциалининг қай даражада асосий воситалар билан таъминланганлигини ифодалайди.

Меҳнат потенциалининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини баҳолашда, асосий мезон қилиб эришилган натижани меҳнат потенциалига нисбати олинади:

$$Smp = Q / MP,$$

бунда: Smp - меҳнат потенциали самараси, сўм;

Q - эришилган натижа, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, минг сўм;

MP - меҳнат потенциали, киши.

Ушбу кўрсаткичларга меҳнат потенциали натижавийлиги; меҳнат потенциал рентабеллиги; меҳнат потенциали даромадлиги киради.

Меҳнат потенциали натижавийлиги кўрсаткичли, унинг унумдорлигини характерлаб, ишлаб чиқарилган маҳсулотни меҳнат потенциалига таққослаш орқали топилади:

$$MPn = Q / MP,$$

бунда: MPn - меҳнат потенциали натижавийлиги, сўм;

Q - ишлаб чиқарилган маҳсулот, минг сўм ҳисобида;

MP - меҳнат потенциали, киши.

Меҳнат потенциали самарадорлиги (рентабеллиги) кўрсаткичли бир ходим ҳисобига тўғри келадиган фойда суммаси билан ифодаланади:

$$MPr = \frac{F * 100}{MP}$$

бунда: MPr - меҳнат потенциали рентабеллиги;

F - олинган фойда, минг сўм;

MP - меҳнат потенциали, киши.

Меҳнат потенциали даромадлиги қуйидаги формула орқали ҳисобланиб, бир ходим ҳисобига олинган даромадни ифодалайди:

$$MPd = \frac{D * 100}{MP}$$

бунда: MPd - меҳнат потенциали даромадлиги, сўм;

D - йиллик олинган даромад суммаси, минг сўм;

MP - меҳнат потенциали, киши.

Ишлаб чиқариш корхоналарнинг ходимларини саноат ишлаб чиқариш ходимлари ва носаноат ишлаб чиқариш ходимлари сингари икки гуруҳга булиш мумкин. Саноат ишлаб чиқариш ходимлари асосий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан банд бўладилар. Бўларга корхона асосий ва ёрдамчи цехлари, бошқарув аппарати, лабораториялар, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш бюrolари ходимлари киради. Носаноат ишлаб чиқариш ходимларига уй-жой ва коммунал хўжалик, маданий- маиший, тиббий - санитария хизмати ва богча-яслиларнинг ходимлари киради. Илмий-техника тараққиёти жадал ривожланиши ва бозор шароитида рақобатнинг кучайиши оқибатида ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш, янги, замонавий технологияларни жорий қилиш даражаси ушиб бормокда. Фикримизча, бундай шароитда ходимларни тоифаларга ажратишга қуйидагича ёндошиш мақсадга мувофиқ.

- меҳнат предметларининг шаклини узгартириш билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажарувчилар (назоратчилар, транспорт ходимлари, маҳсулотни сакловчилар);
- меҳнат предметларининг шаклини сифат ва миқдор жиҳатдан узгартирадиган вазифаларни бажарувчилар (яъни технологик жараёнда иштирок этувчилар);
- меҳнат воситаларига хизмат кўрсатиш вазифасини бажарувчилар (созловчилар, таъмирловчилар, ва хоказо);
- ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш вазифасини бажарувчилар (меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, меҳнат шароитини яхшилаш ва хоказо)
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш вазифасини бажарувчилар.

Шунга кура саноат ишлаб чиқариш ходимлари бажарадиган вазифасининг характериға боғлиқ ҳолда ишчилар, муҳандис-техник ходимлар, хизматчилар, укувчилар, кичик хизмат курсатувчи ходимлар ва коровуллар каби тоифаларға ажратилади. Ишчилар билимиға ва малакасиға куйиладиган талаблар ягона тариф-малака маълумотномасида (ЯТММ), хизматчилар ва муҳандис - техник ходимларға куйиладиган талаблар эса касб стандартида уз аксини топади. Ходимларнинг таркибини, тузилишини ва ҳаракатини бир қатор коэффициентлар билан характерлаш мумкин:

1. Асосий ишчиларнинг сонини характерловчи коэффициент.

$$K_{ai} = 1 - P_{ep} / P_p,$$

бу ерда, P_{ep} - Корхонадаги ёрдамчи ишчиларнинг уртача руйхатдаги сони,

P_p - Корхонадаги жами ишчиларнинг уртача руйхатдаги сони,

2. Корхонадаги ходимларнинг таркибий тузилиши.

$$dP = P_i / P$$

Бу ерда: P_i -тоифадаги ишловчиларнинг уртача руйхатдаги сони.

3. Ходимларнинг ишдан кетиш коэффициенти.

$$K_{ик} = P_{ик} / P * 100 \%$$

Бу ерда: $P_{ик}$ - турли сабаблар билан ишдан кетганлар сони.

4. Ходимларни ишға қабул қилиш коэффициенти.

$$K_{кк} = P_{кк} / P * 100\%$$

Бу ерда: $P_{кк}$ - жами ишға қабул қилинганлар сони.

5. Ходимларнинг барқоролик коэффициенти.

$$K_{\bar{o}} = 1 - P_{yx} / P + P_{kk},$$

Бу ерда: P_{yx} - ҳисобот йилида корхонадан уз хохишига кура ва меҳнат интизомини бузганлиги сабабли ишдан кетган ходимлар сони.

P_{kk} - ҳисобот йилида ишга янги қабул қилинган ходимлар сони,

5. Ходимларнинг кунимсизлик коэффициенти.

$$K_k = (P_{ик} / P) * 100 \%$$

Бу ерда: $P_{ик}$ - ҳисобот йилида ишдан кетганлар сони.

12.2 Меҳнат унумдорлиги ва унинг кўрсаткичлари

Меҳнат унумдорлиги - киши меҳнатини маълум вақт бирлиги ичида маълум миқдордаги истеъмол қиймат яратилиш қобилятидир. Маълумки, истеъмол қиймат ҳажмини икки хил йўл билан амалга ошириш мумкин:

- 1) Кўп киши меҳнатини сарфлаш билан;
- 2) Меҳнат унумдорлигини даражасини ошириш билан. Биринчи кўрсаткич сарфланган меҳнатнинг ҳажмини ифодаласа, иккинчиси унинг сифатини ифодалайди.

Шунинг учун ҳам меҳнат унумдорлиги корхоналар хўжалик фаолиятини муҳим сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат унумдорлигини кутариш йули билан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш асосий интенсив усул ҳисобланади,

Саноатда меҳнат унумдорлигини тухтовсиз усиб боришини қуйидаги ҳолатлар тақозо қилади:

- 1) ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- 2) меҳнат ресурсларини чегараланганлиги;
- 3) моддий неъмат яратадиган бошқа соҳа тармоқларини ва моддий неъмат яратмайдиган соҳа тармоқларини ривожлантириш;
- 4) иш кунининг қисқарилиши, дам олиш кунларининг ортиши натижасида имкониятли иш вақтини қисқариши.

Меҳнат унумдорлиги меҳнат сарфи орқали ифодаланганида, унинг меъёр бўйича ва амалдаги сарфи курсатилади. Ҳар бир ходимнинг ишлаб чиқарган маҳсулот бирлиги йил давомида, квартал, ой, кун ва соат давомида ҳисобга олинади, Вақт бирлиги давомида ҳар бир ходимнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти натурал бирликларда (т, кг, дон ва ҳоказолар), меъёрланган- соатлар ёки маҳсулотнинг қиймати куринишида ифодаланиши мумкин. Натурал бирликлар орқали иқтисодиётнинг корхонанинг маҳсулоти билан таъминланганлиги даражаси курсатилади. Аммо корхоналарнинг ишлаб чиқаридиган маҳсулотлари турлича бўлгани учун, натурал кўрсаткичлардан

кенг фойдаланиб бўлмайди. Меҳнат миқдорини ҳисоблаш амалиётида киши-соат, киши-кун каби маълум вақт бирлиги ичида маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган иш вақти сарфидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу кўрсаткич умумий улчов бирлиги бўлиб ҳисобланади. Масалан, шартли маҳсулот (100 метр квадрат) бирлигига 5 соат сарф килинса, маҳсулотнинг меҳнат сарфи 5 киши - соатга тенг бўлади. Маҳсулотнинг меҳнат сарфи белгиланган меъёр ва амалдаги меъёр- соатларда ҳисобланади.

Қиймат усули меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда кенг қулланиладиган усуллардан биридир. Бу усул бўйича мазкур корхонада ва бошқа тармоқдаги етакчи корхонада ишлаб чиқарилаётган барча турдаги маҳсулотлар ҳажми қиймат кўрсаткичида (шартномавий баҳо, сотилган маҳсулот ҳажми) ифодаланади. Меҳнат унумдорлигини улчашнинг қиймат усули ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг фақат миқдорини курсатиб қолмасдан, балки унинг сифат узгаришларини ҳам ҳисоблаш имконини беради. Қиймат усулида курсатилган меҳнат унумдорлиги меҳнат ва меҳнатга ҳақ тўлаш кўрсаткичларининг узаро муносабатини ва уларнинг узгариш даражаларини солиштириш имконини беради. Маҳсулотнинг шартномавий баҳоси хомашё қийматини уз ичига олиши сабабли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментининг узгариши маҳсулот ҳажмининг узгаришига олиб келади. Шунинг учун меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш, уни таҳлил қилишда бирор бир кўрсаткичда эмас, балки мавжуд кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Меҳнат унумдорлигини устирувчи омиллар ва уларнинг таъсир даражасини қуйидагича ифодалаш мумкин. Бирор бир шартли маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида иш вақти сарфининг узгариши меҳнат унумдорлигининг ўсиш омили бўлиб ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигини устирувчи омиллар уларнинг умумий белгиларига қараб бирлаштирилади, улар ҳисобга олинади ва миқдорий жиҳатдан таҳлил қилинади. Меҳнат унумдорлигини устирувчи омилларнинг туркумларга бўлиниши (классификацияси) ҳар бир омилни алоҳида ҳисобга олишни зарур қилиб қўяди ва бир омилнинг бошқа омил билан икқиланишини мустасно этади.

Меҳнат унумдорлигига бир қатор омиллар таъсир қилади:

1. Ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш.

- ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш;
- янги турдаги дастгоҳларни жорий қилиш ;
- янги технологик жараёнларни жорий қилиш ;
- маҳсулотнинг тузилишини ўзгартириш;
- маҳсулот сифатини ошириш;

2. Меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш.

- меҳнат меъёрларини ошириш ва хизмат қилиш зоналарини кенгайтириш;
- меҳнат меъёрларини бажармайдиган ишчиларни камайтириш;
- бошқарув тузилишини соддалаштириш;

- ҳисоблаш ва ҳисоб -китоб ишларини механизациялаштириш;
- иш даврини узгартириш;
- ихтисослаштириш даражасини ошириш.

3. Табиий ва ташқи шароитларини узгартириш.

- хом-ашё базасини узгартириш;
- хом-ашёдаги фойдали моддаларни купайтириш;

4. Ишлаб чиқаришнинг тузилишини узгартириш.

- юқори навли маҳсулотларнинг солиштира вазнини купайтириш;
- ишлаб чиқариш дастурларининг меҳнат сигимини узгартириш;
- ярим фабрикат ва бутловчи маҳсулотлар солиштира вазнини купайтириш;
- янги маҳсулот солиштира вазнини купайтириш;

Меҳнат унумдорлиги даражаси ҳар хил усуллар ёрдамида аниқланади. У ёки бу усулни қўллаш қўйилган аниқ вазифага ва берилган маълумотларга боғлиқ бўлади.

Амалда меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1) Бевосита натурал усул - маҳсулот ҳажми бевосита натурал усулда улчанади ва у ходимлар сони ёки ана шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақтга бўлинади ва қуйидагича аниқланади:

$$MU = C/T$$

Натижада 1-ходимга ёки сарфланган вақт бирлигига қанча маҳсулот тўғри келиши аниқланади. Бу усул бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарида кенг қўлланилади. (қўмир қазиб чиқариш, газлама тўкиш ва х.з).

Бу усулни қўллаш маълум чегарага эга, чунки:

- а) ишлаб чиқарилган маҳсулот бир хил бўлиши ва унинг умумий ҳажми бир хил натурал кўрсаткичда ўлчаниши керак;
- б) ишлаб чиқариш оммавий ёки серияли бўлиши ва технологик жараёни узок бўлмаслиги керак.

Шу шароитлардан маълум бўладики, бу усулни асосан иш жойида ёки бригадада, цехда ёки корхонадагина қўллаш мумкин. Бу усулнинг камчилиги шундаки, унда маҳсулотнинг сифати ҳисобга олинмайди.

2) Шартли натурал усул - маҳсулот ҳажми шартли натурал усулда улчанади ва у ходимлар сони ёки ана шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақтга бўлинади ва қуйидагича аниқланади:

$$MU = (C \cdot K / T)$$

Шартли натурал усули ёрдами билан қазилган қўмирнинг калориясини, тайёрланган сутнинг ёғлилик даражаси эътиборга олиниб меҳнат унумдорлиги даражаси аниқланади.

3) Меҳнат усули - шу ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт киши соатлари ва киши минутларида ўлчанади ва у ишлаб чиқаришни маҳсулот ҳажмига бўлинади ва қуйидагича аниқланади:

$$I=T/(X$$

Натижада бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қанча вақт сарфлангани аниқланади. Бу усулни фақатгина бир корхона чегарасида қўллаш мумкин.

4) Қиймат усули - меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлашнинг энг кенг тарқалган ва универсал усулидир ва қуйидагича аниқланади:

$$MY= (X*Pn/T)-$$

Маълумки, ҳамма саноат маҳсулотлари ва кўрсатилган хизматлар учун баҳо белгиланади. Ана шу баҳони маҳсулот ҳажмига кўпайтириб, маҳсулотнинг қиймат шаклидаги ҳажми аниқланади ва уни ходимлар сони ёки сарфланган вақтга нисбатан олинади. Натижада 1 ходимга ёки сарфланган вақт бирлигига қанча маҳсулот тўғри келиши аниқланади.

12.3.Иш вақти тушунчаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш.

Ишчи ўз иш вақти давомида моддий бойлик яралади. Яъни, маҳсулот ишлаб чиқаради ёки хизмат кўрсатади, шу мақсадда сарфланган вақт иш вақти дейилади.

Иш вақти жонли ва буюмлашган меҳнат ўлчови бўлиб, ундан меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлашда фойдаланилади ҳамда меъёр белгиланиши асоси ҳисобланади. Меҳнатни меъёрлаштириш иш вақтига асосланган ҳолда меҳнатни тақсимлаш ва тартибга солиш имконини беради. Бу ҳолат тармоқ ёки халқ хўжалиги миқёсида меҳнат баланси ёрдамида ҳам аниқланиши мумкин. Иш вақти сарфи меъёрини белгиланиши меҳнат ўлчови ва иш ҳақи орасидаги боғлиқликни таъминлайди.

Иш вақтининг энг асосий характерли томони унинг давомийлиги ва интенсивлиги ҳисобланади.

Иш вақтининг ҳар бир бирлигида (соат, кун, ҳафта, ой) ишчи бир хил шароитда турли миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Бунга бир қатор сабаблар бўлади: ишлаб чиқаришни ташкил этилиши; ишчи қобилияти; иш шароити; меҳнат меъёри ва бошқалар.

Кўп камчиликлар меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этилишига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ишчи иш вақтини баҳолашда фақат уни узунлиги билан эмас, балки уни тиғизлиги ва натижаллиги билан ҳам баҳоланиши зарур. Иш вақтидаги узилиш, бўш туриб қолиши бартараф этиш меҳнат унумдорлиги ортишига олиб келади.

Аммо барча иш вақтини йўқотишни олдини олиш меҳнат унуми ортишига олиб келавермайди. Бу ҳолатда иш вақтидан фойдаланишни яхшилаш керак.

Шунинг учун иш вақти тушунчаси ўзига аниқлик киритишни талаб қилади: ишдан ташқари вақт, бўш вақт.

Ишчиларнинг умумий календар иш вақти фонди мазмунига кўра икки катта бўлимдан иборат: иш вақти ва ишдан ташқари вақт.

Иш вақтида моддий бойлик яратилади. Ишдан ташқари вақтини - бу календар фондидан иш вақтини чиқариб ташлаш орқали аниқланади. Бу вақтда ишчи дам олади, ухлайди, ўзининг маиший эҳтиёжларини таъминлайди.

Иш вақти билан ишдан ташқари вақт орасида узвий боғлиқлик мавжуд. Кўпроқ миқдор нуктаи назаридан боғлиқлик бўлади. Фақат кун ва ҳафтанинг давомийлиги доимий миқдор, аммо иш вақти ва ишдан ташқари вақт орасидаги муносабат ўзгариши мумкин. Бунинг ичида белгиловчиси иш вақти ҳисобланади, унинг давомийлиги қонунда қатъий белгилаб қўйилади.

Бугунги кунда республикамізда 5-6 кунлик иш вақти белгиланган бўлса, унинг давомийлиги 6-8 соат ҳисобланади.

Саноатда иш вақтининг давомийлигини ўртача вақти ҳозирда 40 соатни ташкил этади. Иш вақтининг давомийлигини қисқариши ишдан ташқари вақт ортишига олиб келади. Бўш вақт ҳиссасини ортиши ходимларнинг бошқа уй ишлари билан шуғулланиш имконини беради.

Шуни ҳам эсда тутиш керакки, иш вақти ва ишдан ташқари вақт орасидаги боғлиқлик фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки ишлаб чиқариш фаолияти мазмуни, иш вақти характери, бўш ва ишдан ташқари вақт тузилишига таъсир этади. Масалан, малакали фаолият учун ишчи ўз устида ишлаши, ўқиши зарур ва унинг акси.

Ишдан ташқари ва бўш вақт иш вақти самарадорлигига таъсир этади, у меҳнат унумдорлигини ортишига олиб келади. Яхши дам олмаслик, кўчиб юриш, ортиқча ҳаракат меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этади. Ишчининг руҳиятини туширади ва иш қобилиятини пасайтиради.

Иш вақтининг икки асосий тун иш вақти ҳажми ва календар вақтни фарқ қила билиш керак. Маълум бир ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун иш вақти ҳажми барча меҳнат харажат миқдори билан аниқланади. Бунда календар иш вақти фондига боғлиқ эмас.

Иш вақтини календар миқдорда ўлчаниши ишлаб чиқариш вақти давомийлигини характерлайди ёки маҳсулот бирлигига тўғри келадиган иш вақти ҳажмида иш вақти ҳажми билан календар иш вақти фонди бир-бири билан боғлиқ.

Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳақлари - бу меҳнат ресурсларини ишлаб чиқариш жараёнида қатнашуви баҳоси ҳисобланади. У маълум бир миқдорда сарфланган меҳнатнинг миқдори ва сифатига боғлиқ бўлади.

Бозор муносабатлари бозордаги мавжуд меҳнат ресурсларини тавсия этади, уларнинг ҳудудлар бўйлаб жойлашувини тақозо этади. қаерда ишчи кучига эҳтиёж

бўлса, шу ерда ҳаракат қилиши ва жамланишувини билдиради. Юқоридаги омилларнинг барчаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг аниқ шаклини юзага келтиради.

Бозор шароитида меҳнатга ҳақ тўлаш масалалари қуйидаги тамойилли ҳолатларга асосланган.

Тўғри режали бошқарув шароитидаги бар бир кишига меҳнат қилиш, дам олиш ҳуқуқлари бир оз сусаяди, бозор эса кўпроқ ушбу жараён натижаларига асосланади.

Маҳсулот ишлаб чиқарилади, бозорда сотилиш натижасида ўз харидорини топади. Демак, у ижтимоий-зарурий ҳисобланади. Шундай экан, коллективнинг ҳар бир аъзоси, ижтимоий маҳсулотнинг маълум бир қисмини шахсий эҳтиёжига олади.

Бозор конъюктураси ва истеъмолчи тан олиниши икки омилли айрим ишчилар ёки коллективнинг дарормад даражасини белгилайди. Бундай ҳолат аҳолининг кенг тоифаси билан ишлаб чиқарувчиларнинг боғлиқлигини оширади. Яратилган маҳсулот натижалари, унинг сифат даражаси, баҳоси иқтисодий жавобгарлик билан бир қаторда ортиб боради.

Меҳнатга қараб тақсимот ўзгаради, унга асос қилиб меҳнатга сарфланган харажат ишлаган иш вақти, унинг малака даражаси меҳнатни бозорда товар сифатида тан олиниши асос бўлади. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларининг бош манбаи товарларни сотишнинг бош мезони бўлиб қолади.

Бозор шароитида меҳнат ресурсларининг ҳаракатчанлиги ортади. У бир қатор омилларга боғлиқ бўлади. Корхоналарнинг йўналиши ўзгаради, сабаби бозор товарлар номенклатураси, сифатига янгидан-янги талабларни қўяди. Маълум бир ишлаб чиқариш йўқолиб борса, янги бир тизим юзага кела бошлайди. Унга асосий бўлмаган омил - миграция жараёни. Маълум бир коллективда ёки маълум иш шу жойида олдинги маҳсулотларни қатъий ишлаб чиқарилиши йўқолади. Ишчилар шундай иш жойларини ахтарадики, у ерда унинг қобилиятлари тўла намоён бўлади. Шу билан бир қаторда, салбий ҳолатлар ҳам юзага келади - хотиржамлик, ишончсизлилик ва унинг энг асосийси ишсизлик имконияти юзага келиши сезилади.

Тадбиркор ўз фаолияти давомида бир қатор ички ва ташқи омилларга дуч келади, уларнинг ҳаммаси тўланган бўлиши шарт. Станок, машина, қурилма, хомашё сотиб олади, ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Ишчиларни йўллайди ва уларга ҳақ тўлайди - мана шу иш ҳақи ҳисобланади.

Бир томондан меҳнатга тўлов ишчи ва хизматчиларнинг жисмоний ҳамда интеллектуал кучи харажатларини қоплаши керак. Иккинчи томондан бошқа корхоналарда шундай меҳнатга тўланаёлган ҳақ даражасидан келиб чиқиб, у норози бўлиб қолмаслиги ҳам зарур.

Аммо тадбиркорни бир қатор ташқи омиллар чегаралаб қўяди:

- давлат томонидан иш ҳақининг минимал (енг паст) даражаси белгилаб қўйилиши;
- бирлашган касаба уюшмалари талаблари;
- тадбиркор ва ишчи орасидаги шартнома шартлари ва ҳоказо.

Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишда тадбиркорларга қуйидагилар зарур:

- ўз корхонасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакли ва тизимини аниқлаш;
- бошқарув ходимлари, мутахассислар ва хизматчиларнинг ойлик маошлари тизимини ишлаб чиқиш;
- ишчилар, шу жумладан, бошқарув ходимларига мукофотлар тўлаш мезони ва даражаларини аниқлаш.


Тадбиркорлар ихтиёрида кўп имкониятлар мавжуд бўлади. Иш ҳақи шакли ва тизимини танлаш меҳнатга қўшимча ҳақ ҳисоблаш, рағбатлантириш ва бошқалар. Шунда раҳбарнинг уддабуронлиги, ишбилармонлиги уларнинг орасидан энг қулай ҳолатни танлаб олиш, у маълум бир миқдорда корхона фаолиятига мос келиши шарт.

Ҳозирги кунда кўпчилик корхоналарда кенг тарқалган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари қуйидагилар:

Ишбай - ҳар бир бажарилган иш ҳажми ёки маҳсулот бирлигига қараб ҳақ тўлаш.

Вақтбай - таъриф тизимида кўрсатилган меъёрий ишлаган иш вақтига қараб ҳақ тўлаш.

Бу икки шаклни қуйидаги -схема кўринишида келтириш мумкин:



- схема. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари.

Ишбай ҳақ тўлашнинг жорий этиш талаблари:

- маълум бир ишчининг ишлаган иш натижаларини аниқ ўлчовларда характерлаш имкони;
- бажарилган иш ҳажмини тўла ўлчаш имкони борлиги;
- ишчида ўз иш жойида маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш ёки иш ҳажмини орттириш мумкинлиги;
- келгусида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайиши имкониятларидан келиб чиқиб, аниқ бир ходимларни рағбатлантириш мумкинлиги;
- меҳнатнинг меъёрлашлариш техник имкониятлари мавжудлиги.

Қуйидаги ҳолатларни юзага келишида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай усулидан фойдаланиб бўлмайди:

- маҳсулот сифати пасайишига олиб келса;
- технологик режим бузилишига олиб келса;
- қурилмага хизмат кўрсатишни ёмонлаштира;
- техника хавфсизлиги қоидаларини бузса;
- хомашё ва материалларни ортиқча сарфланишига олиб келса.

Вақтбай меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари:

- маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг имкониятлари мавжуд эмаслиги;
- ишлаб чиқариш жараёни қаттиқ тақиқлаб қўйилганлиги;
- ишчининг асосий функцияси технологик жараёни назорат қилиш билан чегараланганлиги;
- қаттиқ белгиланган режим асосида ишлаб чиқаришнинг конвейир ва поток усуллари ҳаракал қилиши;
- маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайиши сифалсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келиши (бракка йўл қўйса).

Ҳар қандай аниқ бир корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот характери, маълум бир технологик жараён мавжудлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасига боғлиқ равишда меҳнатга ҳақ тўлашнинг у ёки бу шаклидан фойдаланилади.

Битта корхонанинг ўзида меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли шаклларида фойдаланиш мумкин.

Рсжали бошқарув даври сингари аниқ бир белгилаб қўйилган талаблар бозор шароитида мавжуд эмас. Шунинг учун тадбиркор ўз фаолиятида хоҳлаган усулни танлаши ва синаб кўриши мумкин, уларнинг қайси бири кўпроқ маъқул бўлса, уни кенг қўллаши мумкин.

Енди у ёки бу шаклдан фойдаланишда меҳнатга ҳақ тўлаш қандай аниқланишини кўриб чиқамиз.

Тўғри ишбай ҳақ тўлаш тизимида меҳнатга ҳақ ишлаб чиқарилган маҳсулотга қараб **расценкалар** асосида тўланади.

Якка ишбай **расценка** маҳсулот бирлигига қуйидаги тартибда қўйилади:

$$Y_{aR} Y_{as} / V_{s.m.} \text{ ёки } Y_{as} = Y_{as} * t_n$$

бунда: Y_a - соатлик таъриф ставкаси, бажарилаётган иш таъриф разрядига мос равишда қўйилади;

$V_{s.m}$ - маълум бир маҳсулотнинг бир соатда ишлаб чиқариш меъёри;

t_n - маҳсулот бирлигига иш вақти меъёри. Умумий ишлаган иш ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажмини унинг ҳақ меъёрига кўпайтириш орқали аниқланади.

Ишбай мукофот шаклида ишчи ишлаб чиқарган маҳсулотига тўғри ҳақ олиш билан бир қаторда қўшимча мукофот ҳам олади. Аммо, бунда аниқ бир белгиланган кўрсаткич бўлиши керак, унинг асосида мукофотлаш амалга оширилади. Бу қарор бар бир бажарувчига етказилади. Асосийси шундаки, янги қабул қилинган ишчилар ҳам бу қарор билан таништирилиши шарт. Бундан ташқари, мукофот миқдори топшириқни бажарганлиги ва орттириб бажарганлиги учун аниқ белгилаб қўйилиши керак. Бундай кўрсаткичлар меҳнат унумдорлигини ортиши, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ортиши, меҳнат сиғимини пасайиши, меҳнат меъёрларини бажарилиши, ишлаб чиқариш топшириқларини бажарилиши, шахсий топшириқлар бажарилиши, маҳсулот сифати ортиши, нави яхшиланиши, бракка йўл қўймаслик, меъёрлаштирилган техник-хужжатлар ҳамда андозаларга риоя қилиш, хомашё ва материалларни иқтисод қилиш ва бошқалардан иборат бўлади.

Кўрсаткичлар таркиби сони у ёки бу корхонада аниқ бир шароитдан келиб чиқиб орттирилиши мумкин. Масалан, маҳсулотга харидорлар сони ортади, четга чиқариш имкониятлари юзага келади, меҳнат интизоми яхшиланди ва бошқалар. Шуни ҳам эсда тутиш керакки, уларнинг сони ўта ортиб кетмаслиги лозим. Тажриба шуни кўрсатдики, мукофотлаш кўрсаткичлар ўртасида 5 - 7 тани ташкил этса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ундан ортиғи тан олинмайди, ишчиларда ҳам эслаб қолиш қобилиятини йўқотади.

Ёндошма-ишбай шаклда иш ҳақи миқдори иш натижасига ва хизмат қилаётган ишчи ва ходимлар иш ҳақларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Бу тизим, асосан, ёрдамчи хўжалик ходимларига ҳақ тўлашда мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ёндошма ишбай рассенка ($Y_{a_{yo}}$) хизмат қилаётган ишчилар иш меъёри ва улар сонига қараб белгиланади ҳамда қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$Y_{a_{yo}} = V_s / R,$$

бунда: Y_a - ёндошма ишбай тизимида ҳақ тўланган хизмат қилувчи ходимларга соатлик тариф ставкаси, сўм;

V_s - битта хизмат кўрсатаётган ишчининг соатлик ишлаб чиқарган маҳсулоти;

R - хизмат қилаётган ишчилар сони. Иш ҳақининг умумий суммаси ёрдамчи ходимлар **ставкасини**, хизмат кўрсатувчи-ишбай ходимлар меъёри ўртача бажарилиши даражасига кўпайтириш орқали ҳисобланади ёки ёндошма ишбай

рассенкани хизмат кўрсатаётган ишчиларнинг ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулотига кўпайтириш орқали топилади:

$$Ya_{UM} = Ya_{S.R.} * F^{yoxk} * U / 100$$

бунда: Ya_{UM} - ишчиларнинг умумий иш ҳақи, сўм;
 $Ya_{S.R.}$ - ёндошма ишбай тизимида ўтказилган ёрдамчи ишчиларнинг ўртача соатлик тариф ставкаси;
 F^{yoxk} - ёрдамчи ходимлар томонидан ишлаган иш кунлари, киши-соат;
 U - барча хизмат кўрсатувчи ходимлар ишлаб чиқариш меъёрини ўртача тортқичли фоиз бажарилиши.

Аккорд - ишбай ҳақ тўлашда рассенка барча иш ҳажмига ҳаракатдаги меъёрларга асосланиб белгиланади. Бу иш ҳақи тўлаш тизимида муддатидан олдин бажарганлиги учун мукофотланади ёки меҳнат унумдорлиги ортиши рағбатлантирилади.

Ишбай илғор меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида ишчи ва хизматчилар меҳнати тўғридан-тўғри меъёрида бажарилиши даражасида амалга оширилади, меъёрдан ортиқча бажарилган қисмига оширилган рассенкларда иш ҳақи ҳисобланади.

Ишбай - илғор иш ҳақи тизимида иш ҳақи қабул қилинган илғор тўловга боғлиқ равишда аниқланади (тўла иш ҳажми ёки меъёрдан ортиқча чиқарилган иш қисмига):

$$IX_{IR} = IX_{IR} + \lambda IX_{IS} (J_N - J_{BAZ}) * q_{r.o'.d.} / J_m;$$

$$IX_{SP} = IX_{IR} + IX_{IL.R.} (q_{a.r.n.o'}^1 - 1);$$

бунда: IX_{IR} - ишчининг асосий иш ҳақи суммаси, тўғридан тўғри ишбай рассенка орқали ҳисобланган, сўм;

$IX_{IL.R.}$ - ишбай ишловчи иш ҳақи суммаси, илғор иш ҳақи шаклида тўланган ишнинг бир қисмига;

J_N - ишчилар томонидан ишлаб чиқариш меъёрий бажарилиши, % ларда;

J_{BAZ} - ишлаб чиқариш меъёрининг базис даражаси, ундан ортиб кетган қисмига оширилган тўлов жорий этилади, % ҳисобида;

$q_{r.o'.d.}$ - меъёрдан юқори ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобига рассенкани ўсиш даражаси;

$q_{a.r.n.o'}^1$ - илғор ишбай рассенкани асосий рассенкага нисбатан ўзгариши коэффициенти.

Ишбай илғор меҳнатга ҳақ тўлаш тизimini қўллашда базавий меъёрни аниқлашга, рассенка ортишини самарали шкаласини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳисоби ва ҳақиқий ишлаган иш вақтига алоҳида эътибор бериш керак.

Ишбай меҳнатга ҳақ тўлаш тизими - якка тартибда ҳам қўлланиши мумкин. Ҳар бир ходимга алоҳида ёки жамоа шаклида тўланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг пудрат шакли кенг тарқалган. Бу тизимнинг моҳияти шундан иборатки, бир томон маълум бир ишни бажаришни ўз зиммасига олади, иккинчи томон иш бажарилгандан сўнг ҳақ тўлашни зиммасига олади. Бригададаги ишчилар иш ҳақлари (IX_{BR}) бригада томонидан ҳақиқий бажарилган иш ҳажмини бир иш бирлигига тўланадиган иш ҳақи миқдорига кўпайтириши орқали аниқланади.

$$IX_{br} = IX_{br}^{i.b.} * Q_{br}^{haq}$$

Агар бригада ҳар хил турдаги ишларни бажарса, улар ҳар хил рассенкалар билан боғланади ва қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$IX_{br} = \sum_{i=1}^n IX_{br}^{i.b.} * Q_{br}^{haq}$$

бунда: i - аниқ бир иш турларини билдиради.

Вақтбай иш ҳақи - ишчи сарфлаган иш вақтига қараб манфаатдор бўлади. Шу билан бир қаторда ишчи кучи оддий ва мураккаб, паст-юқори малакали бўлиши мумкин. Улар таъриф тизимида ҳисобга олинади. Таъриф тизимининг асосий элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

Таъриф ставкаси - вақт бирлигида турли иш ҳақларининг абсолют миқдори.

Бошланғич база қилиб, энг паст таъриф ставкаси ёки биринчи таъриф разряд ставкаси олинади. У ўта оддий бўлган меҳнат даражасига қараб аниқланади. Таъриф ставкаси соатли ва кунлик бўлиши мумкин.

Таъриф ставкасидан малакасига, даражасига қараб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ташкил этишда фойдаланилади. Таъриф разрядлари ва уларга мос таъриф коэффициентлари тўпламидир. Энг паст разряд таъриф коэффициенти бирга тенглаштириб олинади. Кейинги разрядларни қанча даражада биринчи разрядга нисбатан юқори эканлигини билдиради.

Вақтбай иш ҳақи тизими ҳам ўз навбатида оддий вақтбай ва мукофотли вақтбайга бўлинади.

Оддий вақтбай иш ҳақи тўлаш тизимида бир соатлик таъриф ставкасини ишлаган соатлар ҳажмига кўпайтириш орқали топилади:

$$IX_{OD} = IX_S * t_{IshChR}$$

Ойлик меҳнатга ҳақ тўлашда ишчини иш ҳақлари қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$IX_{OD} = IX_{O.Y} / t_{H.I.S}$$

бунда: $IX_{O.Y}$ - ишчини ойлик вақтбай иш ҳақи, сўм;

t_{IshChR} - ойда график бўйича иш соатлари сони;

t_{HLS} -ишчи ломонидан ҳақиқий ишлаган иш соатлари.

Мутахассислар, раҳбар ходимлар ва хизматчиларга ҳақ тўлашда мансаб окладлари тизимидан кенг фойдаланилади. Мансаб оклади - ўша эгаллаб турган лавозимга белгиланган иш ҳақи миқдори. У маълум бир оралиқда энг паст даражадан энг юқори даражагача белгиланиши мумкин.

Саноат корхоналарида ишчиларга иш ҳақи тўлаш тариф тизими орқали бажарилади. Бунда иш ҳақи миқдори сарфланган вақт ёки иш хажмидан ташқари бажариладиган ишнинг оғирлиги, саломатликка зарар етказиш даражаси, ишнинг бажарилиши интенсивлиги даражаси ва унинг малака даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Тариф тизими тариф сеткалари, тариф ставкалари, тариф коэффициентлари ва тариф малака маълумотномасидан иборат бўлади. Тариф сеткаси разрядлар сони ва тариф коэффициенти билан ҳарактерланади. Ҳар бир разрядга мос тариф коэффициенти туғри келади. 22 разрядли тариф сеткасига биноан 0 разряднинг тариф коэффициенти 1,000 га тенг. Ундан кейинги тариф разрядларининг коэффициенти шунга мувофиқ коэффициент билан ҳисобланади. Мисол тариқасида баъзи разрядларга мос коэффициентлар қийматини келтириш мумкин:

I – 2,181; II-2,400; III -2,641; IV -2,904; V-3,181; VI -3,471. ва ҳоказо.

Тариф коэффициентлари у ёки бу разряддаги ишчи иш ҳақи I-разрядли ишчининг иш ҳақидагн қанча куплигини билдиради. Ҳар бир разрядга тариф ставкалари қабул қилинган. Тариф ставкалари ишчига вақт бирлигида меҳнатига туланадиган иш ҳақи миқдорини кўрсатади.

Оғир меҳнатли ва саломатликка зарар етказадиган ишларни корхонанинг узи меҳнат шароитга қараб санэпидстация ходимлари билан биргаликда белгилайди. Ишларнинг оғир-енгилик даражасига ва унинг соғлиқка зарар етказиш даражасига қараб 4, 8, 12 % миқдорида қушимча ҳақ ажратилади. Тариф - малака маълумотномасида ҳамма бажарилиши керак бўлган ишларнинг малакаси уларга туғри келадиган разрядлар ва ишларнинг бажарилиши вақтига қупайтирилиши керак.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати биринчи уринда турганлиги сабабли кейинги вақтларда ҳақ тўлашнинг вақтбай муқофот шакли қупрок қулланилмоқда, чунки юқори автоматлашган ва механизациялашган корхоналарда ишчиларнинг асосий иш функциялари ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилишдан иборат бўлиб қолади. Технологик жараёни маълум вақтда бажарилиши шарт бўлган соҳаларда ишлаб чиқариш автоматлаштирилади. Бундай ҳолларда поток усуллари кенг қулланилади. Поток усули корхоналарда булса ишлаб чиқариш жараёнининг урталарида ярим тайёр маҳсулотнинг қалашиб ётиши мумкин

эмас. Шунинг учун ҳам ишчиларнинг ҳар хил ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариши талабга тугри келмайди.

Яқин тарихимиздаги манбаларда иш ҳақи миллий даромаднинг бир қисми бўлиб, шахсий эҳтиёжларни қондириш учун меҳнат миқдори ва сифатига боғлиқ ҳолда давлат томонидан ажратилиши кўрсатилган. Бирок, ҳозирги ўтиш даврида иш ҳақининг моҳияти тубдан ўзгарди. Биринчидан, унинг фақат иқтисодий томони ҳисобга олинмасдан, балки ижтимоий характери ҳам очилди; иккинчидан, меҳнат миқдорига пропорционал равишда миллий даромаддаги улуши ҳақидаги ноаниқ тушунча урнига иш ҳақи ўлчови мезонлари қўлланилмоқда; учинчидан, янги тушунчада давлатнинг роли кўрсатилмаган, чунки иш ҳақи мустақил субъект сифатидаги корхона даражасида ҳисобланади, сабаби корхона иш ҳақини уз даромад манбалари ҳисобига беради; туртинчидан, иш ҳақининг ўтиш давридаги моҳияти ишловчининг оила аъзолари учун маблағ миқдорини ҳисобга олган ҳолда иш кучини такрор ишлаб чиқариш имконини беради.

Иш ҳақиға ажратилган маблағлар манбалари бўйича фаркланади:

- 1) иш кучи баҳосини ҳарактерловчи давлат маблағлари;
- 2) иш берувчиларнинг иш кучига қилган харажатлари;
- 3) ишловчининг жорий даромадларини ҳосил қилувчи товон тўловлари.

Ишловчининг жорий даромадлари маҳсус ҳосил қилинган жамғармалардан иш ҳақи ҳолида туланади. Бу жамғарма турли вақтларда турлича аталди: иш ҳақи фонди, меҳнатға ҳақ тўлаш фонди ёки истеъмол фонди.

Яқин ўтмиш амалиётимизда маъмурий буйруқбозлик тизими иқтисодиётида иш ҳақиға ажратилган маблағлар иш ҳақи жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилди. У эса корхонанинг асосий харажат моддаларидан бири эди ва 10 % дан 70 % гача улушини ҳосил қилар эди. Иш ҳақи жамғармаси ҳар хил расмий белгиланган усуллар бўйича фаолият ҳажмини ҳисобға олган ҳолда аниқланади. 1972 йилдан бошлаб иқтисодиёт тармоқларида рағбатлантириш жамғармасидан, жумладан фойда ҳисобидан ҳосил қилинадиган моддий рағбатлантириш жамғармасидан фойдаланила бошланди. Хизматчиларға мукофотни моддий рағбанлантириш жамғармасидан берила бошланади. Бундай ёндашув раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг фойдани ҳосил қилишдаги ўрнини кўрсатади. Кейинчалик, бошқа рағбанлантиришлар, жумладан «ўн учинчи маош» ҳам моддий рағбанлантириш жамғармаси ҳисобидан амалға ошириладиган бўлди.

Аста секинлик билан хўжалик юритишнинг янги усуллариға ўтилиши муносабати билан корхоналарда меҳнатға ҳақ тўлаш жамғармаси ҳосил қилинадиган бўлди. Бу жамғарма иш ҳақи жамғармаси маблағлари билан аввалги моддий рағбанлантириш жамғармаси ҳисобидан бериладиган тўловлардан иборат эди ва корхонада ишлаб чиқариш ва муомала харажатларининг асосий моддаларидан бири бўлди.

Жамиятимизда бозор муносабатлари шаклланишининг илк даврларида иш ҳақи тўловлари учун Ўзбекистонда истеъмол жамғармалари қўлланила бошланди. Унинг пайдо бўлиши бозор муносабатларининг бошланиши, тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромадларни ҳисобга олиш ва дивидентларни тўлаш зарурлиги билан боғлиқ. Янги жамғарма корхона харажатларига кирадиган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ташқари акциялар бўйича даромадлар (дивидент, фоизлар)ни, фойда ҳисобидан меҳнат ва ижтимоий имтиёзлар бўйича сарфланадиган маблағларни ўз ичига олади.

Юқорида таъкидланган, иш ҳақи жамғармаси, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ва истеъмол жамғармаси устувор иқтисодий механизмдан келиб чиққан ҳолда, амалиётда меҳнатга ҳақ тўлаш билан корхона фаолиятининг охириги натижалари ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида янги тариф ставкаларига ўтилиши муносабати билан, корхоналарда аввалгидай харажатлар таркибига кирадиган иш ҳақи жамғармалари ҳосил қилиниб, у билан бирга ижтимоий ҳарактердаги бошқа тўловлар ҳам амалга оширила бошланди.

Ҳозирги вақтда меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари турлича бўлиб корхонадаги ҳар бир ходимнинг пул даромадлари ҳукмрон иқтисодий механизмга таянган ҳолда, қуйидаги таркибга эга бўлиши мумкин.

- иш ҳақи жамғармаси маблағлари;
- ижтимоий ҳарактердаги тўловлар;
- бошқа тўловлар.

Иш ҳақи жамғармаси – пул маблағларидан иборат бўлиб, корхона ходимларига иш ҳақи тўлаш учун белгиланган. Бу жамғарма ҳозирда ҳам аввалгидай, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларининг асосий моддаларидан ҳисобланади. Келажакда иш кучи қийматининг ўсиши туфайли бу харажатларнинг янада ортиши кузатилади.

Ҳозирги шароитда иш ҳақи жамғармасининг таркиби қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ишланган вақт учун тўловлар:

- мансаб-лавозим маошлари ва тариф ставкалари бўйича иш ҳақи тўловлари;
- ишбай ифодадаги иш ҳақи;
- натурал тўлов шаклида берилган маҳсулот қиймати;
- тўлов манбаларидан қатъий назар мукофот ва рағбанлантиришлар;
- рағбатлантирувчи ва товон тўловларининг ҳамда устамаларининг асосий қисми;
- уриндошлик бўйича иш ҳақи тўловлари;
- фуқаролик бўйича иш ҳақи тўловлари;

2. Ишланмаган вақт учун тўловлар:

- йиллик ва куёимча таътиллار тўлови;
- уймишларнинг имтиёзли соатлари учун тўловлар;
- уқов таътилларининг тўлови;

- давлат ва ижтимоий мажбуриятларни бажаришга жалб қилинадиган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш;
- донор ходимларга ҳақ тўлаш;
- ходимга боғлиқ бўлмаган туриб қолишлар учун ҳақ тўлаш;
- мажбурий тухташлар учун ҳақ тўлаш ва бошқалар.

Шунингдек, бир марталик тақдирловчи тўловлар ҳам иш ҳақи жамғармасига қўйилади:

- бир марталик мукофотлар;
- йил натижалари ва иш стажи бўйича мукофотлаш;
- моддий ёрдам;
- фойдаланилмаган таътил учун тўловлар.

Бундан ташқари, иш ҳақи жамғармасига қисман ёки тулалигича коммунал хизматлар, яшаш учун, овқатланиш учун тўловлар қиймати ҳам қиради.

Ижтимоий тўловлар ҳам уз табиатига қура иш ҳақига яқин туради, бироқ бу тўловлар корхона маблағларидан берилса ҳам иш ҳақи жамғармасига қўйилмайди. Амалиётда бундай тўловларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхона ходимларининг нафақаларига устамалар ва нафақага чиқаётган меҳнат фахрийларига бир марталик тўловлар;
- кунгилли тиббий сугурта йигимлари;
- соғлиқни сақлаш хизматлари харажатлари;
- саёхатга, дам олишга ва даволанишга бериладиган йўлланмаларнинг корхона маблағи ҳисобидан туланиши;
- соғломлаштириш гуруҳига, спорт секцияларига абонементларни тўлаш, протезлаш харажатларини қоплаш;
- корхона ходимларининг болалари учун богча-ясли харажатларини тўлаш;
- меҳнат мажбуриятларини бажариш вақтида олинган турли хил жароҳатлар, пайдо бўлган касб касалликлари ва бошқа зарарлар учун ҳамда боқувчисини йўқитганларга бериладиган тўловлар;
- маънавий зарарлар учун тоғон тўловлари;
- меҳнат шартномасини тухтатганда бериладиган тўловлар;
- иш жойига қатнаш харажатларини тўлаш;
- баъзи ходимларга оилавий шароит туфайли бериладиган моддий ёрдамлар;
- турли - уқов юртлирида сиртдан таълим олаётган ходимлар учун стипендия тўловлари;
- қитоб, дарслик ва бошқа нашриёт маҳсулотларини харид қилгани учун педагогик ходимларга тоғон тўловлари ва бошқалар.

Бу иққала гуруҳга ҳам қирмаган бошқа тўловлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам ходимларнинг меҳнат даромадларини оширади. Буларга:

- акциялар ва бошқа қимматли қогозлар бўйича даромадлар;

- вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, хомиладорлиги, ёш болага қараганлиги туфайли бериладиган бюджетдан ташқари жамғармалар тўловлари;
- муаллифлик рағбанлантиришлари;
- текинга берилган иш кийимининг қиймати ёки уни арзонлаштирилган нархда сотишдаги имтиёз қиймати;
- махсус кийим, пойафзал ва бошқа ҳимоя воситаларининг, зарарсизлантириш воситаларининг, сут ва бошқа даволаш – профилактика овқатлантиришларнинг қиймати;
- сафар харажатлари;
- ишнинг кучма ҳарактери ҳисобига бериладиган устамалар;
- вахта иши учун бериладиган устамалар;
- ходимларни уқув юртларида пуллик қайта тайёрлаш харажатлари;
- ходим мулкига берилган яшаш жойи қиймати;
- корхона ихтиёрида бўлган ёки ҳамкорликда яшаш жойлари,- уқув юртлари, тиббий муассаса, дам олиш жойлари, ошхоналар, кутуб-хона, спорт иншоотлари ва бошқа объектларни таъмирлаш ва сақлаш харажатлари;
- оммавий тадбирларни утказиш учун олинган бино ва иншоотларнинг ижара тўловлари;
- дам олиш, ёки хордик чиқариш учун амалга ошириладиган маданий-маърифий-оммавий тадбирларнинг харажатлари;
- спорт кийимлари, инвентарлар, маданий тадбирлар учун кийимбошлар харид қилиш ёки уларни прокатга олиш харажатлари;
- ҳар хил сотув ярмаркаларини, тугаракларни ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар;
- корхона атрофини ободонлаштириш харажатлари ва ҳ.

Корхонада иш ҳақи жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишни ташкил қилиш учун тахмина (смета) тузилади. Тахмина (смета) йил учун яхлит ҳолда ва чораклар бўйича қилинади. Маблағлардан фойдаланиш йуналишлари, уларнинг миқдори ва ҳар бир йуналиш улуши сметада уз аксини топади. Иш ҳақи тўловлари учун тахмина (смета) ходимларнинг икки гуруҳига тузилиши мумкин: мукофотлашнинг уртача миқдорини таккислаш ва маблағлардан фойдаланишни назорат қилиш учун ишчилар ва хизматчиларга алоҳида смета қилинади.

Юқорида таъкидланганидек, иш ҳақиға ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг асосий йуналишлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- мансаб маошлари ва тариф ставкаларига бериладиган маблағлар;
- ишбай иш ҳақи шаклидаги ходимларга тўловлар;
- кушимчалар ва устамалар;
- жорий мукофотлар;
- иш натижалари ва стажи бўйича рағбанлантиришлар;

- махсус тизимлар бўйича мукофотлар;
- бир марталик тақдирлашлар;
- овкатланиш учун тўловлар;
- таътил тўловлари;
- доимий таркибда бўлмаган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва ҳ.

Шунингдек смета, ижтимоий ҳарактердаги тўловлар учун ҳам тузилиши мумкин.

Ҳисобот даврининг охирида амалдаги харажатлар смета билан таққисланади. Тахмина (смета) ошиқча харажатларни аниқлаш ва уларни қисқартириш корхона маблағини тежаш имконини беради.

Бозор муносабатларига утишнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлаш маблағларининг шакллантирилиши ва сарфланиши қатъий назорат қилинди. Шу мақсадда меҳнатга ҳақ тўлаш маблағларини меъёрлаштириш амалга оширилди. Белгиланган меъёрдан ошган маблағлар оширилган солиққа тортилди. Бирок бозор муносабатлари шароитида ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида босқичма – босқич бундай тартиб бекор қилинди.

Ҳозирги пайтда корхоналарда иш ҳақи жамғармаси зарур микдорда ҳосил қилинади. Иш ҳақи жамғармаси маблағлари қупайтирилганда потенциал фойда камаяди, ва аксинча иш ҳақи маблағлари камайирилса, харажатлар ҳам камаяди ва фойда усади. Лекин меҳнатга ҳақ тўлаш маблағларининг камайиши асосланган бўлиши керак ва меҳнат қонунларига зид бўлмаслиги лозим. Шунинг учун бизнинг фикримизча, корхонада иш ҳақи маблағлари ҳолатини қасаба уюшмаси доимий равишда назорат қилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакат иқтисодиёти ҳолати ва ривожланишини таҳлил қилишда уртача иш ҳақи кўрсаткичи муҳим дастак ҳисобланади. Бу дастак мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларида, бошқа мамлакатларда меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини таққислаш имконини беради. Бу кўрсаткич корхоналар, тармоқлар ва фаолият соҳалари бўйича ҳисобланади. Бунда ҳисоблар алоҳида тойифалар – хизматчилар ва ишчилар бўйича бажарилиши мақсадга мувофиқ.

Маҳсулотнинг рақобатбардорлигини баҳолашда меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси муҳим аҳамиятга эга. Айни вақтда меҳнат ҳақи – ишчи кучининг иррационал ифодаси бўлгани ҳолда кадрларнинг уз қобилиятларини намоён этишларида асосий рағбатлантирувчи манба бўлиб ҳисобланади.

Инфляция - пулнинг қадрсизланиши демакдир. Инфляция муомаладаги пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлишидир. Инфляция товар баҳосининг очик ва яширин равишда ошиб кетишига олиб келади. Баҳолар индекси орқали инфляциянинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, унинг жиддийлиги аниқланади.

Ортиқча микдорда пул бирликларини муомалага чиқариш, товар ишлаб чиқаришнинг тўлов қобилиятига эга талаб устиидан орқада қолиши бозорда талабга

жавоб бермайдиган товарларнинг купайиб кетиши ва бошқа омиллар инфляцияни юзага келтиради. Бундан ташқари, нарх белгилашнинг монополлашуви, кредитнинг хаддан ташқари ривожланиб кетиши, давлатнинг улкан ноишлаб чиқариш харажатлари инфляциянинг асосий сабаблари ҳисобланади.

Ҳозир давлатимизда мавжуд инфляция иқтисодиёт тузилишида содир бўлаётган узгаришлар туфайли юзага келган. Инфляциянинг 2 фоиз миқдорида бўлиши макбул ҳолат ҳисобланади

Таянч иборалар

Меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимларнинг функционал таркиби, меҳнат унумдорлиги, ишбай иш ҳақи, вақтбай иш ҳақи, асосий ишчилар, ёрдамчи ишчилар, асосий ишчиларнинг сонини характерловчи коэффиценти, ходимларнинг барқарорлик коэффиценти, ходимларнинг ишдан кетиш коэффиценти, меҳнат ресурсларини чегаранланганлиги.

Назорат саволлари:

1. Корхонада ходимларнинг сони ва таркиби қандай аниқланади?
2. Ишчи кучи ҳаракатини ифодаловчи қандай кўрсаткичларни биласиз?
3. Меҳнат унумдорлиги нима ва у корхонада қандай аниқланади?
4. Меҳнат унумдорлигини устириш омилларига нималар киради?
5. Меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлаш қандай усулларини биласиз?

ХПШ БОБ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ФОЙДА.

13.1. Корхона ишлаб чиқариш харажатлари таркиби.

Корхонада ишлаб чиқариш харажатлари корхона фаолияти учун муҳим рол уйнайди, чунки маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари қанча кам бўлса корхона фойдаси ва рентабеллиги шунча ошади. Корхона сарф харажатлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- 1) маҳсулот ишлаб чиқариш таннари;
- 2) давр харажатлари;
- 3) молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- 4) фавкулотда зарарларни олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда қабул қилган 64 қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (хизматлар)нинг сотиш харажатларининг тузилиши ва молиявий натижаларнинг ташкил топиши қоидалари”га асосан корхоналарнинг харажат моддалари қуйидагилардан ташкил топади:

Ишлаб чиқариш харажатлари таркиби:

А) маҳсулот таннари:

Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари:

- маҳсулотга қушиладиган ҳом ашё ва материаллар – сотиб олинган материаллар (ишлаб чиқаришни меъёрида ўтишини таъминлаш, эҳтиёт қисмлар, маҳсулотларни ураш, жойлаш учун материаллар ва х.к);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга хизматлар ва ишлар;
- табиий ҳом ашё (сув, ёғоч ва х.к);
- энергия ва ёқилгининг ҳамма турлари;
- материалларнинг табиий камайиши.

Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга тўловлар:

- бажарилган ишлар учун тўловлар;
- қўшимча тўловлар;
- ишланмаган вақтлар учун тўловлар.

Ижтимоий суғуртага ажратмалар:

- иш ҳақи фондига нисбатан ажратмалар;
- нодавлат нафақа фондига, ихтиёрий тиббий суғуртага ва бошқа ихтиёрий тўловлар.

Асосий фондлар ва номатериал активлар амортизацияси:

- асосий фондларнинг эскиришига қараб бош бирламчи баҳодан ажратма.

Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар:

- ишлаб чиқариш жараёнига кўрсатилган хизматлар;
- ишлаб чиқариш ҳом ашё ва материаллар билан таъминлаш;
- асосий фондларни ишчи ҳолда сақлаш харажатлари;
- ут учиришни таъминлаш ва қоровуллар;
- ишлаб чиқариш асосий фондларининг ижара ҳақи.

Б) Давр харажатлари:

Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар:

- товарларни ташиш харажатлари;
- савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг муомала харажатлари;

Маъмурий харажатлар:

- бошқарув ходимларининг меҳнат тўловлари;
- уларга сугўрта ажратмалари;
- хизмат автомобилларини асраш;
- бошқарувнинг техник воситалари, алоқа, сигнализация, ҳисоблаш маркази ва х.к.
- бошқарувдаги асосий фондлар амортизацияси;
- хизмат сафари харажатлари.

Бошқа операцион харажатлар:

- кадрлар тайёрлаш;
- кўрилишдаги камчиликларни йўқотиш;
- маслахатлар бериш ва ахборотлар хизмати тўловлари, аудитлар хизмати тўловлари ва х.к.

В) Молиявий фаолият харажатлари:

- банкларнинг узоқ ва қисқа муддатли кредитлари учун тўловлар;
- узоқ муддатли ижара учун тўловлар;
- валюта курсининг ўзгариши сабабли фойда ва зарарлар;
- корхонанинг ўз қимматбаҳо коғозларини чиқариш ва тарқатиш харажатлари.

Г) Фавқулодда зарарлар:

- бўларга қутилмаган ҳолда юз берадиган зарарлар киради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, янгича шароитда маҳсулот таннархига тижорат, маъмурий, умумхўжалик ва молиявий харажатлар киритилмайди. Балки улар ҳар даврнинг ўзида корхона фойда суммаси ҳисобидан копланadi ва бу ҳолат миллий ҳисоблар тизимида мос келади.

Давр харажатлари - корхоналар фаолиятида янги кўрсаткич ҳисобланади. Бу харажатлар бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ эмас.

Бўларга ишлаб чиқаришни бошқариш, тижорат харажатлари, умумхўжалик харажатлари шу жумладан илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик харажатлари киради. Улар умумхўжалик харажатлари бўлиб, уларнинг ҳажми ишлаб чиқариш маҳсулот ҳажми билан боғлиқ эмас, балки давр, вақт билан боғлиқ.

13.2. Маҳсулот таннархи ва унинг таркиби.

Маҳсулот таннархи корхона маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган, пул билан ифодаланган харажатларнинг йиғиндисидир. Маҳсулот таннархининг маълум даражаси жуда кўп ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро таъсир натижасидир. Масалан, таннархнинг пасайишига меҳнат унумдорлигининг ошиши, ҳом ашё, электроэнергия, ёқилғи материалларнинг тежаб тергаб сарф қилиниши, асбоб

ускуналардан фойдаланиш даражасининг оширилиши, брак, бекор туришларнинг камайтирилиши ва х.к. таъсир кўрсатади.

Таннархнинг пасайтирилиши билан корхоналарнинг пул жамғармалари ошади, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш учун қўшимча маблағ беради, маҳсулотлар чакана нархини пасайтириб бу билан аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга имкон яратади.

Маҳсулот таннархи жорий харажатлар тоифасига киради. Корхонада маълум хажмда ва таркибда ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотнинг материал, меҳнат ва молия харажатлари қисмини ифодалайди. Шунга кура, таннарх, биринчидан, ишлаб чиқариш жамғармаларини ҳосил қиладиган сармоялардан фаркли, ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган жорий харажатларни акс эттиради. Бу эса маҳсулот таннархи ҳисобидан қурилиш ва реконструкция қилмасликни, ускуналар сотиб олмасликни, захираларни ва резервларни тулдирмасликни билдиради.

Иккинчидан, таннарх харажатларнинг бир қисми ва айнан корхона харажатларидир. Бу бозор иқтисоди шароитида маҳсулотнинг узи канча туради ва ишлаб чиқарувчига қанчага тушади деган муаммони ҳал қилиш демакдир. Ишлаб чиқарувчи учун маҳсулот у сарфланган харажатлар билан улчанади, маҳсулотнинг узи эса унга сарфланган меҳнат билан баҳоланади.

Учинчидан, таърифдан қуринадики, таннарх бозор иқтисоди шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланган конкрет ва обстракт меҳнат натурал ва пул қийматининг бирлигини курсатади. Таннарх харажатлари даражаси баҳони назорат қилиш билан узвий боғлиқ. Маҳсулот таннархи харажат элементлари бўйича классификацияланади.

Харажатларнинг иқтисодий элементлари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳом ашё ва асосий материаллар (чиқиндилар кирмайди);
2. Ёрдамчи ва бошқа материаллар;
3. Ёқилги;
4. Энергия;
5. Асосий ва қўшимча иш ҳақи;
6. Ижтимоий сугўрта ажратмалари;
7. Асосий фондлар амортизацияси;
8. Бошқа пул харажатлари.

Бундаги 1-4 – элементлар меҳнат предметлари учун, 5 ва 6 - элементлар киши меҳнати учун, 7 – элемент меҳнат воситалари учун сарфланган пул харажатларини ифодалайди. 8-элемент эса ишлаб чиқаришни нормал амалга ошириш учун зарур пул харажатларидир (ёлланган транспорт, ходимларни хизмат сафарига юбориш, почта, телеграф, уқишга юборилганларга тўланадиган стипендия ва бошқа шу каби харажатлар).

Ишлаб чиқариш харажатларини мазкўр иқтисодий элементлари бўйича классификация қилиш таннархнинг тузилишини ўрганиш имконини беради. Бирлик

махсулот учун харажат калькуляция моддалари бўйича махсулот таннархидаги харажатлар классификацияланади.

Бир бирлик махсулот харажатларини моддалар бўйича гуруҳлаб аниқлаш - калькуляциялаш (Calcolare - лотинча бўлиб, узбекчада «санаш» демакдир) дейилади. Калькуляция моддаларига қуйидагилар киради:

1. Хом ашё, асосий материаллар ва қайтариладиган чиқиндилар.
2. Сотиб олинган ярим фабрикатлар, буюмлар ва бошқа корхоналар хизматлари.
3. Технологик мақсадлар учун ёкилги ва энергия.
4. Ишчиларнинг асосий иш ҳақлари.
5. Ишчиларнинг қўшимча иш ҳақлари.
6. Ижтимоий сугурта ажратмаси.
7. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва узлаштириш харажатлари. (агар харажатлар таннарх ҳисобидан бўлса).
8. Ускуналарни сақлаш ва ишлатиш харажатлари.
9. Цех харажатлари.
10. Умумзавод харажатлари.
11. Бракдан куриладиган зарарлар.
12. Жами ишлаб чиқариш таннархи.
13. Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар.
14. Махсулотнинг тула таннархи.

Калькуляция ишлаб чиқариш харажатларидан фаркли харажатларнинг мақсадини ва урнини ҳисобга олади ва қуйидаги вазифаларни бажаради:

- а) махсулот турлари бўйича харажатлар даражаси ва динамикасини ҳисобга олиш ва режалаштириш;
- б) баҳоларни ҳисоблаш;
- в) янги техника самарадорлигини изохлаш;
- г) ишлаб чиқариш муносабатларини янги иқтисодий йуналишларга ўтказиш;
- д) корхонада ишлаб чиқаришнинг ташкилий ва техникавий даражасини киёсий таҳлил қилиш.

Амалиётида харажатлар ҳисоби даражаси бўйича ишлаб чиқариш ва тула таннарх турлари қўлланилади. Ишлаб чиқариш таннархи ишлаб чиқариш жараёнида хом ашёнинг тайёр махсулотга айланиши билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади. Тула таннарх – махсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва сотиш (тижорат харажатлари) билан боғлиқ барча харажатларни ўз ичига олади. Тижорат харажатлари ўз ичига махсулотни кадоклаш, сақлаш ташиш ва реклама қилиш харажатларини олади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш жараёнида тўтган ўрнига қараб асосий ва қўшимча харажатларга ажратилади. Асосий харажатлар бевосита махсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Қўшимча харажатлар корхонани хўжалик

жихатдан бошқариш билан боғлиқ бўлиб унга ортикча харажат ва нобудгарчиликлар ҳам (жарима, камомад, брак, бекор туришлар) қушилади.

Маҳсулот ҳажми билан боғлиқлигига қараб харажатлар ўзгарувчан ва шартли доимий харажатларга ажратилади. Ўзгарувчан харажатлар маҳсулот ҳажми ўзгаришига қараб ўзгаради (ҳом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, энергия, асосий ишчиларнинг иш ҳақи ва х.к). Шартли доимий харажатлар маҳсулот ҳажми ўзгаришига қараб ўзгармайди (бошқарув харажатлари). Маҳсулот ҳажмининг ортиши шу харажатлар ҳисобига унинг бир донаси таннархининг пасайишига олиб келади.

Маҳсулотларнинг айрим турлари орасида тақсимланишига қараб харажатлар бевосита ва билвосита харажатларга ажратилади. Бевосита харажатлар айрим маҳсулотлар таннарига тўғридан-тўғри қушилади (ҳом ашё ёки асосий материаллар).

Билвосита харажатлар айрим маҳсулотлар турлари бўйича шартли равишда қандайдир тўғри харажат (масалан, иш ҳақи)га нисбатан пропорционал равишда тақсимланади. Харажатларни бундай гуруҳларга ажратиш бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳос бўлиб, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳамма харажатлар ҳам уша маҳсулот таннарига киради.

Маҳсулот таннархининг динамикасини ўрганишнинг муҳим шартларидан бири ўрганилаётган маҳсулотнинг албатта солиштирма товар маҳсулот бўлишидир. Солиштирма товар маҳсулотга солиштирилаётган икки давр (базис ва жорий)да ишлаб чиқарилган ва шу билан бирга технологияси, конструкцияси бир оз ўзгарса ҳам лекин истеъмол хусусияти ўзгармаган маҳсулотлар киради.

Шунинг учун саноат корхоналарининг режа ва ҳисобот кўрсаткичларида ҳам солиштириш мумкин бўлган, ҳам солиштириш мумкин бўлмаган маҳсулотлар таннари динамикасининг ўргана оладиган кўрсаткич бир сўм товар маҳсулотига харажат кўрсаткичи қўлланилади. Бу таннарх кўрсаткичи қуйидагича ҳисобланади:

$$1 \quad \text{сумлик} \quad \text{товар} \quad \text{маҳсулотига харажат} = \frac{\text{маҳсулот} \quad \text{таннари}}{\text{товар} \quad \text{маҳсулоти}}$$

Бу кўрсаткичнинг иқтисодий моҳияти шундаки, унинг сурати шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни, маҳражи эса товар маҳсулотнинг корхона улгуржи баҳосида ҳисобланган қийматини билдиради ва у одатда тийинларда ифодаланади.

Корхонада маҳсулот таннарини арзонлаштиришнинг қуйидаги типик омиллар гуруҳи қўлланилади:

1. Ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш: янги прогрессив технологияни, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришни жорий этиш; мавжуд техникани такомиллаштириш; ҳом ашё ва материаллардан фойдаланишни яхшилаш ва янги турларини куллаш.

2. Меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш: ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини такомиллаштириш; хизмат кўрсатишни яхшилаш; ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш харажатларини кискартириш; меҳнатни ташкил қилишни ва асосий воситалардан фойдаланишни яхшилаш ва хоказо.
3. Маҳсулот хажми ва таркибини узгартириш, шартли-доимий харажатлар ва амортизация ажратмаларини нисбатан камайтириш; маҳсулот (иш,хизмат) сифатини яхшилаш.
4. Корхона ва бошқа омилар: янги цехлар ва булинмаларни ишга тушириш, янги ишлаб чиқаришни узлаштириш, ҳаракатдаги цехларда ва булинмаларда ишлаб чиқариш жойлашувини такомиллаштириш ва хоказо.

13.3.Фойданинг шаклланиши ва тақсимланиши.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона иқтисодий ривожланишининг асосий манбаси бўлиб фойда ҳисобланади. Фойда кўрсаткичи корхона ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини баҳолаш учун муҳим ҳисобланади. Фойда корхона ишининг самарадорлик кўрсаткичи ва унинг ҳаётий фаолияти манбааси ҳисобланади. Фойда ўсиши корхона фаолиятини ўз-ўзини маблағ билан қоплаш учун база яратади. Шунингдек, меҳнат жамоасининг ижтимоий ва моддий эҳтиёжини қондиришнинг асоси бўлади.

Фойда даромаднинг бир қисми ҳисобланиб, барча мамлакатлар давлат бюджетининг даромадларини асосий қисмини ташкил этади, яъни давлат бюджетининг асосий манбаи фойдадан ажратмалар ва тўловлар ҳисобланади. Бундан ташқари, фойда миқдорининг ортиши ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳам ифодалайди.

Фойданинг миқдори бир қатор муаммоларни ҳал этилишини ҳам таъминлайди:

- корхонанинг молиявий аҳволига баҳо бериш;
- иқтисодий рағбатлантириш фондларини ташкил этиш имкониятлари;
- давлат бюджети даромадларини шаклланиши;
- юқори орган мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаши.

Ҳозирги кунда фойда тадбиркорлик фаолияти субъектларида ялпи ички маҳсулот қиймати билан уни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ўртасидаги фарқ

сифатида аниқланади. Агар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ялпи ички маҳсулот қийматидан устун бўлса, фойда ўрнига зарар кўрилади.

Корхона фаолиятининг охириги молиявий натижаси бўлиб, баланс фойда ҳисобланади.

Баланс (умумий фойда) - маҳсулот сотишдан тушган тушумдан уни ишлаб чиқариш ва сотиш учун кетган харажатларни чегириб ташланган қисмига, ёрдамчи фаолият эвазига олинган даромад, ортиқча воситаларни сотиш эвазига тушган тушумлар ва бошқа ноишлаб чиқариш фаолияти даромадларининг йиғиндисидан ташкил топади.

Соф фойда кўпчилик ҳолларда корхона ихтиёрига қолган фойда ёки баланс фойдадан солиқларни айириш орқали аниқланади. Унинг иқтисодий мазмуни эса баланс (умумий) фойдадан бюджет тўловлари (биринчи навбатда тўловлар)ни чегириб ташлаш орқали аниқланади.

Корхонада соф фойдадан корхона техник ривожланиши, резерв фонди ва дивидентлар учун фойдаланилади.

Корхона молиявий натижалар шаклида фойдани аниқлаш турлари берилган:

1. **Ялпи фойда=Соф тушум - Сотилган маҳсулот таннари.**
2. **Асосий фаолият бўйича фойда=Ялпи фойда – Давр харажатлари + Бошқа даромадлар - Бошқа зарарлар.**
3. **Умумхўжалик фаолият бўйича фойда = Асосий фаолият бўйича фойда +Дивидентлар бўйича даромад ± чет эл валютаси бўйича даромад (зарар) ± кимматли коғозлар инвестицияларни қайта баҳолаш бўйича даромад (зарар) - фоизлар бўйича харажатлар.**
4. **Солиқ тўлашдан олдинги фойда = Умумхўжалик фаолияти бўйича фойда ± фавқулотда фойда ёки зарар бўйича қолдиқ.**

Соф фойда=Солиқ тўлашдан олинган фойда - (Фойда солиғи + Бошқа солиқ ва тўловлар)

Соф фойда корхона Низомига кўра, умумий йиғилиш қарори билан тақсимланади. Корхона ихтиёрига қолдирилган фойданинг умумий йиғимидан мустақил равишда фойдаланади.

Бу фойда эвазига қуйидаги фондлар ташкил этилиши мумкин:

- захира фонди;
- амортизация фонди;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва фан техника тараққиёти фонди;
- дивидендларга ажратма фонди;
- бошқа фондлар.

Корхона Низоми ва норматив ҳужжатларда фондлар тизимининг сони ва фойданинг мақсадлари акс эттирилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида захира фонди мажбурий ҳисобланади. Қолган фондларни ташкил этиш тартиби ва улардан фойдаланиш таъсис ҳужжатларида акс эттирилади.

Захира фонди баланс фойдадан солиққа тортилгунга қадар қисмидан ташкил топади. Захира фондига унинг миқдори устав фондининг 25 фоизга етгунга қадар ажратиб борилади. Йиллик ажратма миқдори таъсис ҳужжатларида белгиланган тартиб бўйича ҳисобланади.

Асосий захира фондига ажратма, корхонанинг биринчи фаолият кўрсата бошлаган йилидан бошлаб амалга оширилади, чунки белгиланган фойда даражасига эришгунга қадар бир-икки йилга давлат бюджети тўловларидан озод этилади.

Амалиётда захира фонди корхонанинг Низоми ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилади.

Бундан ташқари таъсис ҳужжатларида сарфланган маблағларнинг ўрнини қоплаш кўрсатилган бўлиши шарт.

Амортизация фонди маҳсулот таннархининг таркибига киритилган амортизация ажратмалари ҳисобига ташкил этилади. Корхоналарнинг Низом ва таъсис ҳужжатларида алоҳида шартлар кўрсатилмаган бўлса, ҳаракатдаги оддий корхона каби ажратмалар ажратиб борилади.

Агар амортизация ажратмаси мустақил аниқланадиган бўлса, таъсис ҳужжатларига тегишли мулкка оид амортизация ажратилиши Низоми ва унинг аниқлаш усули қўшиб қўйилиши шарт.

Амортизация ажратмаси қимматбаҳо қоғоз ихтиёрида бўлади, зарурати бўлганда устав жамғармаларидан капитални кенгайтириш мақсадида фойдаланилади.

Фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди баланс фойдадан солиққа тортилгунга қадар ташкил этилади. Ушбу фондларга ажратмалар нормаси корхона таъсис ҳужжатларида қайд этилиши лозим. Юқоридаги фондларга ажратилган маблағлар, асосан, қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- ишлаб чиқаришни кенгайтиришга;
- модернизациялашга;
- маркетинг хизматини ташкил этишга;
- янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган турли лойиҳаларни молиялаштиришга.

Дивиденд - жамият томонидан акциялар бўйича тўланадиган барча дивидендлар акцияга эга бўлган акциядорлар ўртасида ҳар бир акциядорга тегишли акциялар сони ва турига муносиб равишда тақсимланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига қараб дивидендлар йилига камида бир марта тўланади.

Дивидендлар пул шаклида акциялар қарз мажбуриятлари, облигациялар ва бошқа мажбуриятлар ёки натура шаклидаги акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ равишда кузатув кенгашининг тавсияси билан тўланади.

Дивидендлар амалдаги қонунлар асосида миллий валютада тўланади. Қўшма корхоналарда чет эллик инвесторларга дивидендлар чет эл валютаси кўринишида тўланади. Чет эл инвесторларига тўланадиган барча дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкининг дивидендлар тўланадиган санага эълон қилинган расмий айирбошлаш курси бўйича ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини камайтириш, жадаллаштириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш фойда ортишининг асосий омилларидан биридир.

Корхона ялпи даромади ҳам корхона фаолиятининг молиявий натижасини ифодалайди. Бошқа сотишдан фойда (зарар) корхона ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришларидаги маҳсулот (ишлар)ни сотишдан ҳосил бўлади.

Сотишдан ташқари операциялар даромадлари маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлмаган ҳар хил киримлар, чиқимлар ва йўқотувларни бирлаштиради.

Бу кўрсаткич қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Иқтисодий санкциялар ва зарарларни коплаш йиғиндиси;
- Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йилги даромадлар (зарарлар);
- Табиий офатлар зарарлари;
- Дебитор қарздорлиги ва бошқа қарзлар йўқотувлари;
- Ижарага берилган мулк даромади;
- Акциялар, облигациялар, қимматли қогозлар дивидентлари;

Қонунга асосан фойда ва зарарлар ҳисобига тегишли бошқа даромадлар, харажатлар ва йўқотувлар.

13.4. Фойданинг тақсимланишини такомиллаштириш

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик фаолиятининг рағбатлантириш бош омили фойда ва уни тақсимланиши ҳисобланади.

Корхоналарда фойда бугунги кунда корхона ҳақидаги қонуннинг моддаси ва ҳиссадорлик жамиятларида таъсисчилар умумий йиғилиши қарори билан тақсимланади. Юқоридаги ҳолатлар бозор қонуниятларига маълум бир миқдорда зид келади, чунки бозор шароитида иқтисодиётга давлат аралашуви нисбатан паст бўлади. Шундай экан, юқоридаги ҳолат такомиллаштиришни тақозо этади.

1. Фойдани тақсимланишига давлат аралашувини бекор қилиш. Маълумки, ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, фаолият низомидан бошланади. Низом юқори давлат органлари томонидан тасдиқланади. Унда барча субъектларнинг ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари тўла акс эттирилади. Низомни тузиш ва тасдиқлаш юқори давлат органлари талабидан келиб чиқилади. Шундай экан, ҳар бир тадбиркорлик субъектлари низом асосида ўз бурчларини адо этади. Бу эса фойда ундан юқори давлат органларига тўланадиган тўловларга ҳам тааллуқли. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, давлатнинг юқоридаги масалага аралашувининг зарурати йўқ.

Иккинчидан, бозор талаблари ва бозор қонуниятларига ҳам зид ҳисобланади. Тадбиркорликнинг эркинлашувига ҳалақит беради.

2. Фойданинг тақсимланишида таъсисчилар манфаатларини тўла ҳимоя қилиш. Дивиденд тўловлари мажбурияти қонун йўли билан белгилаб қўйилади. Сабаби айрим ҳолатларда ҳиссадорлик жамиятлари умумий йиғилиши қарори билан дивиденд тўловлари ишлаб чиқаришни юксалтиришга сарфлаб юборилмоқда. Бу бир томондан корхонанинг устав капиталининг кенгайишини таъминласа, иккинчи томондан молия бозорида қимматбаҳо қоғозларнинг иккиламчи савдосини амалга ортмаслигига олиб келади.

3. Дивиденд тўловларига ажратмалар ажратишда комплекс кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш:

- фойданинг умумий миқдори;
- акция номинал қиймати;
- дивиденд тўловларининг умумий фойдадаги улуши;
- ҳиссадорлик жамиятларининг акциядорлар олдидаги мажбуриятлари ва оддий жавобгарлиги;
- дивидендлар тўлаш муддатлари ва уларни бузилишидаги алоҳида шартлар.

4. Дивиденд тўловлари миқдорининг корхона низомларида юқори ва қуйи чегараларини белгилаб қўйилади. Тўғри тадбиркорлик фаолияти бизнес-режаларни ишлаб чиқишда, ҳар қандай лойиҳаларни иқтисодий жиҳатдан асослашда уларни самарали эканлиги маълум. Бу эса юқоридаги фикрнинг мақсадлилигини асослабгина қолмай, иккинчи томонидан тадбиркорга моддий жавобгарликни ҳис этишни ҳам мажбур этади.

5. Захира фондига ажратмалар миқдорининг оптимал даражасини аниқлаш ва уларни доимийлигини таъминлаш. Захира маблағларни суғурталаш.

6. Захира фонди учун ажратмаларни келгуси даврда устав капитал (сармоя) сифатида тўла фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш.

Бу биринчи томондан таваккалчилик ҳисоблансада, қулай шароит даврида кўшимча маҳсулот ва кўшимча даромад манбаи ҳамдир.

Иккинчи томондан инвестиция танқислигини таъминлайди.

Учинчидан, пулнинг доимо айланишини таъминлайди.

7. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва фан техника тараққиёти фонди мажбурийлигини таъминлаш. Уларнинг миқдори фойда улушининг 30 фоизигачани ташкил этилишини таъминлаш. Фонд маблағлари эвазига янги техника ва технологиялар сотиб олинишини таъминлаш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий этиш сарфларини молиялаштириш.

8. Бошқа турдаги махсус фондлар яратишда эркинликлар бериш ва бу фондларга ажратмалар миқдорини фойданинг 10 фоизидан ортиб кетмаслигини таъминлаш.

Бу масала бозор шароитида янада чуқурроқ ўрганишга ҳам лойиқдир, яъни юқоридаги тадбирлар билан чегараланиб қолади деган хулоса эмас.

13.5. Рентабиллик-корхона хўжалик фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи

Корхоналар хўжалик фаолиятининг молиявий натижасини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири – рентабеллик даражаси кўрсаткичидир. Бу кўрсаткич ҳосил қилинган фойда суммасидан маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни ёки ишлаб чиқариш ресурсларини солиштириш имкониятини беради. Бу кўрсаткичда корхоналар хўжалик фаолиятининг кўп кирралари (меҳнат унумдорлиги даражаси, материал харажатлар, сўм айланиши, асосий фондлардан фойдаланиш) ўз аксини топади.

Рентабеллик бир неча тури мавжуд:

- ишлаб чиқариш рентабеллиги;
- маҳсулот рентабеллиги;
- ўзлик капитали рентабеллиги.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги - баланс фойданинг (БФ) ўртача йиллик ишлаб чиқариш фондлари қийматига (асосий ишлаб чиқариш фондлари ва айланма маблағлар) нисбати орқали аниқланади:

$$P_{и-ч} = \frac{БФ}{A_{ичф} + A_m} \cdot 100 \%$$

Бу кўрсаткич бир сўм ишлаб чиқариш фондига тўғри келувчи фойда ҳажмини кўрсатади.

Асосий фаолият рентабеллиги - сотишдан фойда (СФ)нинг маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари(X)га нисбати орқали аниқланади:

$$P_{аф} = \frac{СФ}{X} \cdot 100 \%$$

Бу кўрсаткич ҳар бир сўм ишлаб чиқариш харажати қанча фойда беришини кўрсатади.

Маҳсулот рентабеллиги - баланс фойдани маҳсулот таннархига бўлиш орқали аниқланади:

$$P_m = \frac{БФ}{MT} \cdot 100 \%$$

Корхона ҳамма активлари рентабеллиги қуйидагича аниқланади:

$$PA = \text{Соф фойда} / A * 100 \%$$

Бу ерда, А- корхона активларининг ўртача йиллик қиймати.

Корхонанинг ҳамма активлари рентабеллиги - шу корхона активларига инвесторлар ва кредиторлар томонидан қўйилган ҳар бир сўм неча сўм фойда келтирганлигини ифодалайди.

Корхона хусусий капиталининг рентабеллиги:

$$PKX = \text{Соф фойда} / XK * 100 \%$$

Бу ерда, XK - хусусий капиталнинг ўртача йиллик қиймати. (устав капитали+қўшимча капитал+резерв капитал+жамгарилган фойда) – бу маълумотлар корхона балансидан олинади.

Корхона хусусий капитал рентабеллиги хусусий мулк эгалари томонидан қўйилган хусусий капиталнинг ҳар бир сўм неча сўмлик соф фойда келтирганини ифодалайди.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги:

$$CMP = \text{Ялпи фойда} / \text{Сотилган маҳсулот ҳажми} * 100 \%$$

ёки,

$$CMP = \text{Соф фойда} / \text{Сотилган маҳсулот ҳажми} * 100 \%$$

Сотилган маҳсулот рентабеллиги ҳар бир сўмлик сотилган маҳсулотдан қанча ялпи ёки соф фойда келтирганини ифодалайди.

1 акциянинг рентабеллиги қуйидагича аниқланади:

$$P/A = \text{Соф фойда} / A_{ко}$$

Бу ерда, $A_{ко}$ -муомалага чиқарилган акциялар миқдори.

1 акциянинг рентабеллиги корхонанинг муомаладаги ҳар бир акция қанча сўм соф фойда келтирганини ифодалайди.

Маҳсулот сотишдан фойдага ва умумий рентабеллик ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар.

Маҳсулот сотишдан фойда баланс фойданинг энг кўп қисмини ташкил қилганлиги учун унга таъсир қилувчи омиллар ўзгариши аниқланади. Бундай омилларга қуйидагилар киради:

- Сотиладиган маҳсулот баҳосининг ўсиши ёки камайиши, ишлар ва хизматлар тарифларининг ўсиши ёки камайиши;
- Сотиладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи динамикаси;
- Сотиладиган маҳсулот ҳажми ошиши ёки камайиши;
- Сотиладиган маҳсулот структураси ўзгариши.

Рентабеллик таҳлили қуйидаги кўрсаткичлар асосида олиб борилади:

- Ишлаб чиқариш рентабеллиги;
- Сотилган маҳсулот рентабеллиги.

Ишлаб чиқариш рентабеллигига таъсир қилувчи омилларига сотилган маҳсулот рентабеллиги, маҳсулот фонд сиғими (фонд самарадорлиги), айланма маблағларининг банд қилиш коэффиценти (айланма маблағларнинг айланиши) киради.

Айтиб ўтилган омиллар таъсирини аниқлаш учун ишлаб чиқариш рентабеллиги формуласига ўзгартиришлар киритамиз, яъни сурат ва маҳражни маҳсулот сотишдан тушумига бўламиз:

$$R_{ич} = \frac{БФ / CM}{A_{цф} / CM + A_m / CM} = \frac{R}{Fe + Kз} = \frac{R}{1/H + 1/K}$$

Бу ерда, R – сотиладиган маҳсулот рентабеллиги;

Fe – фонд сифими;

H – фонд самарадорлиги даражаси;

K – айланиш коэффициенти.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги кўрсаткичига таъсир қилувчи омиллар ўтган йилги маълумотлар билан солиштириш асосида ўрганилади.

13.6. Корхона молиявий ҳолатини ифодаловчи молиявий коэффициентлар.

Корхонанинг молиявий ҳолатини, молиявий ишончлилигини, капитал қуйилмалари, акциялар сотиб олиш ишончлилиги ва таваккалчилик даражасини ва ҳ.к аниқлаш мақсадида молиявий коэффициентлар ҳисобланади. Бунинг учун молиявий ҳисобот маълумотлари асос бўлиб ҳисобланади. Корхоналарнинг молиявий ҳисоботларига қуйидагилар киради: корхона баланси ва зарарлар ҳақида ҳисобот, капитал ва пул маблағлари ҳақида ҳисоботлар, молиявий натижалар ҳисоботи. Молиявий таҳлил икки нуктаи назардан қаралади:

1. Корхоналар эгалари томонидан;

2. Инвесторлар, банклар ва мамлакат бюджети томонидан.

Шулар асосида аниқланадиган барча молиявий коэффициентлар 3 гуруҳга бўлинадилар:

1. Корхоналарнинг маблағларини тўлай олиш қобилиятини аниқловчи коэффициентлар - улар корхоналарнинг жорий молиявий ҳолати ва ишонччилик даражасини ифодалайди. Бу коэффициентлар корхоналарнинг молиявий таваккалчилик даражасини аниқлаш учун ишлатилади.

1.1. Корхонанинг жорий тўлай олиш қобилияти кўрсаткичи, жорий тўловларнинг активлари билан таъминланиш даражасини ифодалайди.

$$K = \text{Жорий активлар суммаси} / \text{Жорий тўловлар, сўм}$$

Унинг суратиға: ҳамма пул маблағлари, дебиторлик қарзи, товар, материал, бойликлар захиралари киради. Маҳражига эса: кредиторлик қарзи, узоқ муддатли қарзлар киради. Коэффициентлар бирдан катта бўлса нормал ҳисобланади, бирдан кичик бўлса ёмон ҳолат яъни қобилияти кучсиз ҳисобланади. Коэффициентларнинг сурат билан маҳражи орасидаги айирма капиталнинг соф айланиши деб аталади.

1.2. Тезкор активларнинг ўрнини қоплаш коэффициентлари - тезкор активларга оморлардаги жорий материал захиралари киради.

Коэф. = Тезкор активлар суммаси / Қисқа муддатли мажбуриятлар. Корхонанинг молиявий ҳолатини ҳарактерлашда хусусий капитал ва ёлланма капитал нисбати муҳим рол уйнайди.

Бу кўрсаткичлар узоқ муддатли мажбуриятларни лозим бўлган активлар билан таъминланиш даражасини ифодалайди.

1.3. Корхона ўз капиталининг узоқ муддатли мажбуриятлар салмоғи коэффиценти куйидагича аниқланади:

Коэф. = Хусусий капитал суммаси / узоқ муддатли мажбуриятлар суммаси + хусусий капитал суммаси

Узоқ муддатли мажбуриятларга: жўнатувчилар кредитлари, банкларнинг узоқ муддатли кредитлари ва х.к.лар киради.

Капиталлаштириш коэффиценти = Муддатли карзлар / Муддатли карзлар + хусусий капитал

Муддатли карзларга бир йилдан кам бўлмаган муддатга берилган карзлар(жунатувчилар кредити ва х.к.) киради.

II. Самарадорлик коэффицентлари – ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ифодалайди ва маблағларни ҳаракат қилиш устидан назорат қилиб туради:

2.1. Дебиторлик карзини қайтариш тезлиги=

Йил охиридаги ҳамма дебиторлик карзи/

Кредитга сотиш ҳажми ёки 1 -кунлик ўртача нақд пулга сотиш.

2.2. Захираларни ўртача сақлаш даври=

Йил охирида товар материал колдиклар суммаси/1кунда сотилган маҳсулот таннархи.

2.3. Захираларни айланиш коэффиценти=Барча сотилган маҳсулотлар таннархи/Товар материал бойликлар захираси (ўртача йиллик қиймат)

Белгиланган активларни коплаш коэффиценти = Соф белгиланган активлар / Узоқ муддатли карзлар.

Харажатларни назорат қилиш мақсадида:

1) *Бошқариш харажатлар системаси=Бошқариш харажатлари/Сотиш ҳажми*

2) *Операцион харажатлар даражаси=Операцион харажатлар суммаси /Сотиш ҳажми*

III. Фойдалилик коэффициенти-тижорат (бозор) самарадорлигини ифодалайди.

1) *Сотиш рентабеллиги*=*Соф фойда / Сотиш ҳажми*

2) *Хусусий капитал фойдалилиги*=*Соф фойда / Хусусий капитал (акционер капитали +таксимланмаган фойда)*

3) *Барча капитал фойдалилиги*=*Соф фойда /Активлар барчаси (жорий ва узоқ муддатли).*

4) *Баъзи активлар фойдалилиги*=*Соф фойда /Активлар барчаси*

Бу коэффициентлар корхоналар молиявий фаолиятини таҳлил қилиш орқали корхонада мавжуд бўлган камчиликларни аниқлаб беради.

Таянч иборалар:

Маҳсулот таннархи ва унинг турлари, харажатлар, харажат моддалари элементлари, маҳсулот калькуляцияси, солиштирма товар маҳсулоти, умумий таннарх индексини аниқлаш завод усули ва тармоқ усули, таннарх якка индекслари, бир сўм товар маҳсулотига қилинган харажат кўрсаткичи, фойда ва унинг турлари, рентабеллик ва унинг турлари, молиявий коэффициентлар, самарадорлик коэффициентлари, корхонанинг маблағларни тўлай олиш қобилиятини аниқловчи коэффициентлар, фойдалилик коэффициентлари.

Назорат саволлари:

1. Маҳсулот таннархи деганда нимани тушунаси?
2. Ишлаб чиқариш таннархи ва тўла таннарх орасидаги фарқни айтинг.
3. Корхона жами харажатлари қандай харажатларни ўз ичига олади?
4. Маҳсулот таннархи харажат моддалари элементларини санаб беринг.
5. Маҳсулот таннархи калькуляцияси нима?
6. Бир сўмлик товар маҳсулотга қилинган харажат кўрсаткичи қандай аниқланади?
7. Корхонада фойдаси деганда нимани тушунаси ва унинг қандай турлари мавжуд?
8. Соф фойда нима ва у қандай роль ўйнайди?
9. Рентабеллик нима ва уни қандай турларини биласиз?
10. Маҳсулот сотишдан тушган фойдага қайси омиллар таъсир кўрсатади?
11. Корхоналарнинг маблағларни тўлай олиш қобилиятини аниқловчи коэффициентларни айтинг.

АДАБИЁТЛАР.

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т., «Ўзбекистон », 1995 й.
2. Каримов И.А. «Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза «Халқ сўзи»», 2000 й,
3. Гранаткин Ю.А. и др. «Основы предпринимательства» С-Пб. 1993г.
4. Фуломов С.С. ва бошқалар. «Микроиқтисодиёт». Т. «Шарк». 2001й.
5. Фуломов С.С. «Тадбиркорлик ва кичик бизнес» Тошкент 1998.
6. Методика определения экономической эффективности капитальных вложений Ст.утвержденных методик.3-изд.М. Экомика,1983г.
7. Старр.М. «Управление производством.М.»Прогресс» 1968
8. «Иқтисод ва ҳисобот» журнали 1992-97 йил сонлари.
9. Ремизов Г.В. «Экономика труда» Москва «МГУ» 1990г.
10. Ҳамрокулов О.М. «Меҳнат шароитини яхшилашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш». Бухоро «Муаллиф». 1993.
11. Лоренс ДЖ. Гитман, Майкл Д. Джонк «Основы инвестирования» Москва «Дело» 1997.
12. Парпиев У., Саломов И. «Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш». Т. «Шарк». 1996.
13. М Тошнӣёзов, И. Шарифбоев, О.Обидов «Корхоналарда бошқарув фаолияти асослари» Тошкент «Ўзбекистон» 1995 йил.
14. Тухлиев И., Улмасов А.А. Бозор иқтисодиети. Т. «Фан» 1991.
15. Улмасов А., ТУхлиев Н. «Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти». Т. «Ўзбекистон» 1997й.

АДАБИЁТЛАР.

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т., «Ўзбекистон », 1995 й.
2. Каримов И.А. «Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза «Халқ сўзи»», 2000 й,
3. Гранаткин Ю.А. и др. «Основы предпринимательства» С-Пб. 1993г.
4. Фуломов С.С. ва бошқалар. «Микроиқтисодиёт». Т. «Шарк». 2001й.
5. Фуломов С.С. «Тадбиркорлик ва кичик бизнес» Тошкент 1998.

6. Методика определения экономической эффективности капитальных вложений
Ст.утвержденных методик.3-изд.М. Экомика,1983г.
7. Старр.М. «Управление производством.М.»Прогресс» 1968
8. «Иқтисод ва ҳисобот» журнали 1992-97 йил сонлари.
9. Ремизов Г.В. «Экономика труда» Москва «МГУ» 1990г.
10. Ҳамрокулов О.М. «Меҳнат шароитини яхшилашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш». Бухоро «Муаллиф». 1993.
11. Лоренс ДЖ. Гитман, Майкл Д. Джонк «Основы инвестирования» Москва «Дело» 1997.
12. Парпиев У., Саломов И. «Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш». Т. «Шарк». 1996.
13. М Тошнӣзов, И. Шарифбоев, О.Обидов «Корхоналарда бошқарув фаолияти асослари» Тошкент «Ўзбекистон» 1995 йил.
14. Тухлиев И., Улмасов А.А. Бозор иқтисодиети. Т. «Фан» 1991.
15. Улмасов А., ТУхлиев Н. «Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти». Т. «Ўзбекистон» 1997й.

А Д А Б И Ё Т Л А Р.

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т., «Ўзбекистон », 1995 й.
2. Каримов И.А. «Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза «Халқ сузи»», 2000 й,
3. Гранаткин Ю.А. и др. «Основы предпринимательства» С-Пб. 1993г.
4. Гуломов С.С. ва бошқалар. «Микроиқтисодиёт». Т. «Шарк». 2001й.
5. Гуломов С.С. «Тадбиркорлик ва кичик бизнес» Тошкент 1998.
6. Методика определения экономической эффективности капитальных вложений
Ст.утвержденных методик.3-изд.М. Экомика,1983г.
7. Старр.М. «Управление производством.М.»Прогресс» 1968
8. «Иқтисод ва ҳисобот» журнали 1992-97 йил сонлари.
9. Ремизов Г.В. «Экономика труда» Москва «МГУ» 1990г.
10. Ҳамрокулов О.М. «Меҳнат шароитини яхшилашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш». Бухоро «Муаллиф». 1993.
11. Лоренс ДЖ. Гитман, Майкл Д. Джонк «Основы инвестирования» Москва «Дело» 1997.
12. Парпиев У., Саломов И. «Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш». Т. «Шарк». 1996.

13. М Тошниёзов, И. Шарифбоев, О.Обидов «Корхоналарда бошқарув фаолияти асослари» Тошкент «Ўзбекистон» 1995 йил.
14. Тухлиев И., Улмасов А.А. Бозор иқтисодиети. Т. «Фан» 1991.
15. Улмасов А., Тухлиев Н. «Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти». Т. «Ўзбекистон» 1997й.

А Д А Б И Ё Т Л А Р.

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т., «Ўзбекистон », 1995 й.
2. Каримов И.А. «Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза «Халқ сўзи»», 2000 й,
3. Гранаткин Ю.А. и др. «Основы предпринимательства» С-Пб. 1993г.
4. Ғуломов С.С. ва бошқалар. «Микроиқтисодиёт». Т. «Шарк». 2001й.
5. Ғуломов С.С. «Тадбиркорлик ва кичик бизнес» Тошкент 1998.
6. Методика определения экономической эффективности капитальных вложений Ст.утвержденных методик.3-изд.М. Экомика,1983г.
7. Старр.М. «Управление производством.М.»Прогресс» 1968
8. «Иқтисод ва ҳисобот» журнали 1992-97 йил сонлари.
9. Ремизов Г.В. «Экономика труда» Москва «МГУ» 1990г.
10. Ҳамрокулов О.М. «Меҳнат шароитини яхшилашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш». Бухоро «Муаллиф». 1993.
11. Лоренс ДЖ. Гитман, Майкл Д. Джонк «Основы инвестирования» Москва «Дело» 1997.
12. Парпиев У., Саломов И. «Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш». Т. «Шарк». 1996.
13. М Тошниёзов, И. Шарифбоев, О.Обидов «Корхоналарда бошқарув фаолияти асослари» Тошкент «Ўзбекистон» 1995 йил.
14. Тухлиев И., Улмасов А.А. Бозор иқтисодиети. Т. «Фан» 1991.
15. Ўлмасов А., ТУхлиев Н. «Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти». Т. «Ўзекистон» 1997й.
1. И.А.Каримов " Буюк келажак сари" Т. 1998 й.
2. Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х. «Кичик бизнесни бошқариш» Тошкент, 2003 й.

3. Краснощекова Г.А., Редькина Т.В. "Экономика, организация и планирование производства на предприятиях хранения и переработки зерна" М, Агропромиздат, 1991й.
4. «Производственный менеджмент» Ильенкова С.Д. тахрири остида, М. 2001 й.
5. Сейтмамутова Л.Ю. "Создание и организация деятельности предприятий в Узбекистане" "Закон о предприятии в Республике Узбекистан" (Сборник нормативных актов) Т, 1995 й.
6. Турсунхўжаев П.М. «Корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва режалаштириш» Тошкент, 1997 й.
7. Фатхуддинов Р.А. "Производственный менежмент" М. 1997 й.

КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ БИЗНЕС РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ

1. Режалаштиришнинг услубий асослари

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг муваффақиятли фаолият юритиши бир қатор омилларга боғлиқ бўлади. Улар жумласига: талаб ва таклифга асосланган ҳолда қачон, қайси вақтга, қанча ҳамда қандай сифатда маҳсулот ишлаб чиқаришни тўғри аниқлаш; ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технологиянинг оқилона ҳолатини танлаш; манбалар билан доимий равишда ҳамда ўз вақтида таъминланишига эришиш; асосий ва айланма капитал миқдори, маҳсулотнинг сотиш шакллари ҳамда усуллари ва ҳоказо.

Бугунги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хўжалик фаолиятини юритишда юқоридаги омиллардан фойдаланиш даражаси нақадар улқандир. Шунинг учун ҳар бир корхона улардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади.

Бу эса ўз навбатида маълум бир иқтисодий дастаклардан ёки хўжалик юритишининг механизмларидан фойдаланишни талаб қилади ҳамда корхонада хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятининг режалаштиришни тақозо этади. Бир қатор самарали иш юритувчи корхоналар тажрибаси кескин рақобат ҳолатида режалаштириш иқтисодий ўсиш ва юксалишининг бош шани эканлигини кўрсатади. Бу ўз-ўзидан маълумки, ишлаб чиқаришни бозордаги талаб ва таклифга оқилона боғлашдир.

Бу ўз навбатида режалаштиришнинг моҳиятини аниқлатади ва қуйидагича намоён бўлади.

Биринчидан, имкониятларни танлаб олиш, таққослаш мавжудлиги билан алоқадорлиги.

Иккинчидан, танлаб олинган вариант қарор қабул қилишда асос бўлади.

Учинчидан, режалаштириш қарорлар қабул қилишнинг узлуксиз жараёни бўлади, бу даврда доимий равишда вақт, мақсад ва вазифа ойдинлаштириб борилади. Яъни, маҳсулот ишлаб чиқаришдан тортиб то сотишга қадар бўлган жараёнлар учун мақсадга эришиш стратегияси аниқланади. Аниқ режа қисмлари ишлаб чиқилади ва барча кўрсаткичлар координация қилинади.

Тўртинчидан, режалаштиришнинг асосий қонунияти: фойдали ишлаш ва корхона эгалари, таъсисчилар, аксиядорлар жамоаси ва давлат манфаатдорлиги таъминланади.

Бешинчидан, режалаштириш ишлаб чиқариш омиллари ва мазмуни характеридан келиб чиқиб, узоқ муддатли ҳамда ўрта муддатлига бўлинади. Масалан, машина ва қурилмалар сотиб олиш ҳамда улардан фойдаланиш, кадрлар сиёсати маҳсулот турларини аниқлаш ва сотиш бозорларини танлаш узоқ муддатли режаларда ҳисобга олинади. Ўз вақтида ишлаб чиқаришни хом ашё ва материаллар билан таъминлаш жорий режаларда ўз аксини топади.

Амалиётда стратегик, узоқ муддатли, қисқа муддатли, шу жумладан, жорий режалар кенг қўлланилади.

Режалаштиришнинг юқоридаги барча турлари ўзининг услуги, шакли, усуллари ва кўрсаткичларни ҳисоблаш тартибига эга. Бу эса "Истиқболни белгилаш ва иқтисодий фаолиятни режалаштириш" фанининг мавзусини ташкил этади.

Режалаштириш жараёни товар ва хизмалларга эҳтиёжни аниқлаш, ишлаб чиқарувчиларга топшириқларни етказиб бериш, бажарилишини таъминлашга қулай имкониятлар яратиш, бажарилишини таъминлашни назорат қилишни ўз ичига олади. Топшириқлар бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш режалаштиришнинг асосий ва ҳал қилувчи босқичидир.

Стратегик режалаштириш - корхонанинг мамлакат иқтисодий-ижтимоий қурилишида ва иқтисодиётида, келгусидаги ўрни ҳамда ролини белгилаб бериш ҳисобланади. У атрофлича ёритилган кўрсаткичларда ва ҳар хил истиқболни белгилувчи прогнозларда ифодаланади.

Стратегик режалар 10-15 йилларга тузилади. Бу корхонанинг олий бошқарув органи қуроли ҳисобланади.

Стратегик режалар асосида корхона тараққиёти фаолиятини 3-5 йилларга характерловчи узоқ муддатли режалар тузиб чиқилади.

Бунда стратегик режа кўрсаткичлари шароитни ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилиб кўрсатилади. Узоқ муддатли режалаштириш натижаси барча фаолият турлари бўйича 3-5 йиллик режа тузиб чиқиш ҳисобланади (сотиш, ишлаб чиқариш, харажат молия ва ҳк. Узоқ муддатли режалаштириш асосида қисқа муддатли режалар ишлаб чиқилади. Улар муддатига кўра 1-3 йилга мўлжалланган бўлади. Уларнинг алоҳида томонлари шундаки, топшириқлар яқин йиллар, ойлар ва кварталларга бўлинган ҳолда акс эттирилади, иккинчи ва учинчи йилларида кўрсаткичиар йил охирида кўрсатилади.

Бундан ташқари жорий режалар ҳам ишлаб чиқилади, одатда, улар 1 йилга тузилади. Унинг асоси бўлиб, талаб ва таклиф хизмат қилади. Бу режаларда йиллик кўрсаткичиар кварталларга тақсимланган ҳолда кўрсатилади. Ушбу режаларнинг биринчи уч ойлик кўрсаткичлари ўзгармас ва қатъий ҳисобланади, қолган 9 ойлик топшириқлар тузатма қилиниши мумкин.


Ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш

Ишлаб чиқаришни
бошқариш

Ишлаб чиқаришни
ларини бошқариш

Ҳомашё захира режалаштириш

--	--	--	--	--	--



11- схема. АҚШ битта фирмасининг ишлаб чиқаришни бошқариш режаси бўлимлари.

Корхонанинг бошқа бўлимлари фаолиятини бир бирига узвий равишда боғлашда оператив ёки календар режалар роли беқиёсдир. Ушбу режалар қисқа вақтга тузилади. Энг кенг тарқалгани 10 кунлик режалар ҳисобланади.

Кўрсаткичларни белгилашда ҳар томонлама ёндошиш мумкин. Юқоридаги 11-схемада АҚШнинг битта фирмасини ишлаб чиқаришни бошқариш режаси бўлимларини кўрсатдик.

Ҳозирда республикамизда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти ўзларининг режаларига эгадир. Уларнинг кенг тарқалган шакли бизнес-режа ҳисобланиб, у 3-бандда кенгроқ ёритилган.

2. Корхонанинг ривожлантириш режаси, унинг бўлимлари ва кўрсаткичлари

Режа корхона фаолиятининг бошқаришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Режалаштириш дейилганда, тадбиркорлик фаолияти мақсадини аниқлаш, маҳсулотларга бўлган бозор талабини ўрганиш асосида ишлаб чиқариш топшириқларини белгилаш, топшириқлар бажарилишини таъминлаш ва бажарилишини назорат қилиб бориш жараёни тушунилади.

Режалардан бошқарувнинг барча усулларида кенг фойдаланилади. Шунинг учун бугунги кунда мулк шаклидан қатъий назар тадбиркорликнинг барча субъектларидан бизнес-режалар тузиш шартдир.

Режаларни техник иқтисодий жиҳатдан асослашда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Кўрсаткич - бу топшириқнинг ифодаланиш шакли. Кўрсаткичлар тизими эса кўрсаткичларнинг мазмун моҳияти ва ифодаланиши мажмуидир.

Кўрсаткичлар тизимига қуйидаги талаблар қўйилади.

Биринчидан, маълум бир мақсад ва адресга қаратилганлик. . Иккинчидан, барча субъектлар учун умумийлик.

Кўрсаткичлар системасига қуйидагилар киради:

1. Натура ва қиймат
2. Абсолют ва нисбий
3. Миқдор ва сифат
4. Тасдиқланган ҳисоб-китоб.

Натура кўрсаткичлар топшириқларни натура ўлчов бирликларида ифодаланади. Уларга тонна, метр, кг ва ҳоказо.

Қиймат кўрсаткичларга пул шаклда ифодаланадиган топшириқлар киради. Уларга мисол қилиб, товар маҳсулоти ҳажми, реализация қилинган маҳсулот, соф норматив маҳсулотларни келтириш мумкин.

Абсолют кўрсаткичлар ишлаб чиқаришнинг ташқи томонини ифодалайди.

Нисбий кўрсаткичлар абсолют кўрсаткичларни таққослаш орқали аниқланади. Уларга мисол қилиб улуш фоизларни келтираемиз.

Микдор кўрсаткичлар ишлаб чиқаришнинг экстенсив томонини ифодалайди. Ишчилар сони, асосий фондлар қиймати мисол бўла олади.

Сифат кўрсаткичлар ишлаб чиқаришнинг интенсив томонини ифодалайди. Уларга меҳнат унумдорлиги ортиши, фонд қайтими каби кўрсаткичларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Тасдиқланган кўрсаткичлар юқори давлат органлари томонидан берилади, бажарилиши мажбур ҳисобланади. Масалан, ялпи пахта ҳосили. Ҳисоб-китоб кўрсаткичларидан тасдиқланган кўрсаткичларни асослашда фойдаланилади. Уларга экин майдони, ҳосилдорлик, ишлаб чиқариш қуввати, қувватдан фойдаланишни мисол қилиб келтириш мумкин.

Корхона ривожланиши режаси қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

- Маҳсулот ишлаб чиқариш режаси.
- Фан-техника тараққиёти режаси.
- Ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиш режаси.
- Капитал қурилиш ва капитал маблағлар режаси.
- Моддий-техника таъминоти режаси.
- Меҳнат ва кадрлар режаси.
- Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот сотиш режаси.
- Молия режаси.
- Корхона жамоаси ижтимоий тараққиёти режаси.
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланиш режаси.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бўлимида айрим турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар (қиймат ва натура кўринишида) белгиланади. Маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги ортиши шулар жумласидандир.

Фан-техника тараққиёти режаси корхона режасининг асосий қисми ҳисобланади. Унинг бош аҳамияти ФТТ жадваллаштириш, ишлаб чиқаришга илмий изланишларни жорий этиш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш жараёнини комплекс механизациялаш ҳамда автоматлаштириш ва бошқалардан иборат. Кўрсаткичлари янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси, ходимлар сони қисқариши ва ҳоказо.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиши режаси кўрсаткичига товар маҳсулотини ўсиш даражаси, умумий рентабеллик, барча манбалардан оқилона фойдаланиш ва бошқалар киради.

Капитал қурилиш ва капитал маблағлар режасининг асосий кўрсаткичлари, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватини жорий этиш, қувват ўсиши барча техник-иқтисодий тадбирлар ҳисобига ва ҳоказо.

Молия режасида шахсий айланма маблағларга бўлган эҳтиёж, айланма маблағлар айланишини жадаллаштириш, фондлардан фойдаланиш ва фойда топшириқлари белгиланади.

Корхона ривожлантириш режасининг барча босқичлари бир-бири билан узвий боғлиқдир.

3. Корхона бизнес-режаси, унинг мазмуни ва тузиш тартиби

Бизнес-режа истиқболни белгиловчи ҳужжат ҳисобланади. Бизнес-режа 3 - 5 йилга тузилади. Биринчи ва иккинчи йиллар учун топшириқлар кварталларга бўлинган ҳолда учинчи йилдан бошлаб йиллик кўрсатилиши мумкин.

Жаҳон амалиёлида бизнес-режаларнинг 5 бўлимдан то 18 бўлимгача вариантлари мавжуд.

Бизнес-режа тузилишини ҳар бир тадбиркор, тадбиркорлик доираси фаолияти тури ва имкониятларидан келиб чиқиб, ўзи мустақил равишда белгилайди (Республикамиз Бизнес режанинг қишлоқ хўжалигидаги жамоа хўжаликлари учун тасдиқланган намунавий шакли мавжуд).

Бу амалиёт давомида олдиндан танлаб олган лойиҳанинг бош стратегиясидан келиб чиқиб, ўз бизнес-режаси таркибини белгилаб олади.

Бизнес-режа қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин:

- Фирманинг имкониятлари (кириш).
- Товар (хизмат)лар турлари.
- Товарлар сотиш бозорлари.
- Товарларни сотиш бозорларида рақобат.
- Маркетинг режаси.
- Ишлаб чиқариш режаси.
- Ташкилий режа.
- Фирманинг ҳуқуқий таъминоти.
- Таваккалчиликни баҳолаш ва суғурта.
- Молия режа.
- Молиялаштириш стратегияси.

Хусусий тадбиркорликда бизнес-режа тадбиркорлар томонидан мустақил равишда тузиб чиқилади. Бизнес-режалар ишлаб чиқишда тадбиркорлик фаолияти мақсади ва доирасига таянадилар. Айрим масалаларни ҳал этишда экспертлар хизматидан ҳам фойдаланилади. Масалан, маркетинглар, юристлар, руҳшунослар ва ҳоказо.

Саноат корхоналарида бизнес-режалар тузиш учун махсус ишчи гуруҳлари тузилади. Ишчилар гуруҳ таркибига корхонанинг етакчи мутахассислари ва малакали ходимлар киритилади. Ишчи гуруҳга раҳбарликни корхона раҳбари ўз зиммасига олади. Ҳар бир ишчи гуруҳга аниқ вазифалар берилади ва бажариш муддати белгиланади.

Иш ҳажми юқори бўлган гуруҳлар таркибида ҳам алоҳида гуруҳчалар ташкил этилиши мумкин.

Гуруҳлар умумий йиғилишида тузилган лойиҳалар муҳокама қилинади ва улар асосида бизнес-режа тузилади.

Бизнес-режаларга қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

1. Бизнес-режа тушунарли, содда бўлиши шарт.
2. Бизнес-режаларда фақат биринчи даражали асосий маълумотлар акс эттирилиши лозим, яъни технологик жараёнларни тўла ёритиш шарт эмас.
3. Бизнес-режа тузишда умумфойдаланилаётган атамаларга асосланиш лозим.

Бизнес-режалар икки хил мақсадга тузилиши мумкин. Биринчидан, инвесторлар учун, яъни лойиҳани амалга ошириш жараёнида тадбиркорнинг шахсий маблағлари етарли бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолатда улар мулкдорларнинг бўш маблағларидан фойдаланишга мажбур бўлади. Лойиҳанинг самараси бизнес-режаларда асосланган бўлади. Бундай бизнес-режалар нисбатан қисқа бўлиб, корхонанинг томонларини ўзида тўла акс эттирмайди. Иккинчидан, корхона раҳбарлари учун тузилади. Бу бизнес-биринчи тузилганига нисбатан кенгроқ маънони англатади. Ишлаб чиқаришдаги муҳим масалаларга ҳам эътибор берилади. Бизнес-режалар доимий равишда қайта кўрилиб борилади. Бозордаги ҳолатдан келиб чиқиб, уларга тузатмалар киритилади.

Ўз-ўзини текшириш юзасидан саволлар

1. Режа ва режалаштириш мазмун-моҳиятини айтинг.
2. Кўрсаткич ва кўрсаткичлар системаси нима?
3. Корхона ишлаб чиқариш режаси бўлимларини айтинг.
4. Корхона ишлаб чиқариш режаси кўрсаткичларига нималар киради?
5. Бизнес-режа мазмунини ёритинг.
6. Бизнес-режа тузиш тартибини тушинтиринг.

КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ

1. Асосий фондлар ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни

Асосий фондлар деб -

2. Асосий фондларининг ҳисобга олиш шакллари ва баҳолаш усуллари

КОРХОНАНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ

1. Инвестициялар ва инвестициялаш. Уларнинг асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришдаги роли

КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА ФОНДЛАРИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

1. Айланма фондлар ҳақида тушунча ва унинг таркиби

КОРХОНАДА ХОДИМЛАР, МЕҲНАТ ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

1. Меҳнат потенциалини характерловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг аниқлаш услуби

3. Кадрлар тузилиши ва бандлик

Корхона ва фирмада хизмат қилаётган ходимлар икки категорияга бўлинади:

- саноат ишлаб чиқаришига боғлиқ бўлган;
- саноат ишлаб чиқаришига боғлиқ бўлмаган.

Биринчи гуруҳга ишлаб чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ходимлар киради.

Иккинчи гуруҳга эса асосан уй-жой маиший хизмати билан банд бўлганлар, болалар боғчаси, тиббиёт муассасалари ходимлари киради.

Корхоналарда ходимлар куйидаги категорияларга бўлинади:

- ишчилар;
- мутахассис ва раҳбарлар;
- хизматчилар;
- майда хизмат ходимлари, ўқувчилар.

Ишчилар - бу моддий боғлиқ, ишлаб чиқаришда доимий қатнашаётган ёки транспорт хизмати кўрсатиш соҳаси ходимлари. Ишчилар ўз вақтида асосий ва ёрдамчи гуруҳга бўлинади. Уларнинг нисбати - аналитик кўрсаткич.

Асосий ишчилар коэффициенти куйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{ai} = 1 - R_{yo.i} / R_k,$$

бунда: $R_{yo.i}$ - ёрдамчи ишчилар, ўртача рўйхатдаги сони;

R_k - корхонадаги барча ишчилар, ўртача рўйхатдаги сони.

Мутахассис ва раҳбарлар - улар ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда қатнашади ва унга раҳбарлик қилади.

Хизматчилар - молия ҳисоб, таъминот, воситачилик ва бошқа функцияларни бажарувчилар.

Иш малакаси - мутахассисларнинг билиш даражаси амалий иш тажрибаси уларни аниқ бир иш турлари бўйича мураккаблиги билан характерланади.

Корхонанинг маълум бир цех ёки бўлимларидаги кадрлар тузилиши айрим тоифадаги ишчиларнинг умумий ишчилар сонига нисбати билан аниқланади. Нар бир тоифадаги ишчилар сонини умумий саноал ишлаб чиқариш ходимларига таққослаш орқали аниқланади:

$$dpi = Pi / P \text{ ёки } dpi = (px100) / p$$

Кадрлар тузилиши ҳар бир бўлимда аниқланади ва таҳлил этилади. Шу жумладан, улар қуйидаги белгилари бўйича ҳам таҳлил этилиши мумкин: ёши, жинси, маълумот даражаси, иш стажи, меъёр бажариши ва ҳоказо.

Меҳнат жамоалари таркиби, малака даражаси бўйича доимий миқдор ҳисобланмайди, у доимий равишда ўзгариб боради, бир одам ишдан кетса, иккинчиси ишга қабул қилинади.

Корхонада кадрлар ҳолати қуйидаги коэффициентлар орқали аниқланади.

Кадрларнинг ишдан кетиш коэффициенти - барча сабаблар бўйича маълум бир даврда ишдан кетганларни, умумий рўйхатдаги одамлар сонига таққослаш орқали топилади:

$$Kik = \frac{Ri.k.}{R}$$

Кадрлар қабул қилиш коэффициенти (Kqq) маълум бир даврда ишга қабул қилинганлар умумий сонини (Rq) ўртача рўйхатдаги одамлар сонига бўлиш орқали топилади (R)

$$Kqq = Rq / R$$

Кадрлар турғунлиги коэффициенти (Ktk) - бу кўрсаткичдан ишлаб чиқаришни бошқариш даражасини баҳолашда фойдаланишга маслаҳат берилади, бутун корхона ёки уни бўлимлари бўйича

$$Kt.k. = 1 - R_{I.B}^1 / R + R_{Ya.I.}$$

бунда: $R_{I.B}^1$ - меҳнат интизомини бузиш ва ўз хоҳиши билан ишдан бўшаганлар сони;


R - ўрганилаётган даврда корхонада ишлаётган ўртача рўйхатдаги ходимлар сони;


$R_{Ya.I.}$ - ўрганилаётган даврда янги ишга олинганлар сони.

Кадрлар қўнимсизлиги коэффициенти таҳлил этилаётган даврда ишдан кетган ва бўшаганлар сонини, ўша даврдаги ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига бўлиш орқали топилади.

Бандлик бу фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида, яъни иш ҳақи олиши асосидаги фаолият туридир.

Бандликнинг бир неча турлари мавжуд (14-схема):





14-схема. Бандлик турлари.


Куйидаги фуқаролар банд ҳисобланади:


- ёлланиб ишловчилар;
- вақтинча таътил ва бошқа сабаблар бўйича ишда қатнашмаётганлар;
- ўзини мустақил иш билан таъминловчилар;
- иш ҳақи тўланадиган мансабларга сайланганлар;
- ички ишлар ва ҳарбий хизматдагилар;
- кундузги бўлим талабалари ва ўқувчилари.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида давлат сиёсати моҳияти куйидагилардан иборат:


- барча фуқароларнинг меҳнат бўйича имкониятларини қонунларда таъминлаш;
- бандликнинг шакллари эркин танлаш;
- фуқароларнинг меҳнат ва тadbиркорлик ташаббусларини қўллаб қувватлаш;
- меҳнат эркинлиги тамойилларига риоя қилиш;
- бандлик борасида давлат органлари фаолиятини координация қилиш асосида аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлаш;
- бандлик муаммоларини ҳал этишда халқаро ҳамкорлик.

Бандлик масалаларини тартибга солиш борасида давлат ҳокимият органлари ва жамоатчилик ташкилотлари шуғулланади.





15- схема. Бандликхизмати.





16- схема. Ишчи кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлаш шакллари.

4. Иш вақти тушунчаси ва унинг иқтисодий мазмуни

Таянч иборалар

Меҳнат унумдорлиги - вақт бирлигида яратилган маҳсулот ва хизматлар миқдори ёки маҳсулот ҳамда хизматлар бирлигини яратиш услум сариланган иш вақти.т

Меҳнат биржаси - ишчи, хизматчи ва корхона эгаси орасида ишчи кучини сотиш ва сотиб олиш бўйича кслишувни амалга оширишда мунтазам воситачи вазифасини ўтайдиган махсус давлат муассасаси.

Биржа - намуналар ёки стандартлар асосида савдо қиладиган оммавий товарларнинг мунтазам улгуржи бозори.

Меҳнат ресурслари - 16 ёшдан 60 ёшгача эркеклар, 16 ёшдан 54 ёшгача аёллар, ижтимоий унумли меҳнат билан банд бўлган III гуруҳ ногиронлари, қариялар ҳамда 14 - 16 ёшгача бўлган меҳнат қобилиятидаги ўсмирлар.

Ишсизлик - мураккаб социал-иқтисодий ҳодиса бўлиб, ишчи кучини таклиф этиш билан унга талаб ўртасидаги миқдор жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам номувофиқликни акс эттиради.

Назорат саволлари

1. Меҳнат потенциали тушунчасини айтинг.
2. Меҳнат потенциалини характерловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш услубини тушунтириб беринг.
3. Кадрлар тузилиши таркибини айтинг.
4. Бандлик тушунчаси моҳияти нима?
5. Иш вақти ва унинг иқтисодий мазмуни нимадан иборат?
6. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий қоидалари қандай?
7. Меҳнатга ҳақ тўлаш системаси (tizими) моҳияти нима?
8. Меҳнатга ҳақ тўлаш формалари қандай?
9. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш йўналишларини айтинг.

3. Фойда ва рентабеллик - корхона фаолиятининг якуний кўрсаткичи

Фойданинг баланс (умумий) ҳисоб-китоб ва қолдиқ шакллари мавжуд.